

*(Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат таваллудининг 150 йиллигига багишланган илмий-услубий маколалар тўплами)*

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

“Мустакиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган гоят улкан, бебахо маънавий ва маданий меросни тўла тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган нихоятда мухим вазифа бўлиб колди”, – деб ёзган эди Президентимиз Ислом Каримов. Дархакикат, шўро тузуми йилларида маълум сабабларга кўра факат бир томонлама талкин килиб келинган барча мумтоз адибларимиз ижоди эндиликда умуминсоний нуктаи назардан кайта тахлил килинмокда. Шу жумладан, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакилларидан бири Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат(1859-1909)нинг адабий-бадиий мероси бундан мустасно эмас. Гўзал Фаргонанинг шоирлар ва фозиллар шахри сифатида довруги оламга ёйилган Хўканди латифда камол топган Амирий, Махмур, Гулханий, Нодирабегим, Жахон отин Увайсий, Мукимий, Завкий, Хазиний, Абдулла Каххор, Собир Абдулла, Чархий ва бошка юзлаб аллома адиблар ижодини, илмий-адабий меросини ўрганиш ва уларни кенг таргиб килиш маънавиятимизнинг янада юксалишига хизмат килади.

Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат таваллудининг 150 йиллигини муносиб нишонлаш максадида Фаргона вилояти хокимлигининг 2009 йил 27 октябрда кабул килинган 201-сонли карори хам юкоридаги фикрларимизнинг исботидир.

Улкан сўз санъаткори, ўзбек халкининг ардокли маърифатпарвар, ватанпарвар шоирларидан бири сифатида шухрат козонган Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркатнинг ижодий мероси доимо халкимиз томонидан эъзозлаб келинган.

Фуркат хаёти ва ижодини ўрганиш жуда эрта – шоир шеърларини тўплашдан бошланган эди. Зокиржон эндигина 24 ёшга тўлганда, унинг шеърлари кўлёзма шеърий тўпламлар – баёзларга киритила бошланади. Кейинчалик катта-катта кўлёзма ва тошбосма баёзларда шоирнинг ўнлаб газаллари, мухаммаслари ва мусаддаслари ўрин олганинини таъкидлаш лозим. 1890 йилдан эса адибнинг ўша пайтларда ўзбек тилида чоп этилган ягона нашр – “Туркистон вилоятининг газети”да эълон килинган шеърлари ва маколалари Фуркат номини янада машхур бўлишига сабаб бўлди. Адиб хаёти ва ижодини ўрганишда кимматли манба бўлган “Хўкандлик шоир Зокиржон Фуркатнинг

ахволоти, ўзи ёзгони” эсдалик-мемуарлари хам шу газета сахифаларида босилган эди. Ўша йиллари шоирнинг айрим асарлари Санкт-Петербургда чикиб турган “Записки Восточного отделения русского археологического общества” журналида хам эълон килинган ва рус шаркшунослари диккатини ўзига тортган эди.
Фуркат ижодини ўрганиш XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб кучайганини кузатиш мумкин. Маърифатпарвар шоирнинг айрим шеърлари шўша пайтларда нашр этилган мактаб дарсликлари ва хрестоматияларида учрайди. Адиб асарларини ўрганиш ва нашр килишда филология фанлари доктори Холид Расулнинг хизмати катта бўлганини таъкидлаш лозим. Унинг Фуркат хаёти ва ижолини ўрганишга багишланган ўнлаб маколалари, рисолалари чоп этилган. Олим шоир асарларининг ўзбек ва рус тилларида бир жилдлик ва икки жилдлик нашрларининг бир неча марта амалга ошишида жонбозлик кўрсатди.
1959 йилда шоир таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган юбилей тантаналари адиб ижодини ўрганишда мухим ходиса бўлди. Шу муносабат билан шоир яшаган даврнинг ижтимоий ва маданий-адабий хаёти хакида, шоирнинг фаолияти ва ижоди хакида кўп илмий маколалар, монографиялар яратилди. Унинг ижодига оид аллома шоирлар Г.Гулом, М.Шайхзода, С.Абдулла, академиклар И.Мўминов, В.Зохидов, А.Каюмов, йирик адабиётшунослар Х.Зарипов, Л.Каюмов, А.Абдугафуров, Э.А.Каримов, Ш.Юсуповларнинг салмокли тадкикотлари ва монографиялари яратилди.
Адабиётшунос Г.Каримов Фуркат ижодий меросини шакли ва мазмунига караб куйидаги гурухларга бўлади:
а) лирикаси;
б) маърифатпарварлик рухидаги асарлари;
в) достонлари;
г) мемуарлари;
д) публицистикаси;
е) илмий асарлари;
ё) бадиий таржималари.
Фуркат форс-тожик тилида хам шеърлар ижод килган. Демак, у форс-тожик тилини хам мукаммал билган. Унинг айрим ижодкорларнинг асарларини рус тилидан ўзбек тилига таржима килганлиги хам маълум.
Адабиётшунос Холид Расул: “XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек адабиётининг ривожланишига катта хисса кўшган демократик йўналишнинг йирик сиймоси Зокиржон Фуркат маданият ва адабиёт тарихида янги сахифа очди ва ўзбек шеъриятини юксак боскичга кўтарди,” – деб ёзиши бежиз эмас, албатта.
Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонда ўз хукмронлигини ўрнатган чор хокимияти ўзбек халки бошига катта кулфатларни солди. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий-мафкуравий вокеалар бадиий адабиётда хам акс этди. Бу даврда Туркистонга илгор фан ва техника ютуклари хам кириб кела бошлаган эди. Ўрта Осиёда колониал ва миллий зулм авж олган бир даврда илгор янги мафкура пайдо бўлди ва бу илгор мафкура ўзбек адабиётида илк бор Фуркат ижодида ўз аксини топди.
Фуркат ижодий фаолияти кўлами кенг, серкирра ва махсулдор адиблар жумласига киради. У колдирган ижодий мероснинг хажман катта кисмини она-юртни мехр билан куйлаш, ишк-мухаббат, гурбат ва ватандан жудолик каби мавзудаги лирик шеърлар ташкил этади. Шоирнинг маърифатпарварлик ва маънавиятни кўтаришга каратилган асарлари эътиборга лойик. У ватанимиз болаларини – ёш авлоднинг маърифатли, илмли

бўлишини истади. Илм ўрганишни хар нарсадан устун кўйган шоир ўзининг илмсиз колганидан пушаймонлигини билдиради:
Жахон басти кушоди илм бирла,
Надур дилнинг муроди – илм бирла.
Кўнгулларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларнинг нури илмдандур.
Керак хар илмдин бўлмок хабардор,
Бўлур хар кайси ўз вактинда даркор.
Дариго, Фуркатий, беилм колдим,
Ўзимни жахл зиндонига солдим.
Бунда шоирнинг дунёвий илмларни ўргана олмаганидан афсусланаётганини сезиш кийин эмас.
Фуркат шеъриятимизнинг кадимий анъанавий жанрларида ижод килди. Айни пайтда у – хаёт нафасини, давр рухини санъаткорона очиб беришда юксак махорат кўрсата олди. Унинг публицистик асарлари эса ўзбек адабиёти тарихида мутлако янги ходиса бўлди. Фуркат ўзбек адабиётини дунё микёсига олиб чикишда алохида ўрида туради.
Фуркат качон ва кандай шароитда бўлмасин, халк бахти-саодатини кўзлаган халкпарвар, ватанпарвар шоир эди. У халкнинг бахтли келажагини, илм-фан маориф ва маданияти богланган маърифатларвар шоир эди.
Фуркат Ёркентда яшаган даврида хам маърифатпарварлик фаолиятини давом эттирди, у ерда яшовчи халклар ўртасида илм-маърифат таркатишга астойдил харакат килди. У Ёркентда ижодий иш билан бир каторда илмий иш билан хам шугуллангани маълум. Шоирдан колган материаллардан маълум бўлишича, у табобат билан хам шугулланган. Унинг ўт-ўланлар билан беморларни мохирона даволагани хакида хам, астрономия билан хам жиддий шугуллангани хакида хам кўплаб маълумотлар етиб келган.
Фуркат ўз Ватанининг мустамлака кишанларидан озод бўлишини, янада гуллаб-яшнашини бутун вужуди билан истаган, лекин бу ватандан тириклигида абадий жудо бўлган ижодкордир. Буюк маърифатпарвар ва ватанпарвар шоирнинг ўлмас асарлари ва порлок хотираси миннатдор авлодлар калбида мангу яшайди.
В. Махмудов – институт ректори

---

**Фуркат ижодини “Мулокот” тренингги асосида ўрганиш** (М.Кодирова)

Ўзбек маорифатчилик адабиётининг етук вакилларидан бири саналган Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат ижодини ўрганишга академик лицей дастурларида 3 соат ажратилган: Ўкитувчи уч соат мобайнида Фуркат ижодини ўрганишни шундай усул билан

олиб бориши керакки, бу жараёнда Фуркат хаёти ва ижоди, унинг лирикасидаги асосий йўналишлар, хасби хол, анъанавийлик, маърифий фикрлаш ва карашларнинг нечоглик акс этганлиги борасида муайян тасаввурларга эга бўлмоклари даркор. Шоир ижодини ўрганишда анъанавий методлар хам ўзини оклаган. Бирок ўкитишдаги янгича караш ва янги ёндашувлар Фуркат маърифатчилигини шаклланиб бораётган янги педагогик технологиялар асосида ўргатишни такозо этмокда. Шунга кўра, биз шоир ижодини ўрганишни “Мулокот” тренингги асосида ташкил этишни максадга мувофик деб хисоблаймиз.

Мазкур тренинг ўкувчиларга дарс жараёнида мустакил фикрлашга, ўз фикрларини эркин холда баён эта олишга хамда уларда бахслашиш маданиятини тарбиялашга каратилган бўлиб, одатда бу методда дарслар аудиторияни кичик гурухларга бўлган холда ўтказилса, кутилган самарани беради.

Дарсдан кутилган максад эса танланган мавзу, муаммо асосида тенгливчиларнинг диккатларини хамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларини аниклаш, мутакил холда умумий фикрларга келишларига аник хулосалар чикаришларига кўмаклашиш, эркин холда бахслашишларига ёрдам беришдан иборатдир.

Ўкитувчи “Мулокот” тренинггини ўтгазишдан бир ёки икки хафта аввал ўкувчиларни мулокот мавзуси, мулокот ва бахс-мунозара ўтказиш тартиби, уларга кўйиладиган талаблар, коидалар билан таништиради, сўнгра ушбу тренинг боскичма-боскич ўтказилишини тушунтиради. Ана шу боскичма-боскич ўтказиш уч соат мобайнида маърифатпарвар шоир ижодини атрофлича ўрганиш имконини беради.

Тренингнинг 1 боскичида ўкувчиларга бир неча топшириклар берилади. Улар дарс ўтадиган топширикларни тўлик бажарган бўлишлари шарт. Бу топшириклар ўкитувчи томонидан назорат килиб борилади. Дарс бошлангунга кадар мавзу ва режа доскага ёзиб кўйилади. Хонанинг кўзга кўринарли жойига Фуркат хаёти ва ижодига доир кўргазма, деворий газета, ўкувчиларнинг шоир хаёти ва ижодига багишлаб тайёрлаган ижодий ишларидан бурчак ташкил килинади. Шу ўринда Фуркатнинг хаёт йўлини ифодаловчи хронологик жадвал, шоир портрети, асарлари, у хакида ёзилган китоблар, рисола ва маколалар хам шу бурчакда жой олиши лозим. Айни чогда, ўкувчилар ушбу кўргазмалар билан олдиндан танишган бўлсалар ёки вакт топиб ўкитувчи булар борасида ўкувчиларга кисман бўлса-да маълумот берган бўлса, тренингнинг жонлилиги ва самарадорлиги ортади. Хронологик жадвал куйидагича тузилиши мумкин:

1859-1870йиллар - Фуркат Кўкон шахрида савдогар оиласида таваллуд топди. Дастлабки таълимни махалласидаги мактабдор Мухаммад Олимдан олган. 6 ойда “Хафтияк”ни тамом килди. “Чор китоб”ни ўтиб, “андак фурсатда” уни хам тамом киладию 8 ёшида Фаридиддин Атторнинг “Мантик ут-тайр” достонини ёд олади. Сўнг Навоий асарларини ўрганишга киришади. Навоий бошлик улуг шоирлар (Низомий, Жомий, Аттор в. б.) унинг тушига кириб, “Чор девон” (Навоий)дан имтихон кабул киладилар ва Фуркатга “шеър машкига рухсат” берадилар. Ўн ёшида Фузулийни севиб ўкиган.

1870 йил - Ашур Мухаммад коридан кироатини ўрганди.

1870-1871 йиллар – Мударрис Пошшохўжа эшондан араб тилини ўрганиб, мадараса таълимига тайёргарлик кўради.

1873 йил - Ўн тўрт ёшида мадрасага киради. Бирок барча мадрасалар ёпилгани сабабли, Фуркат мадрасани тамомлай олмайди.

1879 йил - Янги Маргилон (хозирги Фаргона)да савдогарчилик билан

шугилланади. Хусусий муаллимдан сабок олади. Сал кейинрок ўзи бошкаларга дарс беради.

Изох: Шоирнинг “Фуркат” (айрилик) тахаллусини танлаши борасида уч хил караш бор. Бири – унинг Кўкондан узокда – Янги Маргилонда яшаганлиги, бири эса, хаётининг юрт, дўстлар дийдоридан йирокда ўтгазганида деб хисобланади. Аслида, “Фуркат” сўзи “Мантик ут-тайр” мохияти таъсирида, Аллох дийдоридан жудоликни назарда тутган холда тахаллус сифатида танлангани хакикатга якинрок.

1880-1886 йиллар - Кўконга кайтади. Ижод билан шугилланади: шеърлари мухлислар орасида кенг ёйилади. 21-22 ёшида “Девон” тузади. Фуркат ўзбек адабиётида энг ёш соххиби девон бўлган.“Хаммоми хаёл” рисоласини ёзади, “Нух манзар”, “Чор дарвеш”ни форсийдан таржима килади.

1886-1887 йиллар - Маргилонда яшайди

1888 йил - Тошкент сафарига отланади. Хўжандга келганда, кон-томир касаллиги билан бетобланади.

1889 йил - Тошкентга келади. Хожи Аъзам ёрдамида Кўкалдош мадрассасида яшайди.

1990 йил - Тошкентда “Туркистон вилоятининг газети” мухаррири, Тошкент эрлар гимназиясининг директори Н. Остроумов билан танишади. Март ойида Н. Остроумов уни Тошкентнинг Янги шахар кисмига олиб боради, уни рус амалдорлари, руслар хизматида ўзбеклар, хатто генерал-губернатор билан таништиради. Ушбу юришлар натижасида “Гимназия”, “Илм хосияти”, “Акт мажлиси хусусида”, “Наьма базми хусусида”, “Виставка хусусида”, “Суворов” каби шеърлари “ТВГ”да босилади.

1890-1891йиллар- “ТВГ”га таржимон бўлиб ишга киради. Газетада “Саргузаштнома”, “Фуркатнома” номлари билан танилган насрий мемуари – “Хўкандлик шоир Зокиржон Фуркатнинг авлоди. Ўзи ёзгони” давомли босилади.

1891 йил 14 май- Зиёли савдогар ва этнограф олим Мирзо Бухорий таклифи билан Самаркандга йўл олди.

1891 йил июл Бухорога боради Когондан поездга ўтириб, Марв, Ашхобод, Боку, Ботум оркали Истамбулга йўл олади. Истамбулда Султонтепа деган такяга кўнади. 280 мисралик “Сабога хитоб” маснавийси ана шу ерда ёзилган.

1891-1893 йиллар Туркиядан Юнонистон ва Булгория саёхат килади. Миср ва Шом сафарида бўлади. Макка ва Мадинани зиёрат килади. Сўнг Хиндистонга юзланади. 1892 йил сентябрда Бомбайга етиб келади. Хожи Ахмад деган юртдошининг ўйида 6 ой яшаган, Кашмир томон юради. Тибет ва Хўтан оркали октябр ойида (1893) Ёркентга етиб келиб, умрининг охиригача шу ерда колиб кетади.

Шоир Кашкардаги Русия идорасида котиб бўлиб ишлаган. 1906 йилгача Туркистон “ТВГ” билан алокасини узмаган.

Шоир“Донгдор”кабристонигакўйилган.Адабиётшунос Н.Абдулхакимнинг аниклашича, 1958 йилда зилзила туфайли кўчирилганда, Фуркат жасадининг бош кисми тириклигидаги холда турган. Бу унинг ўзига хос шахс бўлганлигига ишорадир.

Дарс мусикали дакика билан бошланади. Бундан хофиз Т.Кодиров ижро этган “Сайдинг кўябер сайёд”, “Фасли навбаоор ўлди...” кўшикларидан парчалар эшиттирилса, максадга мувофик бўлади.Ўкитувчи тренинг умумий режасини куйидаги тарзда доскага ёзиб кўяди:

1. Фуркатнинг таржимаи ооли.
2. Фуркатнинг лирик шеорлари.
3. Фуркатнинг маорифий руодаги шеорлари.

4. Фуркатнинг “Саргузаштнома”асари.
Мазкур режа шоир ижодига ажратилган 3 соат давомида ўкувчилар гурухларга ажратилган холда, бахсу мунозараларга ўрин берилган тарзда тшкил этилади. Ушбу жараёнда ўкитувчининг роли алохида бўлиши лозим. Аввало, юкорида келтирилган жадвал асосида ўкитувчи Зокиржон Фуркат шахси, унинг хаётидаги мухим нукталар борасида маълумот беради ва шоирнинг маорифатчилик адабиётидаги ўрнига ургу килади. Тахлиллар олдидан шоирнинг салафлари Навоий, Фузулий, Лутфий ижодидан бахраманд бўлгани уларнинг тажрибаларига суянган холда ўзбек лирикасининг ифода имкониятларини кенгайтира олишга эришгани хакида маълумот берилади. Айникса, Фуркатнинг “Косидо, айгил ўшал дилдорга” деб бошланадиган газали лирикасининг табиати, ундаги етакчи йўналишларни белгилашда мухим ўрин тутганига ўкувчилар эътиборини каратади. Мазкур газал зохиран дунёвий, ботинан эса тасаввуфий характер касб этганини ўкувчилар онгига етказиш хам эътибордан четда колмаслиги лозим. Шунингдек, шоирнинг Фузулий газалига тазмин килиб ёзилган ва шартли равишда “Келинчак”деб номланган шеъри тахлилида хам хаётийлик ва маърифийлик уйгунлигига ўкувчилар диккатини тортиш лозим. Айникса, шу газалнинг:
Сурмадин кўзлар каро,кўллар хинодин лоларанг,
Гозадин юзларда тобу, ўсмадин кошлар таранг,-
Сатрларига эътиборни каратиш, тахлил жараёнида шоирнинг эстетик идеалини аниклашга харакат килиш, тренингнинг кейинги боскичларида бахс-мунозаранинг жонли чикишини таъминлаб беради.
Фуркатнинг “Бормасмиз” радифли газалида ўз шахсиятини, умр баёнига даолдор жиоатлар кўпрок кўзга ташланишини эътиборда тутиб, ўкувчига тушинтириш, тренинг сифатини оширади. Дархакикат, мазкур газалда маърифатли инсон такдири борасида сўз кетади. Шеърда комиллик йўлига кирган ориф шахс хаётий карашлари баён этилади. Газалнинг кахрамони ўз кадрини биладиган, инсонлик гурурини бойлик ва манфаатдан устун кўя оладиган шахс:
Биз истигногли кичкирмаган маъвога бормасмиз,
Агарчандики, хирмон айласа дунёга бормасмиз.
Шоирнинг асосий шиори- малоллик келтирмай яшаш. У нафакат жамиятнинг, балки табиатнинг малолатига хам сабабчи бўлишни истамайди:
Агар лабташна колсак, филмасал, саоройи оламда,
Малолат зохир этса, мавж урар дарёга бормасмиз.
Шоир эотикодида собит. У бу ёлгон дунёдан кетгунча карашларини ўзгартирмокчи эмас. Шу тарика шеърда ўз кадрини билган, эзгуликка интилган, хакикатга астойдил етишмокчи бўлган солик туйгулари самимий ифода этилган:
Эмасдур онча асбоби жахонга фикримиз, Фуркат,
Вале, кетгунча юз андишаи фардога бормасмиз.
Бу ва бундан ташкари кўзда тутилган Фуркат шеърлари тахлил килинганда, улардаги тимсолларга хам алохида эътибор берилади. Дунёвий ва тасаввуфий тимсолларни мохияти очиб берилади, булар газал мавзусидан ва фикрлар талкинидан келиб чикилган холда тахлилга тортилади.
Шоир рухиятидаги тўлганишлар, пўртаналар билан табиатнинг уйгунлиги пейзаж лирикасининг гўзал намунаси “Фасли навбахор ўлди” газалида акс этганини уктириш хам ахамиятлидир.Зеро, унда кўклам келиши билан табиатда рўй бераётган гўзал ўзгаришларни гоят синчиклаб кузатган шоирнинг калб кечинмалари акс этган. Ўзбек

тилининг ифода имкониятларидан маоорат билан фойдаланган шоир ўкувчига ахборот бериб колмай, унда кучли хис-туйгу уйготади:
Субхидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,
Гул уза томиб кам-кам, ёгди абрў найсонлар.
Фуркат кўклам манзарасини ўз холича тасвирламайди, уни жонлантиради. У атрофдаги хар бир унсурни дилга якин кишига муносабати нуктаи назаридан тасвирлайди. Уларда “ёронлар”, яъни ёр-жўраларга интизорлик, интиклик кўради. Киши кўзини кувонтираётган бахорий кўкатлар шунчаки гўзал эмас, балки якинларни кутиб олишга хозирлик кўраётгинлиги сабаб гўзалдир:
Настарин ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзни,
Наргис очубон кўзни интизори ёронлар.
Кискаси, шеърда шоирнинг табиат хакидаги карашлари жамият ва инсон хакидаги карашлари билан уйгунлашиб, шоирнинг лирик “мен”ини   хаётий шахс, ўзгалар такдирини ўз кисмати билан бир кўрган маърифатли шахс киёфасида кўришга имкон беради.
Фуркат маърифатчилик адабиётига ўз лирик шеърлари билан катта хисса кўшганини доимий таъкидлаб бориш хам ўкитувчининг зиммасига тушади. Зеро, шоирнинг дастлабки шеърларидан тортиб, умрининг сўнгига кадар яратган битикларида кишиларни маърифатга чорлаш, илмнинг ахамиятини таргиб килиш устувордур. Фикрни янгиламай туриб хаётни янгилаш хам, яхшилаш хам мумкин эмаслигини англаб етган шоир “Илм хосияти”, “Гимназия”, “Виставка хусусида” ва бошка бир катор маснавийларида хамда кўплаб газалларида маърифатчилик карашларини олдинга суради, илмнинг ахамиятини уктириб, кишиларни илм ўрганишга чакиришдан чарчамайди:
Дейин сўзни илмнинг хосиятидин,
Баён айлаб, анигнг мохиятидин.
Бу сўзни гўши бор одам эшитсин,
Ўзида  хуши бор одам эшитсин.
Фуркат бу шеърида илмнинг ахамияти, Искандардай жахонгир илм туфайли ўз номини тарихга битгани, Афлотун хам илми оркали “Муаллими аввал” рутбасига эришгани, илм хамма учун сув ва хаводек зарур эканини уктиради. Хамма нарса илм оркали чикишига ўкувчини ишонтиради:
Жахон басту кушоди илм бирлан,
Надур кушоди дилни муроди илм бирлан.
Шоирнинг “Фуркатнома” насрий мемуар асарида хам илмнинг инсон хаётидаги ўрнига катта эътибор билан каралган. Айникса, унинг ети ёшидан мактабга боргани, саккизда “Мантик ут-тайр”га ошно бўлгани, тўккиздан хазрати Навоий асарини ўкий бошлагани, ўн бир ёшида Курхони каримни хатм килгани, устозлари хакидаги кимматли маълумотлар, рус илм-фани, маданияти хакидаги хабарлари алохида эътиборга лойик бўлиб, шоирнинг маърифатпарварлик карашларига бахо беришда булар анчагина кўл келади. Айникса, Тошкентда кўрган босмахона, гимназия, музей, кўргазма, театр каби тушунчаларнинг яхшилаш мумкинлагига кишини ишонтиради.
Шоирнинг “Адашганман” газали ва шу радифдаги мухаммасида ички кечинмалар махорат билан очиб берилган бўлиб, унда ватан ёркин бўёкларда кўрсатилган.
Хуллас, ўкитувчи ана шу мухтасар маълумотлар оркали Фуркат ижодига экскурсия килади ва трснинг учун замин хозирлайди. Гурухларга бўлинган ўкувчилар танланган

мавзулари бўйича иш бошлайдилар.
Тренингни ташкил килишда гурухларни куйидагича муаммолар билан банд килиш зарурга ўхшайди:
1. Фуркатнинг ўзбек маърифатчилак адабиётидаги ўрни. Хаёт йўли. Ижодининг йўналишлари.
Асос: “Саргузаштнома”. Фуркатнинг шеърий тўпламлари. Хронологик жадвал
2. Фуркат – лирик шоир. Лирик шеърларида маърифатли шахс тимсоли. Шоир махорати муаммоси.
Асос: Фуркатнинг шеърий тўпламлари. Шоир хакидаги рисола ва маколалар.
3. Фуркат – Маърифатпарвар шоир. Соф маърифий шеърларида маърифатли шахс кайгуси.
Асос: Фуркатнинг шеърий тўпламлари. Шоир ижоди хакидаги рисола ва маколалар.

Навбатдаги бискичда хар бир гурухдаги ўкувчилар ўз мавзулари бўйича муаммоли керакли далиллар, мисоллар, аник фикрлар, ўз фикрларини тасдикловчи кўргазмали материлалар, имкони бўлса, аудио-видео техника, маколалар тайёрлайдилар. Гурухдан бир кишини химоя учун танлайдилар, колганлари эса ўз фикрларини кўшимча килишлари мумкин. Ана шу жараёнда Фуркатнинг маърифатга интилишларига кўпрок ургу бериш керак. Юкорида ўкитувчи томонидан баёнда келтирилган фактларга, шунингдек “Саргузаштнома ”га кўпрок суяниш зарурлиги ўкитувчи томонидан уктирилиши лозим. Айни чогда, Фуркатнинг Тошкентдаги фаолияти, “ТВГ”да ишлаган пайтдаги кўрган-кечирганлари асосида ўкитувчи берган топширикни ёритсалар максадга мувофик бўлади. Шунингдек,Фуркатнинг кайси сабабга кўра Тошкентдан чикиб кетганлиги, нима учун чет элларда колиб кетганлигини бахсу мунозарага айлантирилса, тренингнинг бу боскичи ахамияти янада ошади.
Шу билан бирга, ўкитувчи бошка гурухларга хам тайёргарлик кўришни шу гурух тайёрланаётган вактга нисбатан белгилаши лозим. Химоя учун сўз берилган вактда, бошка гурухдагилар пассив тингловчига айланишлари лозим. Фаол тингловчи макомида химояланаётган гурух аъзоларигина коладилар.
Тренингнинг 3- 4-боскичида колган гурухлар ўз мавзуси бўйича химоя килади. Химоялар тугагач, ўкитувчи машгулотнинг кейинги боскичига ўтади. Хар бир гурухнинг химояси вактида ўкитувчи иложи борича уларга халакит бермасликка, ўз фикр-мулохазаларини билдирмасликка, савол бермасликка харакат килади, хеч кайси гурухга ён босмаган холда мулокотни бошкаради, гурухлар химояси вактида тартиб сакланишига ва мулокатни ўтказишга кўйилган талаб, коидаларни тўлик бажаришига эришишга харакат килади. Бу боскичда, асосан, хар учала гурух эркин, мустакил фаолият кўрсатишлари талаб килинади.
Кўриниб турибдики, Фуркат ижодини ўрганишга багишланган дарснинг дастлабки соати ўкитувчининг тренингга тайёргарлиги, шоир хаёти ва ижоди хакидаги маърузаси, ўкувчиларни гурухларга ажратиш, уларнинг вазифаларини белгилаш билан ўтади. Гурухдошлар биринчи ва иккинчи соат оралигида химояга тайёргарлик кўрадилар. Демак, иккинчи соат химояга сарф этилади. Учинчи соат тренингнинг бешинчи ва олтинчи боскичлари хисобланади. Бунда гурухлар бир-бирларига савол беришни бошлайдилар. Гурухлар томонидан бериладиган саволлар улар химояси вактида айтилган далиллар, мисоллар, фикрларни янада ойдинлаштириш максадида шунингдек, оз гурухларининг фикрларини янада таъкидлаб, исботлаб, колганларнинг хам шу

фикрга кўшилишларини даъват килиш учун берилиши мумкин. Чунончи:
1-гурух саволлари намунаси:
1. Зокиржон Фуркатнинг болалик даврига хос хусусиятлар нималардан иборат деб ўйлайсиз?
2. Унинг болалигидаги кечмишлари унинг салафлари– Навоий, Бобур, Машраб, Огахий болалигидан кайси жихатидан фарк килади?
3. Фуркат болалик ва ёшлик йиллари замондошлари Мукимий, Завкий, Аваз Ўтар ўгли хаётидан кайси томонлари билан фарк килади?
4. Фуркатнинг хаёт йўли билан ижоди орасида кандай богликликни кўриш мумкин?
5. Шоир саёхатларининг дунёкарашига, дунёкарашининг эса ижодига кўрсатган таъсирлари нимадан иборат?

2-гурух саволлари намунаси:
1. Фуркатнинг лирик шеърларининг мавзу йўналишлари нималардан иборат деб ўйлайсиз?
2. Фуркат шеърларидаги дунёвий ва сўфиёна белгиларнинг манбалари кайсилар?
3. Фуркатнинг лирик шеърлари кахрамонини “Маърифатли шахс” дейиш учун кандай тамойилларга таяниш мумкин?
4. Шоир шеърларининг бадиий хусусиятлари асосан, кайси тасвирий-таъсирий белгилар билан ўлчанади?
5. “На бўлди, нигоро”ва “Фасли навбахор ўлди” газалларидаги таъсирчанлик манбалари газалларнинг кайси ўринларида намоён бўлади?

3-гурух саволлари намунаси:
1. Фуркатнинг маърифатчилик адабиёти ривожидаги ўрни кайси шеърлари мисолида белгиланади?
2. Шоирнинг “Илм хосияти”маснавийсидаги:
Дариго, Фуркати беилм колдим,
Ўзимни жахл зиндонига солдим,-
мактаси мутафаккирларнинг кайси хикматли сўзларини эслатади?
3. Фуркат маърифатчилиги сўфийликдаги маърифатга чакиришдан кандай фаркланади?
4. Фуркатнинг рус илм-фани, маданияти ютукларига муносабатини кандай изохлаш мумкин?
5. Фуркат ўз маърифий гояларини бериш учун кандай максадни кўзлаб айнан маснавий шаклини танлаган ва бу оркали шоирнинг бадиий махорати кай тарика намоён бўлади?
Саволларга жавоб берган ўкувчилар эркин холда ўзларининг чикишлари билан барчага таъсир кўрсатишга, ўз фикрларини маъкуллашга интилишлари лозим. Ўкитувчи бундай холатда шароит, имконият яратади, бахс-мунозарани самимийлик билан бошкариши керак.
Тренингнинг сўнгги олтинчи боскичида ўкитувчи учала томоннинг хам бир-бирларига саволлари, айтадиган фикрлари, маъкуллайдиган сўзлари тугагач, бу фикрларни умумлаштиради ва ўзининг мазкур масала хакидаги фикр ва мулохазаларини баён этади ва гурух ўкувчилари томонидан тушган саволларга керакли жавобни беришга харакат килади.

Машгулот охирида ўкитувчи хар иккала гурухнинг машгулоти жараёнидаги фаолиятларини тахлил этиб, уларга миннатдорчилик билдиради ва машгулотни якунлайди.

---

**Фуркатнинг “Келинчак” газалини ўрганиш** (Б. Абдурахмонова)

Мактаб адабий таълимида адабий-назарий тушунчалар беришга алохида ахамият берилган. 5-9-синфлар учун чикарилган адабиёт дарсликларида кирк олтита назарий маълумотлар бериш режалаштирилган. Жумладан, 5-синфда хадис хакида, масал тўгрисида, ривоят ва афсона, шеър хакида, рубоий жанри тўгрисида, 6-синф адабиёт дарслигига эса кисса жанри, саргузашт асар, бадиий асар тили хакида маълумот бериш киритилган. Адабиёт дастури талабига кўра ўкувчилар бадиий асар тили хакидаги илк маълумотга умумтаълим мактабларининг 6-синфида эга бўладилар. Абдулла Каххорнинг “Бемор” хикояси ўрганилгач, дастур талабига кўра бадиий асар тили тўгрисида тушунча бериш кўзда тутилган. Ўкитувчи болалардаги ана шу билимга таянган холда юкори синфларда хам бунга эътибор каратади. 9-синфда Фуркат хаёти ва ижодини ўрганишга уч соат вакт ажратилган. Ўкитувчи шоир лирикасини ўргатиш жараёнида газалларининг тилини ўрганишга алохида ахамият беради.

Дарс аввалида шоир газаллари ўкилади, сўнгра, газал тахлилига ўтилади. Тахлил жараёнида Фуркат шеърлари тилининг ўзига хослиги таъкидланади. Шоирнинг шеърларидаги сўзларнинг хозирги ўзбек тилига муносабати тўгрисида гапириб, орадан 150 йил ўтганлиги, ундаги сўзларнинг айримлари бугунги кун ўкувчиси учун тушунарсиз бўлиб колгани, баъзилари эса истеъмолдан чиккани ёки фонетик ўзгаришлар оркали бизга кадар етиб келгани тўгрисида маълумот берилади. Бирок шунга карамай шоир шеърлари мавзу ва гоя жихатдан пухталиги билан бугунги кунда хам ўз мавкеини йўкотмагани айтилади.

9-синф адабиёт дарслигида Фуркатнинг “Тортадур”, “Бормасмиз” радифли хамда “Келинчак” газаллари ўкиш учун берилган. Шоирнинг “Келинчак” газали катта ахлокий-таълимий ахамиятга эга бўлиб, унда ўзбек келинчагининг маънавияти ва характер хусусиятлари очиб берилган.

Дарсда “Келинчак” газалини ўкитувчи ўзи ифодали ўкиб бергани ёки синфдаги иктидорли ўкувчилардан бирига ўкитгани маъкул. Дарсни мустахкамлаш кисмида ўкилган шеърнинг тахлили мукаммал бўлиши, уни ўрганиш учун газалдаги сўзларни уч кисмга ажратиш максадга мувофикдир. Ўкувчиларнинг адабиёт дафтарига куйидаги жадвал чиздирилиб, уни тўлдириш вазифаси топширилади. Хуллас, матн устида ишланади. Ўкитувчи газал байтларидаги сўзларни жадвалга жойлаштиришларини топширик килиб беради. Ўкувчилар топширикни тахминан куйидагича бажаришлари мумкин:

| Истеъмолдан чиккан сўзлар | Бироз ўзгариш билан кўлланадиган сўзлар | Хозир хам хеч ўзгаришсиз ишлатиладиган сўзлар |
|---|---|---|
| Гоза, аргувон, нукра. | Тоб, рўймол. | Сурма, ўсма, хино, билакузук. |

Матн мазмунини тўла ва аник тасаввур этишлари учун дарсликда берилган “Ўзбек

келинчаги Фуркат тасвирида” деб номланган 5-топширикни ўкувчилар мустакил бажаришлари учун берилади.
 Бунда куйидаги жадвалнинг хар бир хонасини газалдаги уларнинг мазмунига мос келадиган тушунча ва номлар билан изохлаб, уларни гурухлаштириш топшириги берилади.
Миллий оройиш ашёлари ва зеб-зийнатлар    Ташки кўриниш ва кийимлари    Маънавияти ва характер хусусияти
Сурма, хино, ўсма, олтин узук, билакузук,  гавхар    Кора кўз, юзларда тоб, кошлар таранг, заъфароний кўйлак, нозик панжа    Жилвалар билан юрур, таннозу сатанг, паритек силкинур, шўхи-шанг, жафожў
 Бу усул ўкувчиларни матнга якинлаштиради, газал мазмунини чукур англашларига ёрдам беради, матндаги сўзларни гурухлаш эса Фуркат асарларининг тилини ўрганишларига хизмат килади.  Дарсни бундай шаклда ташкил этиш ўкувчиларда мавзуни узок вактга кадар ёдда саклашларига имкон яратади.

---

**Фуркат поэтикасининг бир кирраси** (Барно Хасанова)

Шарк шеъриятини манзур килган жихатларидан бири уларда поэтик сўзга беназир хилкат сифатида каралиб, уни илохийлик даражасида юксакликка кўтарилганлиги, маъно ва шаклларида алохида жилваланиш, алохида жозибадорликнинг намоён этилгани эканлиги кўп таъкидланган. Зокиржон Фуркат янги ўзбек адабиётининг сўзга чечан шоирларидан бири сифатида, шеърий сўзга мехру-мухаббат билан караб, улар воситасида бир бирдан гўзал, такрорланмас ва таъсирчан тимсоллар тизимини яратган, анъанавий тимсол ва бадиий тасвир воситаларига янгича рух, бетакрор жозиба бахш этган. Мумтоз шеърият хазинасидан мустахкам ўрин олиб, асрлар оша ўтиб келган поэтик тимсоллар, шеърий санъатлар шоир яшаган даврнинг талаб ва эхтиёжлари, Фуркатнинг шеърий махорати натижасида, биркадар янгиланиш касб этиб, улар таъсирида хаёлий тасвирлардан хаётийлик томон катта силжишлар юз  берганини кузатиш мумкин.
Фуркатнинг “тортадур” радифли газали бор. Хажман каттагина - 10 байт. Анъанавий услубда яратилган: мураддиф газал, вазни - рамали мусаммани махзуф. Асосан, дунёвий маъшуканинг таъриф- тавсифига багишланган. Сўнгги байтлардагина ошик (лирик кахрамон) ўзининг мана шундай юксакликда турган маъшукага кўли етмаслиги, натижада, хижрон дардидан бемисл эзилганлигидан шикоятларини беради. Матладаёк маъшуканинг кўзларига сурма тортиши, тортганда хам бежо тортиши, бунда дунё одамлари (дахр эли - ошиклар) орасида гавго кўпиши янгича бир талкинда берилади. Иккинчи байтда эса, ана шу маъшука – дахр элини телбалантирган хилкатнинг портрети чизилади, тўгрироги унинг кўзлари васф килинади:
Кошлари остида гўё икки фаттон кўзлари,
Икки хинду баччадурким, ёндашиб ё тортадур.
Матла байтида радиф бўлган сўз жинос (тажнис) сифатида ишлатилиб, икки хил маънога ишорат килган: сурма суртиш ва гавго тортиш (тўпалон чикариш, жанжал

килиш). Кейинги байтда эса  “тотрмок” сўзи “камонни отиш учун ипини ортга чўзмок” маъносини бериб, матладаги  тажниснинг учинчи маъносини юзага келтирган. Гап бунда хам эмас, чунки бу каби усул анъанавий Навоийда, Бобурда учрайди. XVI асрда Хожа “кечадур” радифли газал битиб, мазкур сўзни 8 хил маънода кўллаб, ажойиб тажнис яратгани маълум. Хамма гап иккинчи байтдаги истиорада. Матлада шиор сўзни маъшуканинг кўзини таърифлашдан бошлаган. Лекин бу ўринда айнан кўз эмас, балкикора кўз, яъни маъшука асосий тасвир объекти асосий тимсол сифатида эътиборга олинган. Иккинчи байтда маъшука кўзлари истиоравий тимсол бўлган. Кўз тавсифи “икки хинду бача” – икки хинд боласи тимсоллари зиммасига юкланади. “Хинд” сўзи бу ўринда икки хил маънода –
айни хинд маъноси ва “кора” маъносини беради. Мазкур тимсолни ўз даврида Бобур хам ишлатган: “Ўз ерни кўйиб хинд сори юзландим...”  Унда хам ўз ва кўчма маънода, яъни “жугрофий худуд” ва “кора” маъносида ишлатилган. Чунки рубоийнинг кейинги мисраси юз каролиги хакида. Бу паралеллик рубоийдаги маънони анчайин кучайтиришга сабаб бўлган. Фуркатдаги “икки хинду бача” тимсоли байтда кўз маъносини беришдан ташкари, яширин ташхис вазифасини ўтаган холда, маъшуканинг кўз каролигига тўла ургу беряпти. Айни чогда мумтоз адабиётда маъшуканинг кошларини ёй(камон)га, киприкларини ўк(пайкон)га, менгзаш муомалага жуда эрта кирган ташбехлардан. Бирок Фуркат мазкур анъанавий ташбехларни бир жонлантириш доирасига олиб киради-ки, натижада маъшуканинг, кўз, кош, кабог, киприклар хам ўта назокатли тасвир ичида намоён бўлади. Шу байтдаги “фаттон” сўзини “фитнакор” маъноси билан уйгунлашган “ўзига тортувчи” маъносидаги “мафтункор” сўзи ўрнида тушунмок маъкул. Чунки, матладаёк маъшуканинг мафтункорлигига ургу бериб ўтилган. Шу газалдаги “Кокулингдан бўй олган богнинг тупрогидур, Богбон сотмокка доим мушки соро тортадур” байтини хам шоирга хос бир топилма деб санаш мумкин: кокул, мушк, тупрок ташбехларининг таносуби шоирга хос янгилик.
“Кечалар” сўзини радиф килган бир газалида, худди “тортадур” сўзига ўхшатиб, бу сўзни турли маъноларда ишлатган. 7- байтда эса, муболага ва ташхисни уйгун холда кўллайди, маъшуканинг соч каролиги ва шундан юзага келган хусн гўзаллигини гоят таъсирчан ифодалашга эришган:

Йул адошиб кўкда ой холи паришон ўлмасун,
Бир мурувват кўргазу таркатма гису кечалар

Аввало, маъшука гўзаллигидан мутаассир бўлган кўкдаги ой ўз йўлида адашиб колади. Бу хам етмаганидек, маъшука тун каби каро сочлари (гису)ни
Шу кадар ёйиб (паришон килиб) ташлайдики, соч коралиги  олдида тун корлиги хеч бўлиб колади. Кўкдаги ой бу каролик орасида ўзини тамомила йўкотиб, йўлидан адашади. Бу каби тасвир Фуркат салафлари шеъриятида деярли учрамайди ёки учраса хам, анчайин бошкача шаклда келади.
Фуркатнинг “Келинчак” деб шартли номланган Фузулийга тазмин газалида  хам янгилик сифатида бахолашга арзигулик сўз-тимсоллар, тасвирий восита вазифасини ўтаган калималар талайгина учрайди. Матладаги анъанавий сўз – тимсоллар доирасида “гозадин юзларда тоб” ифодасини кўллайди. Бир карашда, бу ифода у кадар тушунарсиз туюлади. Лекин “гоза” сўзини “пардоз-андоз” маъносида англашиладиган бўлса, фикр ойдинлашади: маъшуканинг юзи пардоз-андоз туфайли силликлашиб, товланиб, ялтираб кўринади. Иккинчи байтда устига заъфароний  (сарик, олтин рангда) кўйлак ва аргувоний (кизил, Шаркда кип-кизил гуллайдиган дарахтни “аргувон”дейишган ва бу сўз

истиора сифатида илк бор “Кутадгу билиг” да ишлатилган. Фуркат бу ўринда от туркумидаги сўзни – ий кўшимчаси воситасида сифатга айлантириб хам оригинал сўз – тимсол яратишга эришган Б. Х.) камзул кийган, рўмолини пешонасига тангиган келинчакни тасвирлайдики, булар хам Фуркатгагина хос бўлган янгича тасвирлар саналади. Айникса, сўзга бошкача маъно юклаш Фуркатда кўп учрайди. Масалан, “танноз”, “сатанг”, каби сўзлар жонли сўзлашув тилида кўпрок салбий маъноларда ишлатилади. Бирок, Фуркат, бу сўзларга-да ижобий рух беради:

Гамза бирла ўлтурур, гах жилвалар бирла юрур,
Турфа бир ноз, офарин, пуришва таннозу сатанг.

Шуниси кизикки, “танноз”, “сатанг”, сингари сўзлар ўзидан олдин ишлатилган “пуришва” сўзи таъсирида тамомила ижобийлик касб этган. Колаверса, байтдаги бошка сўзлар хам мазкурларнинг “ижобийлашувини” таъмин этган.

Хулоса килиб айтганда, Фуркат сўзга чечан шоир сифатида хар бир шеърида янгича сўз-тимсоллар кўллагани, анъанавий тасвир воситаларига янгича рух багишлагани унинг ардокли шоир бўлиб етишуви ва эларо катта эътибор топганини таъминлаган, дейишга тўла хаклимиз.

---

**Фуркатнинг бир тахмиси хакида** (Ирмухамедова Г. )

Тахмис – арабча сўз бўлиб, бешталик килиш, бештага етказиш деган маънони англатади. Мухаммаснинг бир тури хисобланади. Тахмис бандлари хам мухаммас сингари беш мисрадан иборат бўлади. Тахмис бир шоиргагина боглик бўлмай, балки икки шоирнинг мисраларидан ташкил топади: дастлабки уч мисра тахмис ёзаётган шоирга, кейинги икки мисра эса тахмис ёзилаётган шоир ижодига мансуб бўлади. Тахмисда хар иккала шоирнинг бир бандни ташкил этаётган мисралари мазмун ва шакл жихатдан ўзаро мос бўлиши талаб этилади. Тахмисни одатда, бирор-бир шоирнинг газалига мухаммас деб таъкидлаб ёзганлар. Ўзбек мумтоз шеъриятида Мунис, Огахий, Амирий, Завкий, Нодира, Увайсий, Мукимий, Фуркатларнинг Навоий, Фузулий, Машраб сингари шоирлар газалларига ёзган тахмислари маълум. Тахмис ёзиш шоирдан катта махорат талаб этади, чунки тахмис яратувчи шоир ўзидан аввал яшаб ижод килган шоирларнинг етук газалларини ривожлантириб, анъаналарини давом эттирганлар. Тахмиснинг сўнгги бандида шоирлар тахаллуслари эслатиб ўтилади. Фуркатнинг “Кавлама” номли мухаммаси хам тахмис асосида яратилгандир.

Фуркатнинг шеърий мероси жуда ранг-барангдир. У жуда кўп газал, мусаддас, мустазод, мухаммас каби ўнлаб шеърий жанрларда ижод килган. У Кўконда яшаган пайтида жуда кўп мухаммас ёзади. Фуркатнинг шеърий меросида тахмис жанрининг ўрни жуда катта. Фуркат асосан Навоий, Фузулий, Машраб ва бошка калам ахллари яратган асарларни катта кизикиш, ўзгача хурмат ва юксак эхтиром билан ўрганади. Уларнинг асарларида мажозий ишк, одамийлик, инсондаги барча эзгу фазилатлар Фуркатнинг диккат-эътиборини ўзига тортади ва уларнинг газалларига атаб кўплаб мухаммаслар ёзади.

Фуркат Машраб газалларига катта кизикиш билан караган. Унинг асарларини севиб

ўкиган. Ўша асарлардан илхом ва ибрат олган. Фуркатга Машрабнинг каландарлик йўлини тутганлиги, Аллохга ошик бўлиб, девонага айланганлиги, кўп шахарларда бўлганлиги маъкул тушган. Машраб газалларида бош мавзу – Аллохга бўлган ишкдир. Фуркат Машраб газалларидан таъсирланиб, илхомланиб, унинг газалларида баён этилган фикрларни, гояларни кўллаб-кувватлаб, ушбу “Кавлама” номли тахмисини яратган.
Тахмиснинг гоявий мазмуни – Аллохга бўлган ишкдир. Асар асосан, мажозий ишк хамда ижтимоий, фалсафий, тасавуфий йўналишда яратилган.
Бундан ташкари, шоир асарда камтарлик, сабрлилик, тоза диллилик, одамийлик маърифатли бўлишликни, тўгри йўлдан боришликни илгари сурадиу. Дархакикат асарнинг бош гўяси Аллохга бўлган ишкдир. Шундай экан ушбу мисраларга эътибор каратайлик:
Ишк савдоси тушиб бошимга, ахволим хароб,
Жоним айлар тан аро сиймоб янглиг изтироб,
Таъна килма, зохидо, кўнглумда гамлар бехисоб,
То кишига дард тегмай бўлмади багри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса дарди саримни кавлама!
Диккат билан эътибор берсак, бу банднинг замирини, мохият эътиборини Аллохга бўлган ишк ташкил этади. Унда шоир Аллохга бўлган ишки туфайли ахволи хароб бўлганлигини, жони тан ичида сиймоб сингари изтироб чекаётгани тасвирланган.
Тахмис ааааа, ббббa, дддда тарзида кофияланган.
 7-банди – Машрабга
7-банди – Фуркатга тегишли
Тахмис аруз вазнида ёзилган.
Ошики дилдодадурман дилбаримни кавлама,
¬– v – –   – v – –   – v – –   – v – –
Ахгар олди гам ўтида пайкаримни кавлама.
 – v – –   – v – –   – v – –   – v – –
Фоилотун   фоилотун   фоилотун   фоилун
Рамали мусаммани махзуф
Асарда кўплаб бадиий санъатлар кўлланган.
1-бандга эътибор берайлик:
Сайр килдим бахру бар хушку таримни кавлама
мисраларидаги бахру – бар, хушку – тар сўзлари оркали ўзаро зид маънони, яъни таъзод санъатини кўришимиз мумкин.
2-банднинг 4-5-мисраларидаги
Хар замоне Лайлидин менга китобатлар келур
Санки Мажнун бўлмасанг сардафтаримни кавлама!
жумлаларидаги Лайли ва Мажнун сўзлари адабий кахрамонни келтириш йўли билан таълмих санъати кўлланган.
3-банднинг 2-мисрасидаги
Йўкса мискин на билур шахзодаларни холини
Жумласидаги мискин ва шъхзода сўзлари оркали тазод санъати кўлланган.
3-банднинг 4-мисрасидаги
Хона вайронлар билур афтодаларнинг холини
Мисрасидаги хонавайрон – афтодалар сўзлари бир-бирига мослиги билан таносуб

санъатини кўришимиз мумкин.
4-банднинг 2-мисрасига эътибор килсак:
Жоним айлар тан аро сиймоб янглиг изтироб
мисрасидаги сиймоб сўзи оркали ташбих санъати кўлланган.
3-банднинг 1-2-мисраларидаги:
Гамдин озода билур озодаларни холини,
Йўкса мискин на билур шахзодаларнинг холини.
мисрасидаги озода оркали истиора, мискин оркали ташбех кўлланган.
5-банднинг 1, 2, 4-мисраларидаги
Неча кунлар хамдам ўзга вахшию тайр айладим,
Билмадим бу йўлда шар килдим ваё хайр айладим,
Ламаконни шахрини бир ху била сайр айладим.
мисраларидаги вахшию тайр сўзи оркали очик ўхшатиш, яъни ташбехи мутлак кўлланган.
2-мисрадаги шар ва хайр сўзлари оркали тазод санъатини, 4-мисрадаги Ламакон сўзи оркали шартли ўхшатиш – ташбихи машрут кўлланган.
6-банднинг 3-мисрасидаги
То шариатни тутиб кўйдим тарикатга кадам
жумласидаги тарикат ва шариат сўзлари ўзаро таносубни хосил киляпти.
Хулоса ўрнида шуни айтишимиз лозимки, Фуркат ўзбек тахмисчилигини ривожлантиришга, яна кўплаб шоирларни тахмис яратишига туртки бўлган ўзбек драматургидир. Айникса, шу тахмиси оркали ўзбек тахмисчилиги ривожланишига катта хисса кўшган.

---

**Фуркат ва Гарибий** (Зохидова Д.)

Ўзбек адабиёти тарихида Алишер Навоий ва Бобур, Мунис ва Огахий, шунингдек, Мукимий ва Фуркат каби ўз адабий мактабларида шогирд-издошларга ижод йўлланмасини берган ёркин сиймолар кўпдир. Хусусан, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Мукимий ва Фуркатларга издошлик йўлини тутиб, ўз истеъдодлари билан девон сохиби даражасигача кўтарилган шоирлар анчагинадир. Кўкон адабий мухитининг вакилларидан бўлган Мулла Умрзок Абдували ўгли Гарибий (Шухрат)  (1877-1961) давр адабиётининг шундай намояндаларидандир. Мазкур шоир истиклол туфайли номи ва ижоди кайта кашф этилган адабий сиймодир.
Бир хил тарихий шароитда яшаб, маслак, савия, истаклари муштарак жихатларга эга бўлган ижодкорларда хаётий муносабатлар хам кўпинча ўхшаш бўлади. Буни бир адабий мухитнинг вакиллари бўлган  Фуркат ва Гарибийлар ижоди мисолида хам кўришимиз мумкин. Хар иккала шоир шеърияти ўртасидаги умумийлик, аввало, улар ижодига хос гоявий йўналишга тегишли. Уларнинг асарларида  куйидагилар жихатлар уйгун холда акс этган:
-Шарк мумтоз назмиётининг энг яхши анъаналарини давом эттириб, ривожлантириш;
-XX аср бошларидаги миллий уйгониш ва маърифатпарварлик тамойилининг ўзига хос бадиий ифодаси;

-Дунёкарашнинг фалсафий-ахлокий замини сифатида тасаввуфга суяниш;
-Ватанга мухаббатни ардок ва эътибордаги мавзу сифатида талкин этиш;
Фуркатнинг кичик замондоши бўлган Гарибий шеърларида хам унинг ижодида кузатилгани каби «яхши–ёмон», «окил–жохил», «доно–нодон», «мўътабар–муфлис» каби карама-каршиликларни жуфтлаштириш оркали ижтимоий адолатсизликлар очиб ташланади. Унинг

Мўътабар эл ичра бўлмишлар мунофикрўйлар,
Бўлди кизб ахли баланд, пастда колиб хакгўйлар.
Бу жахон окиллара мотамсародур доимо,
Ахмаку нодонлара хар соате минг тўйлар.

каби мисралари Фуркат калами билан битилган

Чархи кажрафторнинг бир шевасидин догмен,
Айшни нодон суриб, кулфатни нодон тортадур

байтига мазмунан хамохангдир.

Гарибий шеърлари орасида рухи, йўналишига кўра Фуркатнинг машхур «Сайдинг кўябер, сайёд» мусаддасига якин турувчи бир асар бор. У шоир Камийнинг кумрига мурожаат тарзида ёзилган газалига богланган мухаммасдир. Унда лирик кахрамон кафасдаги кумрига шундай мурожаат этади:

Дегил манго, недин афтодахолу нотавон бўлдинг?
Нихолин богидин бўлгон жудо гуллар каби сўлдинг?
Тамасхур бирла ё бир ахли дард холин кўруб кулдунг?
Кафас зиндонига, бўйнингда гул, недин асир ўлдинг?
Магар бир журм ила хукм ўлди жононингдин, эй кумри.
Чекилди сафхаи гардунга ашкинг обидин маркум,
Вужудинг изтироб бирла турар, кўнглунг арому бум?
Баёни холи дил эт не сабабдин бўлдугинг магмум,
Ки, бир сарви сихи кад интизорин чекдугинг маълум
Синук рангинг била бу чашми хайронингдин, эй кумри. (Д., 81а)

Келтирилган парчада Гарибий ва Камийнинг кумрига туйгудош бўлиб, унинг хол-ахволини сўроклашлари факат фикр таъсирини орттириш максадида кўлланган бир усул эмас. Тўгри, шеърда кумри бадиий тимсол, унга килинган хитоб лирик кахрамон кечинмаларининг ёркинрок ифодаси учун восита бўлганини инкор этиб бўлмайди. Лекин шеърнинг таъсирини оширган жихат факат бугина эмас. Унга алохида таъсир ва шукух берган нарса лирик кахрамоннинг табиатнинг ўзи каби тирик бир хилкати – кумрига нисбатан чукур мехр, шафкат, гамхўрликка эгалиги. Кахрамонига шоир калбидан кўчиб ўтган бу кечинмалар агар унинг хаётий муносабатларидан тугилмаганида, шеърда бу кадар самимият таъмин этилмаган бўларди. Фуркатнинг мусаддасидаги «сайд»га хам эрксизлик тимсоли сифатида рамзий маъно жойланган бўлса-да, шоирнинг туткунлик ва айрилик хакидаги фикрларини коралов остида умумлаштиришига бундай озорли ва шафкатсиз вазиятни факат инсонга эмас, жониворга хам раво кўрмаслиги туртки бўлган. Манбашунос олим Н.Жабборов мусаддаснинг ёзилиш тарихи билан боглик далиллар каторида ўзи аниклаган бир хужжат мазмунини келтиради. Унда айтилишича, Фуркат шеърининг яратилишига хинд сайёдининг тузогига илинган кийик вокеаси сабаб бўлган. Бу манбада билдирилган фикр «Сайдинг кўябер, сайёд»нинг юзага келиш сабабини канчалик холис изохлайди ёки йўк, бу бизга номаълум. Лекин Фуркат мусаддасининг хам, Гарибий тахмисининг хам яратилишида шафкат хисси бутун

кенглиги, тўликлиги билан туйилгани хакикат.
Анъаналарга муносабат ва адабий таъсирнинг мухим кўринишларидан бири мухаммас боглашдир. Гарибий  Хофиз Шерозий, Навоий, Машраб, Фузулий, Хувайдо, Хозик, Амирий, Нодира, Мукимий каби устоз шоирлар каторида Фуркатнинг хам икки газалига тахмис боглаган. Фуркатнинг тасаввуфий йўналишдаги «бўлурму» радифли газалига богланган мухаммасда  гоявий-бадиий яхлитлик саклаб колинган бўлиб, унда устоз ижодкорнинг анъаналари Гарибий каламида муносиб давом эттирилган:
Юз ўгуриб жахондин, хўбларга ўзни котмай,
Сар побарахна йиллар комилга хизмат этмай,
Санги каноат ила нафс гарданин ушотмай,
Етмиш икки маротиб бу йўлда ўзни сотмай,
Ишкини Боязиддек даъво килиб бўлурму?
Тийги хавойи бирла жисмингни килма ранжур,
То тонумай ўзингни, эй бандадур ишинг гўр,
Лоф урма сирри ишкдин, кўнглингда минг хавасдур,
Чилтан шаробин ичмай, бош ўйнамай чу Мансур,
Дор узра деб «анал-хак», гавго килиб бўлурму?
Дунёи бевафонинг хавосидин кечинглар,
Агёрдин юмуб кўз, хак сорига кочинглар,
Дил мазраъига тоат тухмин, аё сочинглар,
Гофилни сухбатидин жон борича кочинглар,
Дўзах аро, чунончи, маъво килиб бўлурму?
Фуркат таъсирининг бадиий ифодаси сифатида яратилган Гарибий  шеърларидан бири «Таманнои саёхат» деб номланади. У Фуркатнинг «Истар кўнгул» мухаммасига ўхшатма тарзида битган. Газал Фуркат мухаммаси каби фасли бахорда табиат ўзалликларига ошуфталик истаган кўнгул хакида. Гарибий газали Фуркат шеъридан жанр эътибори билан фаркланса-да, радиф, кофия, вазн жихатлари билан унга монанд. Бадиий тасвир усуллари хам мухаммасникига хамоханг:
Гуссадин ўн икки ой фасли бахор истар кўнгул,
Хар тарафда сабза бирла лолазор истар кўнгул.
Мохи мазкурдин бир ой ихрож этиб, вакти кимиз
Улфати соз ила кабки кўхсор истар кўнгул.
Бўлса содик махраме дил сирридин огах агар,
Дафъи савдолар учун сайри мазор истар кўнгул.
Гарибий газалининг  якунловчи байтлари Фуркатнинг сўнгги
Мунча килгон орзулардин муяссар бўлмаса,
Фуркатий узлат учун бир кунжи гор истар кўнгул, –
мисраларидан мазмунан батамом янгичадир. Зеро,  тахмис ёки назира ёзишда мавзу йўналишини саклаган холда  унинг доирасини янги гоялар билан бойитиш махорат белгиси хисобланади. Гарибий газалининг охирги байтлари кўнгилда тугилган истакларнинг сабабини изохлайди: ўз диёридаги саргашталик туфайли шоир ўзга маъво хакидаги орзуларга берилган эди. Лекин шунга карамай, унинг учун она юрт ишки хар кандай истак-хохишлардан устун. Шунинг учун кўнгил каерда бўлмасин, ватанга караб талпинади:
Турфа саргашта бўлубман ўз диёримда нетай,
Кеча-кундуз булъажаб ўзга диёр истар кўнгул.

Бош олиб кетсам, Гарибий, хар каён хижрат килиб,
Гох-гох «хуббул-ватан» деб Ёрмазор истар кўнгул  (Д., 56а).
Айтиш керакки, бу шунчаки шоирона таъбир эмас, балки кўп йилларини сафарларда кечириб, ватандан ташкарида унинг хакикий кадрини англаб етиш баробарида иймони чиниккан Гарибийнинг чин икрори эди.
Намуналари кўриб ўтилган шеърлар мисолида Гарибийнинг Фуркатдек устоз сўз санъаткоридан мазмунни бой ва теран мундарижада, инсоний хиссиётларни нозик ва жозиб шаклларда бериш каби мухим жихатларидан ўрганганлигини кузатиш мумкин.
Куйида Гарибий(Шухрат)нинг Фуркатнинг машхур “Сурмадин кўзлар каро” деб бошланувчи газалига богланган мухаммаси илк марта ўкувчилар эътиборига хавола этилмокда.

---

## ФУРКАТ ГАЗАЛИГА ШУХРАТ МУХАММАСИ

Бир париваш коматин кўргач, бўлубман хангу манг,
Лол аклим, хуш учуб, тахсинида бошлар гаранг,
Шарх килсам васфидин, ахбоблар, манга каранг:
Сурмадин кўзлар каро, кўллар хинодин лоларанг,
Гозадин юзларда тобу вўсмадин кошлар таранг.

Билмадим, ким? Насли одам ё фаришта ёки хур,
Турфаким, бошдин аёги дилрабонинг гарки нур,
Комати ул шўхшангнинг мунча хам зебандадур,
Заъфароний кўйлак узра аргавоний камзухур,
Рўймол огушидан пешонанинг ахволи танг.

Боги хусн ичра киши кўргон эмас мундог нихол,
Каддидин сарве хижолат, кўз каросидин газол,
Лола багрин дог этиб лаб ости, ораз узра хол,
Бори нозук панжалар олтин узукдин зеби нол,
Кўл биларзукдин музайян, нукрадин огизда чанг.

Топса жон, не тонг, ўлук, килса такаллум, нўшханд,
Хури жаннат хуснининг олдида эрмасдур писанд,
Зебу оройиш юзида, деса бўлмас чуну чанд,
Гавхар оскон халкалар сийми баногўшида банд,
Кўринур зулфи тунида субхи содикдек аранг.

Нимнигах бирла неча ошикни бетийг ўлдурур,

Ноз бирла йиглатиб, лутфи-ла гохи кулдурур,
Ўт солиб оламга юздин гох, яксар куйдурур,
Гамза бирла ўлтурур, гах жилвалар бирла юрур,
Турфа бир нозофарин, пуришва, таннозу сатанг.

Кимга дерман хасратимни ул ситамгар дастидин,
Бош олиб кетмокка йўл топмай баланду пастидин,
Жон берурдин ўзга чора йўкки дабби шастидин,
Йўк кутулмоглик манго ул офати жон касдидин,
Касдима кошлар камон, пайваста мижгонлар хаданг.

Сокиё, махмурман, таъхирсиз бергил аёг,
Кўз бокардин, кўл тутар, рафтордин колди аёг,
Нўш этай то ўзни билмай, куртулай гамдин бу чог,
Ул париваш ишкидин гах телбадурман, гохи сог,
Чунки бордур ўртамизда гохи сулху гох жанг.

Зулму бедодеки, Шухрат, манга бадхў айлади,
Килгонин ул рахнагарнинг кайси хинду айлади,
Лутфи хўбин борхо бадмехр хар сў айлади,
Жаврларким, Фуркат, ул шўхи жафожў айлади,
Мунча бедоду ситам килмас мусулмонга фаранг.

---

**Фуркат шеъриятида харобот ахли талкини** (И. Маннопов)

Ўрта Осиёда турли тарикатлар ва тасаввуфий окимлар вужудга келиб, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий хаётига сезиларли таъсир килганлиги маълум. Яссавия, кубравия, накшбандия, кодирия сингари йирик тарикатлар бунга мисол бўла олади. Лекин шундай оким ва тоифалар борки, хали тўла ўрганилган деб бўлмайди. Шундай окимлардан бири хароботийлар хисобланади.
Шоир нима сабабдан хароботийлар мавзусига кўл урган? Фикримизча, у Янги Маргилонда савдо ишлари билан шугулланиб юрганда, бу тоифа вакиллари билан танишган, улар билан хамсухбат бўлган. Фуркатнинг “Уч харобот ий” деб номланган шеъри мазмунига караганда ўша даврда хароботийлар тоифаси мавжуд бўлган (Бу жамоанинг энг сўнгги йирик вакили Махсимдада исми билан танилган шахс бўлиб, у зот Маргилонда яшаб, 2008 йилнинг декабрь ойида вафот этди).
Шеър таржеъбанд ва мусаддас жанрларининг шакли ва хусусиятларини ўзида мужассам этган. Шеърда олти мисрали бандларнинг сони ўн бешта бўлиб, жами тўксон мисрани ташкил этади. Хар уч банд (жами ўн саккиз мисра) ўзаро кофияланган. Шеър шаклининг шу хусусияти таржеъбанд жанри талабларига мос келади. Хар бир банднинг бешинчи ва олтинчи мисралари бутун шеър давомида айнан такрорланиб келиши эса мусаддас

жанри талабларига мос тушади. Шунинг учун бу шеърни шартли равишда таржеъбанд-мусаддас деб аташимиз керак бўлади.
Бу асар харобот ахлининг феъл атвори, рухий холати, турмуш тарзи, карашлари хакида тасаввур бера олади. Шеър мазмунини тўгри ёритиш учун тасаввуфий окимлардан бири бўлган хаработийлар хакида хеч бўлмаганда тасаввур хосил килиш керак бўлади. Алишер Навоий ўзининг “Махбуб ул-кулуб” асарида ўз замонасининг ўттиз тўккиз тоифаси хакида маълумот беради. У яшаган даврда бу тоифа сезиларли даражада танилган бўлса керакки, “харобот ахли”га хам ўз муносабатини билдириб ўтади. Уларни “бошида май хаваси” дея доимо маст холатда бўлишлари хакида хабар беради. Дастлаб ўкувчида бу тоифа хакида салбий тасаввур хосил бўлади. Лекин Алишер Навоий уларни “нафслари тупрок”, “химматлари осмон”, “замоннинг яхши ямони билан иши йўк” дея таъриф берар экан, “замон зўравонларининг зулмидан шундай кун кечиришга хакли бўлса, Хакнинг авф ва мархаматига лойикдир”, - деб уларни оклашга харакат килади. Бу тоифага юкори бахо беради: “Ринд ва гадолар етишган давлат ва саодатга шохлар хам хасрат билан карайдилар” .
Харобот ахли таърифидан сўнг, рубоий келтирилган бўлиб, унда риндларнинг дунё ва охиратга майли йўклиги, Хак рахмати умидидан тун-кун маст эканликлари, фирибгар зохиддан афзал эканликлари мазмуни ифодаланган. Асарнинг ахамияти шундаки, муаллиф нигохида ўкувчи ринд ва харобот ахли хакида тасаввур хосил килади. Уларнинг илохий хусн шайдоси, илохий ишк талабгори бўлган ошикларнинг ўзига хос бир тоифаси эканлиги аён бўлади.
Зокиржон Фуркат каламига мансуб “Уч хароботий” шеърининг биринчи бандидаёк хароботийлар тилидан уларнинг рухий холати аник ифодаланган:
Уч хароботий эрурмиз сокини майхонамиз,
Хум бошидан чарх уруб, монанди парвонамиз,
Маст ўлубмиз жўшиши майдин ажаб девонамиз,
Холимиз дунё гамидин, фориги кошонамиз,
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизнинг жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўтсак, йўк эрур армонимиз.
Шеърнинг хажми анча катта бўлиб, уни тўлик шархини бир маколада камраб олиш кийин. Кейинги бандлар вокеабанд характерга эга. Уч хароботий шеърда “ёр”, “махваши хушхўда”, “шўхи ширингўда”, “пари” дея хурмат ва эхтиром ила тилга олинган зотнинг зиёратига боришади. У зотнинг хаста хамда уйкуда эканлиги маълум бўлади. Унинг хузурида табибни кўрган шеър кахрамони ранжийди:
На учун келдинг харимига, аё нодон табиб?
Бизлара агёрдурсан, бедарак, афгон табиб...
Шеър кахрамони табибга хитоб килар экан, “ёр”нинг дардига дорилар дармон бўлолмаслигини айтиб, уни бу амалдан кайтаришга ундайди. Шеър мазмунидан хастанинг илохий ишк дардига мубтало бўлганлиги, табиб бу дардни даволашга ожиз эканлиги аён бўлади. Шунингдек, уйкудаги “ёр”нинг юзи “хасрат ва кайгули”, тани “заъф ва фарсуда” эканлиги хакидаги тасвирлардан ошик хароботий образи намоён бўлади. Ривоятларга кўра, риндларнинг энг кўзга кўринган намояндаси Умар Хайём бўлган. Хароботийлар ўз дуоларида Фаробий, Умар Хайём сингари тарихий шахсларнинг исмларини хазрати пайгамбар (с.а.в.)нинг исмларидан сўнг албатта тилга оладилар. Хароботийлар хакида алохида китоб ёзилмаганлигининг сабаби, бу тоифанинг анча мураккаб феъл-атворга эга эканлигида. Ринд ва Аллохнинг ўртасидаги Сирдан хеч ким

хабардор бўла олмас экан. Уларнинг май ичишлари шариат хукмига зид бўлганлиги учун мусулмон шаркида анча тўскинликка учраганлиги, ганимлари бисёр бўлганлиги аник. Бу шоир Фуркат яшаган даврга хам тегишли. Шеър кахрамони хароботий ошикнинг уйкуси ракиб тўда ва жинслар туфайлидир, деган риторик савол билан мурожаат этади:
Уч мукаддар кўйига бордук ракиблар тўдадур,
Ё сабаб жинслардин ул пари уйкудадир?
Харобот ахлининг бир хислати маломатийларга ўхшаб кетади. Маълумки, маломатийлар ўз нуксон ва камчиликларини халк ичида яширмаганлар. Шу оркали иккиюзламачилик, мунофиклик иллатларидан кутулишга харакат килганлар. Ринд ва харобот ахли эса ўзларини нихоятда хор-зор тутганлар. Ўзга кимсаларнинг хазар килишларини, бошларига бало ёгилишини хурсандчилик билан кутиб олганлар. Бу жуда кизик психологик холат. Ринд ва харобот ахлининг мана шу рухий холати шоир тахаллуси кўлланган мисрада акс этган:
Бошидин тургил нари, бехуда, беъмани табиб,
Фуркатийдин кил хазар, албатта, эй жўгий, табиб...
Шеърдан кўриниб турганидек, Зокиржон Фуркат дунёкарашига харобот ахлининг феъл-атвори, ишкий ва жунун холати катта таъсир килган. Бўлмаса, шеър кахрамони – хароботийнинг рухий холатини бунчалик таъсирли ифодаламаган, уларга багишлаб шеър ёзмаган бўлар эди. Шунингдек, ўзбек мумтоз шеъриятида ошикнинг холати харобот ахлига мукояса этилса хам, харобот ахлига багишланган шеърий асарнинг ёзилиши ноёб ходиса саналади.

---

## ФУРКАТ АСАРЛАРИ ТИЛИДА КЎЛЛАНГАН РАНГ БИЛДИРУВЧИ СЎЗЛАР СЕМАНТИКАСИ (И.П.Пўлатов )

Фуркат асарлари тилида ранг билдирувчи сўзлар кўп учрайди. Улар маълум бир юк ташийди. Масалан, “кора” сўзи бир неча матнларда кўлланган. Бир матнда “кора” сўзи “куйган, кора кон” маъносини ифодалайди:
Кеча-кечадур хар эрта, кўзум ашкидин ювиб юз,
Жигарим эзиб килурмен кора кон ила гарора. (44-бет).
Иккинчи бир матнда ошик маъшукаси олдида маълум бир айб иш килиб юзи корайганлигини ифодалайди:
Агар ўзгани юзига назар айласам кўз очиб,
Бу орада хак тонукдур, келу кил юзимни кора. (44-бет).
Учинчи бир матнда “кора” сўзи сурма рангини ифодалайди. Бу ранг билан ёрнинг наргис кўзлари янада ёркинрок кўринади:
Чекиб сурма каро наргисларига айлади оро,
Мени ўлдурди охир гоза бирла юзга хол айлаб. (51-бет).
Тўртинчи бир матнда “кора” сўзи сурмадан ранг олиб, корайган кўзга ишора килади:
Сурмадин кўзлар каро, кўллар хинодин лоларанг,
Гозадин юзларда тобу ўсмадин кошлар таранг. (55-бет).
“Келинчак” тазминидан олинган бу байтнинг биринчи мисраси Фузулий каламига мансуб.

(Фузулий. Девон. 206-бет).
“Кора” маъносида форс тилидан олинган “сиях” сўзи хам ишлатилган. Бунда хам ракибнинг ўз айби билан юзи кора бўлиши маъноси ифодаланган:
Кўкка охим еткуриб тонг откуча мен йигладим,
Ул ракиби рўсиях сен бирла ёр ўлган кеча. (34-бет).
“Сариг” сўзи хижрон азобида юзи саргайган ошик таърифида кўлланган:
Итларингдек боргохинг остонида мудом
Кеча-кундуз соргориб йиглаб ётай токайгача? (40-бет).
Яна бир матнда “заъфароний” сўзи “сарик” маъносида, “аргувоний” сўзи “кизил” маъносида кўлланиб, ёрнинг портрети чизилади:
Заъфароний кўйлак узра аргувоний камзихул
Рўймол огушидин пешонани ахволи танг. (55-бет).
Фуркат “гулранг” сўзини “кизил” сифати ўрнида кўллаб, боданинг рангини ифодалайди:
Эл гумон айларки: нўшим бодаи гулранг эрур,
Йўк лабинг ёдида тўлмиш кон ила жомим менинг. (62-бет). Бу матнда ташбех санъати кўлланган. Ошикнинг кўлидаги кизил май кон билан тўлган жомга киёс килинади.
Бошка бир матнда “кизил” сифати ўрнида “гулгун” сўзи кўлланиб, бу хам майнинг рангини ифодалайди:
Бодаи гулгун тўкулмиш мастлигингдин базм аро,
Ё менинг коним эрур улким тутубдур доманинг.(65-бет).
Ошик маъшукага карата сен ичаётган май менинг коним бўлиб, бу кон этагингдан туткусидир дейди.
Фуркат асарлари тилида араб тилидан ўзлашган сифатлар хам учрайди:
Ахзар – яшил, кўк.
Ахмар – кизил.
Зафарон – сарик.
Кофур – ок.
Мутарро – тоза, тиник, ялтирок.
Хуллас, Фуркат асарлари матнини лингвопоэтик тадкик этиш фуркатшуносликнинг янги сохаси бўла олади.
Манба: Фуркат, 2-томлик. Танланган асарлар. 1-том. Тошкент. Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959.

---

**Фуркатнинг Кашгарда нашр этилган шеърий тўплами хакида** (И.Бекмуродов )

Ўзбек мумтоз лирикасининг улкан намоёндаси, ўз асрининг лирик шеърият ижодкорлари орасида санъаткорлиги билан тенгсиз бўлиб турган шоир Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат таваллудининг 150 йиллик юбилейини нишонлар эканмиз, унинг лирик шеърларини завк-шавк билан кайта-кайта ўкишдан рохатланамиз. Чунки унинг лирикаси инсон хис-туйгуларини кучли завклантирадиган адабий-бадиий санъатларга жуда бой. Шундай бўлишига карамай Фуркатнинг лирик мероси нисбатан кам нашр килинган. 50

йил мукаддам мархум устоз, профессор Холид Расул томонидан нашр этилган 2 томлик танланган асарларидан кейин кайта нашр килингани йўк. Шарк шеъриятининг жони хисобланган рамз, ташбих истиора каби шарк шеъриятига хос лафзий санъатлар шу даражада кўпки, шоирнинг рухий-маънавий, хаёлий дунёсининг кенглигига тан бермай иложи йўк. Фуркат умрининг сўнгги энг сермахсул 16 йили ўтган Хитой Халк Республикасининг Кашкар автоном ўлкасидаги Ёркент шахридир. Шоир Кашкардаги Русия Мусулмон идорасида котиб бўлиб хизмат килади. Дўсти Тошболтуга ёзган шеърий мактубида Раънохон исмли аёлга ўйлангани, худо уларга Нозимжон ва Хакимжон исмли фарзандлар берганини, улардан кўнгил узиб Ватанга кайтиш кийинлигини ёзадики, бу унинг умри охиригача Ўзбекистондан алокасини узмаганлигини кўрсатади. Шу жумладан “Туркистон вилоятининг газети”га ва дўстларига мунтазам равишда макола ва шеърларини жўнатиб тургани хам фикримизни тасдиклайди.

Менинг кўлимда 1989 йили Хитой халк Республикасининг Кашкар уйгур нашриётида Неъматилла Убайдулло хожи ва Файзуллажон Исхок хожилар томонидан нашрга тайёрланган “Фуркат танланган шеърлари” китоби турибди. Мазкур китоб араб ёзувига асосланган уйгур графикасида нашр этилган. Матн уйгур ёзуви орфографик коидалари асосида тайёрланган бўлса-да. Нашрга тайёрловчиларнинг махорати туфайли ўзбек тилининг орфоэпик хусусиятлари саклаб колинган.

Китобнинг бош кисмида каттагина кириш сўзи берилган. Унда шоирнинг таржимаи холига атрофлича тўхталинган.

Нашрга тайёрловчиларнинг ёзган маълумотига караганда шоир Фуркат Кашгарда уйгур халкининг ўзбек халкига бўлган мехр-окибатини жуда ошириб юборган. Уни ёшу-кари бирдай хурмат килган.

Сўз бошида ёзилишича инсон рухияти ва танасининг табиби-шоир Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат “1859 йили 3-ойнинг, 1-куни Фаргона водийсини Кўкон шахрининг гишт кўприк гузаридаги эски бешарик махалласида ушшок тижоратчи ойласида тугилган. Зокиржоннинг дадаси Холмухаммад замонасининг лойик илм суяр маърифатчи кишиси бўлган. Зокиржон Кўконнинг хусусий мактабларида савод чикарган. 1870- йили “Мохлар Ойим” мадрасасига кириб илм тахсил килади,”- деб ёзади.

Сўз боши муаллифлари шоир Фуркат Ёркентда ёзган хамма асарларини хам савдогарлар оркали доимий равишда Тошкентга, “Туркистон вилоятининг газети” тахририятига, Тошболту сингари дўстларига жўнатиб улгура олмаганини. Унинг кўпгина шеърилари сиёхи куримай, Ёркентликлар тилига тушиб кетганини чукур хурмат билан таъкидлайдилар. Унинг учдан-икки кисмигина колганини тахминлайдилар.

“Шу нукта мисолида кайт килиш зарурки, -деб ёзади сўз боши муаллифлари, - ўзбек адабиёти кўп миллатли Шингжонг адабий тарихини бир аср илгарилаб кетишига сабабчи бўлди”.

Фуркат хаётининг охирги йилларида Ёркентда яратган асарларини тўплаб икки жилдлик девон тузишга киришган. Унинг биринчи жилдига “Дебочаи аввал” деб ном кўйилиб, унга газал ва мусамматларини киргизмокчи бўлганини, иккинчиси “Дебочаи сони” бўлишлигини хисобга олиб асарларига тартиб бера бошлаганини, афсуски бу эзгу максадини шоир амалга ошира олмаганини. У 1909 йилнинг 9-ойида бўгуз огриги” касали билан вафот этганини, унинг жасади Ёркентдаги ўзбеклар кабристонига кўйилганини ёзадилар.

Мазкур тўпламга, -деб ёзади, сўз боши муаллифлари шоирнинг кўл ёзма асарларидан

“Баёзлар”, “Тухфат ул - обидин”, “Аргумони Хислат”, “Баёзи Мухалла”, “Баёзи гулшани ашъор”, “Баёзи Дилкаш”, “Девони Кори” сингари Ёркентда сакланаётган кўлёзма ва тош босма баёзлардан шоирнинг асарларини териб олиб киритдик.

Уйгур ёзувида нашр этилган мазкур тўпламга шоир Фуркатнинг 196 та газали, 17 та мухаммаси, 3 та маснавийси, 4 та мактуби, 1 та достони, 3 та мусаддаси, 1 та таржибанди, 1та мустазоди, 1 та касидаси ва бу асарларнинг хар бирига алохида-алохида изохлар берилган.

Лекин тўпламдан шоирнинг Тошкентда ёзган “Виставка хусусида”, “Тошкент шахридаги виставка хусусида”, “Акт мажлиси хусусида”, “Тошкент шахрида бўлгон нагма базми хусусида”, “Рус аскарлари таърифида”, “Суворов хакида”, “Юнон мулкида бир афсона” каби катор маснавий ва касидалари ўрин олмаганлигини нашрга тайёрловчиларнинг “... кўлимиздаги манбаалардан фойдаландик”, жумласи изохлаб турибди.

Тўпламга киритилган асарларни мархум устоз Холид Расул томонидан тузилган икки жилдлик Фуркат “Танлаган асарлари” билан таккослаганимизда анчагина газаллар жумладан – “Берди жахонларга сафо”, “Андалиби хуш наво”, “Бу замона жабрўсида вафо” сингари газаллар ўзбекча нашрда йўк”.

Хуллас, биз шоир Фуркат шеъриятининг мухлислари кардош уйгур наширларига чукур самимият билан миннатдорчилик билдирамиз. Ўйлаймизки Фуркат асарларининг янги нашрида, уйгурча нашрдаги биз учун янги хисобланган асарларни хам кўшиб мукаммал асарлар тўпламини яратадилар деган умидда коламиз.

Шу ўринда хамшахарим шоир Фуркатнинг бу уйгурча (дурдона) тўпламини хамда олти китобдан иборат уйгур фольклори материалларини келтириб берган дўстим ХХР Синьцзян пахтачилик институти директори, профессор, тадбиркор Чжу Вен Цзин (Ясин)га ўз самимий миннатдорчилигимни билдираман

---

## ИЖОДКОРНИНГ ЭСТЕТИК ЭЪТИКОДИ (Й. Солижонов)

Бадиий адабиётда ўз ўрни ва овозига эга санъаткорлардан хар бирининг яшаш хамда ижод килишдан кўзлаган асосий максади бўлади. Ана шу максад ижодкорнинг шахсий хаётида хам, бадиий асарларида хам яккол акс этади. Ижодкорнинг эстетик эътикоди деб аталувчи бу таълимот кадим Юнон, Шарк ва Гарб файласуфлари Аристотел, Фаробий, Гегель кабилар томонидан чукур ишланган. Санъаткорнинг эстетик карашлари шаклланиб, ривожланиб, унинг шахсий услубини белгиловчи мухим омилга

айланади. Кўп асрлик тарих ва бой меросга эга бўлган ўзбек адабиётида хам ўзининг мустахкам эстетик эътикодини, шахсий “мен”ини намоён кила олган ижодкорлар талайгина.
Ана шундай санъаткорлардан бири “Авлиё десак, авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони” бўлмиш Алишер Навоийдир. Инсон сифатида хам, ижодкор сифатида хам Навоийнинг феъл-атвори, табиати, кўнгли нихоятда нозик бўлганлигини замондошлари ва олимлар томонидан кўп бора таъкидланган. Ана шундай назокатли кўнгил сохиби газалларидан бирида:
Мени мен истаган ўз сухбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг сухбатин кўнглим писанд этмас.
деб ёзадики, бу хитоб ўкувчига шоирнинг ўзини катта олиши, унча-мунча одамларни менсимаслиги бўлиб туйилиши табиий. Аслида эса бу Навоийнинг яшашдан кутган бош максадини англатади. Шоир бутун умри давомида яхшиларга интилиб яшади, ўзидан улугрок, билимдонрок инсонлар сухбатидан бахраманд бўлишга интилди. Ана шу эстетик максадига катъий амал килган шоир буюклик чўккисига кўтарилди.
Ростгўйлик, катъийлик ва бўйсунмасликни ўз хаёти ва ижодининг бош шиорига айлантириб, унга умрининг охиригача амал килган шоирлардан бири Фуркатдир. Маълумки, Фуркат жуда ёшлигидан “Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги девонларини мутолаа килиб, унинг рангин ижод гулдастасидан” кўп бахра олди. Тўккиз ёшида хазрат тушида аён бўлиб, ёш Зокиржоннинг “кўлига калам ва когоз” тутказиб, шеър ёзишга фотиха беради. Демак, Фуркат ўз ижодининг бадиий-эстетик тамойилларини белгилашда устози Навоийдан ўрнак олган.
Академик А.Каюмовнинг ёзишича, Фуркат хам гоятда “нозик табиатли, покиза вужуд, камтарин, хеч кимга зарари тегмайдиган, хамиша кишиларга гамхўр ва мехрибон” киши бўлган (кўрсатилган манбаа. 181-бет). Ана шу фазилатларига кўра бошкаларнинг озгина ножўя харакати, сал аччик муомаласи, айникса бўлмагур игво, тухмат, миш-мишлар кўнглига огир ботган. Ранжиган дил изхорини ошкора айтган, ракибларини ўз вактида мулзам килган. Шу доисдан у 14-16 ёшларидан бошлаб хеч каерга сигмай колган. Гох Эски Маргилон, гох Янги Маргилон, Кўкон, Хўжанд шахарларида яшади. Кейин Тошкентга келди. Икки йилдан сўнг бу ердан хам бадарга килиниб, чет элга чикиб кетди.
Шоир Фуркатнинг бундай сарсон-саргардонлиги, ўз юртига сигмай колишининг сабабларини унинг характеридаги бўйсунмаслик, исёнкорлик, ростгўйлик, катъиятлилик, ўз Ватани ва халки такдири хамда дарди хакида астойдил кайгурганлигидан излаш ўринлидир. Шахсий хаётидаги принципиал карашлар шоирнинг ижодий эстетик эътикодига айланди. Бу жихатдан Фуркатнинг “Биз истигно эли кичкирмаган маъвога бормасмиз” мисраси билан бошланувчи газали ибратлидир.
Ушбу газалда шоир Фуркатнинг худди устози Навоий сингари кўнгил нозиклиги, табиатидаги бўйсунмаслик, исёнкорлик белгилари, ор-номус ва одамийлик кадрини хамма нарсадан баланд тутиш, хуллас, шахс ва шоир сифатида хаётда яшаш хамда ижод килишдан асосий максади очик-ойдин ифодаланган. Шу билан бирга, шоир бу “газалида ўзи мансуб бўлган адабий доирадаги ижодкорларнинг рухий ва маънавий дунёсини (хам) тасвирлаган. Бу мўътабар зотларнинг интилишлари хамиша бегараз ва пок, олийжаноб ва юксак эди. Шунинг учун хам тамаъ ва гараз улар учун бутунлай ёт” бўлган.
7 байт (14 мисра)дан иборат бу газал сиртдан караганда шахснинг манманлиги, кибру

хавоси, ўзгаларни менсимаслик кайфиятини ифодалаётгандек таассурот тугдиради. Аммо газалнинг мазмун-мохиятига чукуррок кириб борилса, бутунлай бошкача манзара хосил бўлади. Чунки газалнинг бирон сатрида хам “мен” деган ибора учрамайди. Шоир лирик кахрамон “биз” деб кўпчилик номидан фикр юритади. Кўплик маъносини англатувчи “биз” олмошини “эл” сўзи янада бойитади. “Биз – истигно эли”, “Биз эллар - факр элимиз” иборалари уларнинг уюшган, маълум максад сари интилувчи жамоа эканлигига ишора килади. Газал тахлилига киришишдан аввал унинг тўлик матнини келтирайлик:

Биз, истигно эли, кичкирмаган маъвога бормасмиз,
Агарчандиким, хирман айласа, дунёга бормасмиз.

Агар лабташна колсак филмасал сахрои оламда,
Малолат зохир этса мавж уран дарёга бормасмиз.

Умид этганимиз аксар саодат бўтан Хакдин,
Агарчи мис эрурмиз, киймати тиллога бормасмиз.

Хамиша лоф урармиз халк аро Фаргона мулкида,
Багоят табъимиз озода деб, хар жога бормасмиз.

Хаво лойига ботган моуманлик дўсти худбинким,
Ўшандог кам зарофат маскани аъдога бормасмиз.

Биз эллар – факр элимиз, парча нонга сабр айлармиз,
Гараз дунё учун Искандару Дорога бормасмиз.

Эмасдур онча асбоби жахонга фикримиз, Фуркат,
Вале кетгунча жуз андишаи фардога бормасмиз.

Газални тушуниш, хис килиш учун аввало, “Истигно эли” кимлиги ва кандайлигини билиб олиш шарт. “Истигно – а. 1. Бошкаларга мухтож бўлмаслик, эхтиёжсизлик; 2. Гўзал килик билан тортиниш, ноз килиш; 3. Тасаввуфда багишловнингтўртинчи водийси (А.Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонини эсланг – Й.С.), унда Оллох ишки ва мушохадаси одамдаги бошка хамма сезгиларни ўзига олади”. Бизнинг тахлилимизга ушбу изохларнинг биринчи ва учинчи маънолари мос келади. Бу “истигно эли” Оллохдан ўзга зотга мухтож эмас, хеч кимга бўйин эгмайди, чакирмаган жойга бормайди, мол-дунёга беписанд карайди. Гарчи ўзлари факир яшаса хам “Гараз дунё учун Искандару Доро”нинг хузурига бош эгиб боришни ор деб билади. Дарвоке, факирлик деганда кашшок, камбагал кишини тушунмаслик керак. Тасаввуфда факирлик, гариблик комилликка эришишнинг маълум боскичлари саналади. Факирлар Оллохнинг ўз кучи билан топган лукмасига шукур килиб яшашга одатланган бандалардир. Уларнинг бойлиги сабр, нафсни тийиш, ўзгаларга мурувват ва футувватдир. Фуркат назарда тутган “истигно эли”нинг бу фазилатлари газалнинг 1, 2, 5, 6-байтларида аник кўзга ташланади.
Фуркатнинг ўзи хам шахс сифатида “истигно эли”нинг бир вакили эди. У бутун хаёти

давомида  хеч кимга эхтиёжманд бўлмади, моддий жихатдан кашшок яшаса-да, маънавий бойликка интилди. У хеч качон огзидан сўзини, кўлидан каламини, калбидан эрк туйгусини бировга олдириб кўймади. Шу боисдан шоир норасолар орасидан жой топа олмади, аммо ростгўйлиги, эътикодининг катъийлиги билан адабиётда мангу яшаб колди.

---

**ТУТАШ ТАКДИР ТАРАННУМИ** (Камолиддин Марасулов)

Ўзбек мумтоз адабиёти ўзининг  жахонгашта намояндалари билан хам маш хур. Шундай дунё кезиб калам тебратганлар орасида икки йирик ижодкор Бобирахим Машраб хамда Зокиржон Холмухаммад ўгли  Фуркат алохида  ажралиб туради. Гарчи булар яшаган даврни  бир ярим асрдан зиёд вакт ажратиб турса-да, биз уларнинг кечинмаларида, дунёкарашида уйгунлик борлигини кўришимиз мумкин. Фикримизнинг далили ўларок Рахимбобо Машрабнинг машхур "Кавлама" радифли газалига Фуркат томонидан богланган тахмисни олайлик. Машраб газали куйидаги матлаъ билан бошланади:
Эй сабо, гамзодадурман, бистаримни  кавлама,
Чун шафак олудаман, хокистаримни кавлама!
Газали 9 байтдан иборат. Газал тўлалигича  ишки илохийга багишланган. Шоир ушбу газалида дардлилар, хак ишкида ёнганлар  хусусида  тўхталади. Изтиробдан кўзлари тўла ёш эканлигини, дардсиз касларнинг уйи вайронлар, заифлар холидан бохабарлигини таъкидлаб ўтади:
Хонавайронлар билур афтодаларнинг  холини
Эйки, махрам бўлмасанг, чашма таримни  кавлама.
Машраб дард сохибидир. Бир умр юрагида Оллохга бўлган ишки ловуллаб турган зот-Рахимбобо дардсизларга, ишксизларга "менинг кийналишим сабабларини, менинг ташвишларимни суриштирманглар!" демокчи бўлади:
То кишига дард тегмай, бўлмади багри  кабоб
Дилда дардинг бўлмаса, дарди саримни кавлама.
Ўзининг гамгин, гам ютган (ер ишки, гами) инсонлигини  таъкид этади.
Машраб билан Фуркат ўртасида кандай ўхшашлик, богликлик мавжуд деган табиий савол тугилади.  Биз  ўзимиз тадкик этган баъзи мулохазаларни келтириб ўтайлик:
1.    Хар иккиси хам хунарманд оиласида таваллуд топган.
2.    Икки шоир хам     бир вактда – 7 ёшида  таълим олишни бошлаган.
3.    Фуркат хам Машраб хам зуллисонайн ижодкор бўлишган.  Хар икки ижодкор хофиз Шерозий газалла рига юксак ихлос би лан караган.
4.    Фуркат лирик  ижоди намуналарининг асосий кисми газаллар сўнг мухаммаслар бўлса, Машраб шеъриятида хам салмокли кисм газаллар ва мухаммасларга тўгри келади.
5.    Машрабнинг адабий мероси бизгача тўла етиб келмаган.  Фуркатнинг хам  кўпгина ёзганлари: ўзи кайд  этган рисола, манзума ва
таржималар бизгача етиб    келмаган ёки ханузгача   топилмаган. Фуркат  илк бор шеърларини тўплаб  мажмуа килган эди. Бирок у хам хануз номаълумлигича  колмокда.

6. Хар икки шоир шеърлари улар тириклик чогида, ундан кейин хам, машхур хофизлар томонидан кўшик килиб куйланиб, кенг халк оммасига етказилган, етказилмокда.
7. Яна бир ўхшаш жихати иккала ижодкор хам жахонгашта бўлганлар. Машраб умрининг деярли 40 йилини сайру-саёхатга бахшида килди. Ундан деярли икки аср кейин яшаган Фуркат у каби дунё кезди. Рахимбобо Машрабнинг кадами етган хар бир гўшани: Самарканд, Бухоро, Саудия Арабистони, Хиндистон, Шаркий Туркистон каби жойларни саёхат килиб чикди. Шох Машраб хаётида алохида ўрин тутувчи Кашкар, Хўжанд, Ёркент хам Фуркат назаридан четда колмади. Таъкидлаш жоизки, Фуркат хам Машрабдек киндик кони тўкилган заминда эмас, ўзга юртларда оламдан кўз юмди. Машраб ижодининг Фуркатга таъсири кучли бўлган. Айникса, “Кавлама” радифли газал Фуркатнинг диккатини тортган. Икки шоир калби бир-бирига якин эди. Окибатда, Зокиржон Холмухаммад ўгли юкоридаги газалга тахмис боглади: машраб газали тўккиз байтдан иборат, лекин мухаммасда етти банд бор. Сабаби, Фуркат икки байтни ташлаб ўтади (балки, шоир Фуркат кўлидаги “Кавлама” радифли газал етти байтдан иборат бўлгандир). Хозир ўша “четлаб ўтилган” байтларни келтирамиз:
1. Хажр тошидин зорру офат бошига етган ўзум,
Киштийи мотамдадурман, лангаримни кавлама.
2. Етти дўзах ўртанур афтодаларнинг охидин,
Оташи хажрида куйган мижмаримни кавлама.
Фуркат Машраб кўнглидаги, дард ва изтиробни жуда яхши тушунган дейиш мумкин. Йўкса, “Эй сабо, гамзодадурман бистаримни кавлама”, деган шох Машрабга “Ошики дилдодадурман дилбаримни кавлама” – дея жавоб ёзмаган бўларди.
Шеър курилишида шундай холатларни кўрамиз:
1. Мухаммаснинг биринчи мисраси тўртинчи мисрага, яъни Машраб газали байтларининг 1-мисраси Фуркат ёзган 1-каторга мос келади:
Гамдин озода билур озодаларнинг холини (Фуркат).
Хонавайронлар билур афтодаларнинг холини (Машраб).
Ишк савдоси тушиб бошимга, ахволим хароб, (Фуркат).
То кишига дард тегмай, бўлмади багри кабоб (Машраб).
2. Баъзи бандларда эса тафовутлар кўзга ташланади. Масалан:
Фуркат: Неча кунлар хамдам ўзга вахшию тайр айладим,
Машраб: Ломаконни шахрини бир ху била сайр айладим.
Фуркат: Гах ўзимни сувга урдум, гох ўтга дам бадам,
Машраб: Бахри рахматга кириб килдим вужудимни адам.
Хуллас, халкимизнинг хар икки атокли сиймоси ижодидаги уйгун жихатлар, анъана ва ўзига хослик масалалари тадкикотчилар учун мухим материаллар бериши табиий.

**МАКТАБДА ФУРКАТ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ** (Козокбой Йўлдошев, Валижон Кодиров)

Адабий таълимда Фуркат ижоди доимий равишда ўрганиб келинган. Шўро даврида хам адиб асарлари дарсликлардан муким жой олган эди. У давр адабиётшунослигидаги

чекланган жихатлар шоир ижодини ўрганишда хам айнан акс этган эди. Ижтимоий вокелик, тузум талабига кўра шоирнинг дастурга киритилган асарлари асосан ижтимоий ва мафкуравий нуктаи назардан талкин килинган. Мустакилликдан кейинги даврда Фуркат ижоди кенгрок кўлам ва ўзгача нигох билан ўрганила бошлади. Олдинги учта дастурга кўра адиб каламига мансуб битиклар умумтаълим мактабларининг 6-, 8- ва 10-синфларида ўрганилди. Энди бу асарларни ўкитишда дидактик ва эстетик ёндашув етакчилик килмокда. Шунингдек, улар багрида жо бўлган ирфоний мазмунга хам эътибор каратилмокда. Охирги кабул килинган дастурда кўра Фуркат ижоди 9-синфда ўрганилиши белгиланган. Биз бу маколада сўнгги дастурга кўра дарсликка киритилган шоир лирикаси намуналарини ўрганиш юзасидан мулохазаларимизни баён этамиз.
Фуркат умрбаёнига оид маълумотлар дарсликда етарлича берилган. Ўкитувчи мазкур биографик далилларни кенгрок шархлаб, кўшимча изохлар билан баён этиб бериши керак. Ушбу соатда факат хаёт йўли, бошдан кечирганлари сўзлаб берилмайди, балки адабий мероси хамда ижод оламига хам умумий назар ташланади. Бу борада яна дарсликдаги  материаллар муаллимга ёрдамга келади. Бизнингча, биринчи соатни куйидагича режа асосида ўтказиш маъкул бўлади:
1. Фуркатнинг хаёт йўли: тахсил олиши, мехнат фаолияти, саёхатлари, оилавий хаёти ва турмуш тарзи, чет элдаги хаёти.
2. Фуркатнинг публицистик фаолияти: “Туркистон вилоятининг газети” билан алокаси, маколалари.
3. Адибнинг илмий асарлари.
4. Фуркатнинг таржимонлик фаолияти.
5. Шоирнинг бадиий оламига экскурсия.
Дарсликда шоирнинг маърифатпарварлик йўналишидаги ижоди тўгрисида умумий фикрлар айтилиб, шеърлари санаб ўтилган, лекин улар хакида тавсифий тахлил берилмади. Ўкитувчи дарсликка кўшимча маълумот сифатида шу рухдаги шеърлардан намуналар келтириши, айримларини шархлаб ўтиши лозим бўлади. Маърифатпарварлик шеърларнинг барчаси маснавий йўлида ёзилган бўлиб, уларда маорифни ислох килиш, илмга даъват, фан ва маданият янгиликларини таргиб этиш гоялари сурилганлигига тарбияланувчилар диккати тортилади. Машгулот сўнгида дарсликдаги савол ва топшириклар хамда ўкитувчининг ўзи тузган кўшимча саволлари асосида сухбат ўтказиш мумкин.
Дарсликда берилишига кўра тахлилга тортилиши керак бўлган Фуркатнинг „Фасли навбахор ўлди, кетибон зимистонлар“ га¬зали табиат лирикасининг намунаси. Унда кўклам ке¬лиши билан табиатда рўй бераётган гўзал ўзгаришларни гоят синчиклаб кузатган шоирнинг калб кечинмалари акс этган.
Фасли навбахор ўлди кетибон зимистонлар,
Дўстлар, ганиматдур, сайр этинг гулистонлар.
Ўкувчилар диккати бу шеърда хам худди Мукимийнинг „Навбахор“ газалидаги сингари йилнинг энг дилбар фаслидаги гўзал¬ликдан дўст¬ларни бахраманд килиш истаги ифодаланганлигига каратилади. Мумтоз адабиётда узок интик кутиб, орзуга етган дамлардан олдинги интизорлик даврини коронгулик сифатида тасвирлаш анъана эканлигини айтиб, талабалардан ўтилган мавзулар бўйича мазкур фикрга мисоллар (мисралар ёки байтлар) эслашни сўраш ўринли бўлади. Навоий Фарходнинг тугилишини “Шабистонда тугди бир янги ой” деб тасвирлайди. Мисрада “шабистон” сўзи хоконнинг ўгил кўргунча бўлган даврдаги фарзандсизлик хасратида ўтказган йилларни

ифодалайди. Огахий бахор келгунга кадар хукм сурган азобли киш кунларини сояга менгзайди: “Кўтарди ер юзидин соя наврўз”. Шунинг учун хам Фуркат ўткинчи умрни гўзаллик кўйнида эзгулик билан ўтказишни истайди. Чунки бахоргина эмас, умр хам ўткинчи — „ганимат“. Матлаъдан сўнг шоир ўзини мувозанатдан чикарган, хаяжонга солган кўклам манзарасини чизишга тутинади. Кўз олдингизда дилбар бахор тонгининг латиф манзараси намоён бўлади: субхий шабнамлардан кўм-кўк майсаларнинг яшнаб туриши, бахор булути онда-сонда ташлаб турган томчилар ва Яратганнинг санъатига лолу койил ошуфта кўнгил... Ўзбек тили¬нинг ифода имкониятларидан махорат билан фойдалан¬ган шоир ўкувчига ахборот бериб колмай, унда кучли хис-туйгу уйготишга эришганлигини болаларга туйдириш лозим:

Субхидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,
Гул уза томиб кам-кам, ёгди абри найсонлар.

Фуркат кўклам манзарасини ўз холича тасвирламайди, уни жонлантиради. У атрофдаги хар бир унсурни – масалан, настарин, ёсуман ва наргис гулларини дилга якин кишига муносабати нуктайи назаридан тасвирлайди. Уларда „ёронлар“, яъни ёр-жўраларга интизорлик, интиклик кўради. Киши кўзини кувон¬тираётган бахорий кўкатлар шунчаки гўзал эмас, балки якинларни кутиб олишга хозирлик кўраёт¬ганлиги сабаб гўзалдир:

Настарин ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзни,
Наргис очибон кўзни интизори ёронлар.

Кўкламнинг энг сара чечаклари сара одамлар — ёронларни кутиб олишга хозирлик кўришади. Фуркат табиатни тинимсиз харакатда кўрсатади. Кўклам манзараси динамикасини жонли тасвирлайди:

Бир сахар эдим уйгок: ўт туташди оламга,
Тоглар чекибон ларза, титради биёбонлар.

Бу сатрлар ўз холича ўкувчи тасаввур ва хаёлотига таъсир кўрсатади, туйгуларини безовта килади. Ўкитувчи ўртага шундай савол ташлаши мумкин: Байтда тасвирланган сахар чогида нима рўй берди? Сиз уни кандай тушунасиз ва тушунтирасиз? кабилида савол ташлаш мумкин. Ўкувчи нима бўлиши мумкинлиги хакида ўйга толади. Кимдир кўклам сахарида момакалдирок гулдирагандир деса, бошка ўкувчи чакмок чаккандир ёки учинчи бири ёмгирдан сўнг чараклаб куёш чиккандирки, олам ўтга буркангандай бўлгандир тарзида тушунар. Хуллас, хар бир ўкувчи ўз тасаввуридан келиб чикиб, бу мисраларни ўзгача шархлаши мумкин ва ўз фикрини далиллай олар экан, уларнинг хар бири хак.

Шеърнинг бешинчи байтида кўлланган таклидий сўзлар газал мусикийлигини оширган, олдинги мисраларни кучайти¬ришга, янги тафсилотлар билан мустахкамлашга хизмат килган. Унда жонли нарсалар холати тилга олинади. Фуркатдан олдин ўрганилган сиймо – Огахийнинг ишкий газалларида бўлган каби саккиз байтли мазкур шеърда хам олтинчи байтдан газалга ижтимоий маъно кириб келади. Тўгри, бу шунчаки анъанавий рамзлар оркали ифодаланган, лекин йил бошидан ўкувчиларнинг мумтоз матнлар тагмаъносини англаш малакалари шаклланганлигини унутмаслик керак:

Булбул ўкугоч йиглаб, субхидам хазон фаслин,
Гунча кон ютуб, юз чок этти гул гирибонлар.

Байтда гунчанинг гул бўлиб очилиши жараёнини хусни таълил санъати воситасида ўзига хос тарзда тасвирланганлигига ўкувчилар диккат килиши лозим. Кўкламнинг шундок фарахли эртасида булбул хазон фаслини эслаб нола килгач, у кўнган гулнинг гунчаси

хам кон ютиб, ёкасини юз жойидан йиртиб юборади. Ёкаси йиртилган гунча ёзилиб кетади, яъни очилади. Нима учун булбул субхидамда хазон фаслини эслайди? Бунинг сабаби еттинчи байтда очилади. Чунки дунёдан вафо ахли кечганлар. Халкимиздаги азадорларнинг кўк кийиш удумидан шоир бу байтда унумли фойдаланган. Газалнинг мактаъсида шоирнинг вафо ахлининг нохак ранжитилишига, кадр топмаганлигига куюнчак муносабати акс этади:

Куймасун бу савдодан не учун димогимким,
Ранжу гуссада доно, кечса шод нодонлар.

Албатта, адолатпарвар шоир доноларнинг гусса чекиб, нодон¬ларнинг шод яшашидан озорланади ва буни мураккаб рамзлар воситасида жозибали ифодалайди. Шоир ўз даври учун гоят долзарб бўлган адолат ва маърифат муаммоларини факат фаслнинг гўзаллигини куйлашга багишлангандай туюлувчи шеърнинг замирига усталик билан сингдириб юбо¬ради.

“Ул каро кўз кўзларига сурма бежо тортадур” газалининг олдинги шеър билан умумий жихатлари кўп. Хар иккаласи хам мумтоз адабиётимизнинг энг сара асарларидан саналади. Хажм жихатидан катта – кўп байтли (бири саккиз, иккинчиси ўн байт) бу шеърлар лирик кахрамоннинг тасвир объектига (бахор ва маъшукага) идеал ёндашуви билан бошланади.

Ул каро кўз кўзларига сурма бежо тортадур,
Балки андин дахр эли ортукча гавго тортадур.

Шоир мактаъда тажнис ва хусни таълил бадиий тасвир воситаларидан мохирона фойдаланади. Биринчи мисрадаги “тортадур” сўзи “кўймок” маъносини берса, иккинчи катордаги „тортадур“ сўзи „кўтаради“ маъносида келган. Бу – тажнис. Дахр эли – дунёдаги одамлар орасидаги келишмовчилик, давлатлараро низо ва урушлар, умуман барча гавголар, шоир изохича, шу каро кўз туфайли, уни талашиб юз бермокда. Кейинги байтда кисм бутун оркали идрок этилганлиги учун ифоданинг аниклигига эришилади:

Кошлари остида гўё икки фаттон кўзлари,
Икки хинду баччадурким, ёндашиб ё тортадур.

Ёрнинг камон кошлари остидаги фитнакор кўзлари гўё ёй отаётган икки нафар хинду боласига ўхшайди. Ўкитувчи шу ўринда  Нима учун ёр кўзлари хинду боласига ўхшатилган? Нега улар “ёндашиб” деб тасвирланаётибди? Улар тортаётган ёй нима? Ўклари-чи? каби йўналтирувчи саволлар бериб, тахлилни жонли ва мукаммал бўлишига эришиши мумкин. Ўкувчилар маъшуканинг кўзлари коп-коралигидан улар хинду болаларга, кўзнинг жойлашиш шаклига кўра ёндашиб ётишга ўхшатилаётганлигини, уларнинг ёйи ёрнинг коши, ўклари эса гамзали бокишлари эканлигини болалар кийналмай изохлай оладилар.

Телбаланмиш зулфини савдосидин девоналар,
Кайга борса ўлтуруб ерга чалипо тортадур.

Ўкувчилар диккати ушбу байтда шоирнинг гўзаллик тасвирида ман-тикий изчилликка амал килишига каратилади. У ёр вужудининг хар бир муча (аъзо)сига хар жихатдан мос келадиган вазифа юклайди. Шу сабаб, унинг зулфи хакида гапирар экан, ошикларнинг телба¬ланиб, дуч келган жойга бут расмини чизишларини тасвир¬лайди.  Яъни ёрнинг зулфидан ошиклар шу даражада эс-хушларини йўкотадиларки, телбаниш холатига тушадилар. Кайд этилган сабаб ва окибат муносабати мантикли хамда марокли: ёр зулфи – пари¬шон, яъни тартибсиз. Тар¬тибсизлик эса телбаликнинг илк бел¬гиларидан бири. Газал¬нинг тўртинчи байти тасвир мураккаблиги жихатидан

ажралиб туради:
Жон ила кўнгил талошур, эй санам, дарду гаминг,
Бирни сол кўнглумгаким, жон бирни танхо тортадур.
Ўкитувчи бу байтнинг тахлилида ўкувчиларга ёрдамга келиши керак. Аксарият холларда уларнинг ўзи бу мисраларни шархлашга кийналишлари тажрибаларда кўрилди. Сўздаги маъно нозикликларига эътибор кил¬инмаса, байтнинг маъносини англанмаслиги, шоирнинг санъат¬корлиги сез¬май колиши мумкинлигини тушунтириш лозим. Машрабнинг “Ўртар” газалидаги “Гамим бошка, алам бошка, юрагимни фигон ўртар” мисраси мисолида “гам” ва “алам” сўзларидаги маъно нозикликлар тўгрисида тўхталган эдик. Шуни эслатган холда  бу ўринда “дард” сўзи мухаб¬бат маъносида келганини хисобга олиш лозим. Шунда жон билан кўнгулнинг ишк билан гамдан кай бирини танлашни билмай талашаётгани тушунарли бўлади. Ошик маъшукадан талашилаётган икки нарсадан биттасини кўнглига солишини сўрайди. Ўшанда жон бошка биттасини кўтара олиши мумкин. Кейинги байтлар тахлили шу тахлит давом этади.
Бу газалда хам мактаъдан олдинги икки байтда шоир ижтимоий ва фалсафий мушохадалар билан чекиниш килади. Фуркат уйгок виждонли кишилар каби чархнинг адолатсиз бир одати (шеваси)дан догда: айшни нодон суради, кулфатни донолар тортади. Унинг олдинги газалдаги “Ранжу гуссада доно, кечса шод нодонлар” мисраси билан якинлигини болалар ўкитувчининг саволи оркали топа оладилар. Газалнинг тўккизинчи байтида Фуркат инсоннинг моддий ва рухий жихатидаги бир богликликдан жуда ўринли фойда¬ланади, яъни одам танасида сафро кўпайса, унда жиннилик¬ка майл кучайганидек, бойликка ўчлик инсон кўнглини кора килишини таъкидлайди. Шоир инсонни бойлик эмас, ишк улуг¬лайди деб билади. Шу боис, газал мактаъсида мухаббат азоб¬ларини енгилтак кимсалар тортолмаслигини очик айтади:
Булхаваслар торта олмас нозанинлар нозини,
Фуркатийдек бекасу шўрида, расво тортадур.
“Булхаваслар” ишкни хавас, айш воситаси деб билувчи енгилтаклардир. Шу ўринда талабаларга “Мукаддам ўрганилган асарлардаги “булхавас” образларни эсланг”, “Кайси тимсолларни “Фуркатийдек бекасу шўрида, расво тортган”лар сирасига киритиш мумкин?” каби топширик, саволлар бериш мумкин.
Шеъриятда инсон портретини сўз билан чизиб, гўзал санъат асари яратиш мумкинлиги шоирнинг „ Сурмадин кўзлар каро, кўллар хинодин лоларанг“ сатри билан бошланадиган шеъри воситасида ўкувчиларга кўрсатилади. Фуркатнинг бу машхур газали устоз озар шоири Мухаммад Фузулийга иктибос сифатида яратилган. Хатто шеърнинг биринчи мисраси тўлигича Фузулийга тегишли бўлиб, Фуркат уни ривожлантириб, янги бадиий мазмун юклаган. Адабиёт муаллими ўзга шоирнинг мисрасига таянган холда тасвир кудрати, ифода таъсир¬чанлиги, чизгиларнинг нозиклиги жихатидан олдингидан баландрок бадиий натижага эришмок учун улкан талант эгаси бўлиш кераклигини алохида ургу билан таъкидлаши лозим. Фуркат шундай истеъдод сохиби бўлгани учун хам ёрнинг шеърий суратини яратар экан, хар бир чизгига муайян бадиий вазифа юклаган. Шунинг учун хам маъшука тасвири деворга илиб кўйилган сурат эмас, балки ўкувчининг кўнглидан жой олган харакатдаги суратдир:
Сурмадин кўзлар каро, кўллар хинодин лоларанг,
Гозадин юзларда тобу, ўсмадин кошлар таранг.
Дастлабки сатрларда маъшуканинг гўзаллиги ташки омиллар туфайли юзага келганлиги тасвирланади. Кўзнинг коралигига сурма, кўлнинг лоларанглигига хина, юзнинг

гўзаллигига элик, кошнинг таранглигига ўсма сабаб. Мумтоз адабиётда кош доим камонга ўхшатилади. Кошнинг таранг¬лиги камоннинг таранглиги демакдир. Яъни маъшуканинг эгма коши ошикка каратилган таранг камондир. Унинг кейинги мисралардаги огир кисмати ана шу холатнинг натижасидир. Кейинги байтлардаги келинчакнинг кийиниши, миллий ороланиш ашёлари, такинчок, безаклар, гўзалнинг ўзини тутиши, киликлари, ошик билан  муносабатлари, уларни беришда шоир кўллаган бадиий тасвир воситалари бир-бир шархланиши хамда изохланиши лозим. Савол ва топшириклар мохиятан миллий кадриятларга хурмат, миллий ўзликни англаш ва булардан гурурланиш туйгуларини тарбиялашга каратилган.
Дарсликда Фуркат умрининг маълум бир палласида тасаввуф йўлига мойиллик билдириб, ўткинчи дунё гавголаридан кўнгилни фориг тутиб яшашга интилгани тўгрисида маълумот айтилиб, “Бормасмиз” радифли газалида шоир шахсияти, унинг умрбаёнига дахлдор мазкур жихатлар янада якколрок кўзга ташланиши таъкидланган эди. Шеърда комиллик йўлига кирган ориф шахс хаётий карашлари баён этилгандек бўлади. Газалнинг кахрамони – ўз кадрини биладиган, инсонлик гурурини бойлик ва манфаатдан устун кўя оладиган шахс:
Биз истигно эли кичкирмаган маъвога бормасмиз,
Агар чандеки хирман айласа, дунёга бормасмиз.
Шу шеър бахонасида ўкувчиларга тасаввуфий истилохларни таништириш давом эттирилади. Истигно – бу эхтиёжсизлик. Худодан бошка хеч кимга ва хеч нарсага мухтож бўлмай яшашни уддалайдиган одамлар истигно элидир. Айтилмаган жойга бормаслик, хирмон килиб уюб кўйса¬лар-да, бойликка интилмаслик лирик кахрамоннинг кўлидан келади. Шоирнинг асосий шиори – малоллик келтирмай яшаш. У нафакат жамиятнинг, балки табиатнинг малолатига хам сабабчи бўлишни истамайди:
Агар лабташна колсак, филмасал, сахройи оламда,
Малолат зохир этса, мавж уран дарёга бормасмиз.
Газалнинг кейинги байтларида лирик кахрамон яхшилик¬ни факат Аллохдан кутишини, фойда учун дуч келган одамникига боравер-маслигини, айникса, димогдор, кибрли, кўнгил маърифатидан йирок кимсаларга якинлашмаслигини билдиради. Тўртинчи байт тахлилида нафакат ўкувчилар, балки ўкитувчиларнинг ўзлари хам тахлилда иккиланиб колганликларига тажрибалар давомида гувох бўлдик. Гап шундаки, “лоф урмок” бирикмаси хозирги кунда асосан “ёлгон сўзламок”, “ёлгон даъво килмок” маъносида кўлланади. Агар шу маънода тушунилса, “Биз Фаргона юртида ўзимизни авлиёсифат кўрсатиб, ёлгон гапирамиз, шу лоф билан табъимиз нозик деб, хар жойга хам боравермаймиз” деган газал матнига мутлако тўгри келмайдиган маъно чикади. “Лоф урмок” бўрттириб гапириш, кайта-кайта таъкидлашни хам англатади. Шу маъноларни билгачгина, байт мазмунини тўгри чакиш мумкин бўлади.
Газалнинг олтинчи байтида сўфиёна рух яккол намоён бўлиб, шоир кўзда тутаётган кишилар факр элидан экан¬лигини алохида таъкидлайди. Маълумки, тасаввуфда комил¬ликка эришиш учун босиб ўтилиши зарур боскичлар каторида „истигно“, „факр“ хам бор. Лирик кахрамон ана шу боскичдан ўтиш истагида бўлганлар номидан  бойлик учун жахонгирлар олдига хам бормасликларини сўзлайди:
Биз эллар — факр элимиз, парча нонга сабр айлармиз,
Гараз дунё учун Искандару Дорога бормасмиз.
Шоир — эътикодида собит. У бу ёлгон дунёдан кетгунча хам карашларини ўзгартирмокчи эмас. Шу тарика шеърда ўз кадрини билган, эзгуликка интилган,

хакикатга астойдил етмокчи бўлган солик туйгулари самимий ифода этилган:
Эмасдур онча асбоби жахонга фикримиз, Фуркат,
Вале кетгунча жуз андишайи фардога бормасмиз.
“Асбоби жахон” инсонни дунёга боглаб турадиган нафсоний истак ашёларидир. Фикри асбоби дунё бўлмаган кишининг максади ва интилишлари  Яратганнинг висоли бўлади. Бу маслакда яшовчилар харгиз “жуз андишайи фардога бормас”лар. Шу тарика газалда кўнгил маърифатига эга шахслар холати жуда таъ¬сирли акс эттирилган.
Шоирнинг “Манам шўрида булбул” мухаммаси дарсликда кисман тахлил килинди. Ўкитувчи хар бир банддаги шоир гариблиги сабаби хамда рухиятидаги махзунлик холатининг шархланишига эришмоги керак. Матн билан танишилгач, ўкувчилардан ўзлари англаганлари даражасида шеърдаги гариблик, гурбат маъноларини изохлашлари, фикрларини матн асосида далиллашлари талаб килинади. Изохлар турлича бўлиши мумкин: ёр (маъшука) хажри (“Бўлубман ошики шўридаи бир нозанин дилбар”); ўз якинларидан айрилик ( “Киши холимни билмас мехрибонидин адошганман”); дўстлар согинчи (“дўстонидин адашгонман”); ватанидан жудолик (“Ватансиз бенаводурмен, маконидин адашгонман”, “Ваё бир мурги вахший ошиёнидин адашгонман”); маънавий устоз – тарикатдаги пири комилдан узоклашиш (“бир сохиб каромат остонидин адашгонман”); илохий макондан,  Яратган васлидан мосиво бўлиш (“Фано куйида кимки муътакифдур”, “Замон ахли бу боисдин тахаллус Фуркатий дерлар, Неча йилдур бир ошуби замонидин адашгонман”).
Мазмунни шархлашга берилиб кетиб, шеърнинг бадииятини назардан сокит килишлик тўгри эмас. Мухаммасдаги хасби хол учун кўлланган ташбехлар, хар бир банддаги сўзларнинг таносубий богланиши, муболага учун ишлатилган киёслар устида ишланиши лозим.
Фуркатнинг “Сайдинг кўябер сайёд, сайёра экан мендек” мусаддаси адабиётшуносликда эрк ва хуррият кўшиги деб таърифланади. Шеърда учта образ: лирик кахрамон, сайд – ов (оху) хамда сайёд образлари иштирок этган. Мусаддас бошдан оёк лирик кахрамоннинг овчи тузогига тушган охуга хамдардлик туйгуси билан тўлиб-тошган. Лирик кахрамон тузокка тушган охунинг холини хилма-хил ташбихлар ва мукоясалар билан тасвир этгач, овчига хитоб килиб, уни банддан озод килишни сўрайди. Лекин унинг ижтимоий мазмун юкланган тагмаъноси хам йўк эмаслиги тарбияланувчиларга англатилиши ўринли бўлади. Хар кандай куюнчак миллат зиёлисининг юрагига хасрат догини солган Туркистон юртининг кўлдан кетиб, эл ва юрт овдай бўлиб истило асрининг сайёди кўлига тушиши унга янги ижтимоий мазмун багишлайди, яъни сайд – бу она Туркистон, сайёд – гаддор мустамлакачилар. Айрим мутахассислар эса  ушбу мусаддаснинг юзага келишида шеърда номи зикр этилган Саъдулла хофизнинг ёмонлар томонидан фожиали ўлдирилишини хам бир сабаб килиб кўрсатадилар. Бу шеър воситасида ўкувчида ўзгалар кайгусини англаш, хамдардлик хисси чукурлаштирилади, Ватан такдирига масъуллик туйгуси камол топтирилади.

---

## **ФУРКАТ ХАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ГЕОГРАФИК КИРРАЛАРИ** (М. Мўйдинов)

Ўзбек адабиёти тарихида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги адабий харакат мухим ўрин тутади. Бу даврда Марказий Осиёнинг мухим маданий марказлари -

Кўкон, Бухоро, Хива, Тошкент, Каттакўргон ва бошка шахарларда кўплаб шоирлар ажойиб ижод намуналарини яратадилар.

Ўзбек демократик адабиётида маърифатпарварлик йўналишига асос солган ва бу йўналишнинг энг жўшкин куйчиси Фуркатдир. Мураккаб ва ўта зиддиятли даврда яшаб, ижод этган шоир Фуркат хаётида Кўкон адабий мухитидаги Мукимий бошчилигидаги адабий гурух катта рол ўйнайди. Шоирнинг 80 – йилларнинг бошларидан 1889 йилларгача бўлган Кўкондаги хаёти шоир дунёкарашини шакллантирди, ижодини камол топтирди. Фуркат ўз илмини ва бутун кобилиятини халк хизматига багишлаб эркинлик, озодлик ва бахт куйини куйлаган маърифатпарвар шоирдир.

Ўзбек адабиёти тарихидан бизга маълумки, ёзувчилар орасида энг кўп саёхат килгани Осиё, Европа ва Африканинг кўп мамлакатларини ўз кўзи билан кўриб билган жахонгашта шоир Зокиржон Фуркатдир. Фаргона водийсининг кўп кишлок ва шахарларини кезиб, ахолининг турмуш тарзи, урф – одати, кундалик фаолияти хамда орзу - умидларини ўз асарларида  ифодалаган. Фуркат яшаган даврда ўта мураккаб, зиддиятли, ўзаро низолар авж олган эдики, бу холатлар унинг хаётига, ижоди ва фаолиятига таъсир кўрсатди.

Фуркат ўша даврларда халкнинг огир турмушини енгиллаштирадиган, амалдорларнинг зулмидан куткарадиган хамда озод ва фаровон хаётга элтувчи йўл маърифат йўли эканлиги англаб этди ва бу йўлда тинмай мехнат килди ва курашди. Илм – маърифатни халкни озодликка олиб чикувчи ёруг машъал деб билди.

У Кўконда яшаб турган даврида хукмрон доиралар орасидаги келишмовчиликлар, ўзаро низолар ва улардан мехнаткаш халкнинг кўраётган жабр – зулмини ифодалаб “Туф” радифли шеърини яратади. Шоирнинг жўшкин ва исёнкор табиати яратган танкидий, хажвий шеър ва асарлари ўша замон хукмрон доираларига кўп хам хуш келмайди. Манбааларда кайд килинишича 80 – йилларнинг охирларида Фуркат Маргилонга боради, у ерда бир неча вакт яшаб, адабий, ижодий ишлари билан шугулланади, олимлар, шоирлар билан танишади, сухбатлашади ва мушоиралар ўтказади.

1889 йилда Фуркат саёхат килиш максадида Маргилондан чикиб Кўкон оркали Хўжандга келади. Бир неча вакт Хўжандда яшаганидан сўнг 1889 йилнинг июнь ойида Тошкентга келади, бу ерда карийиб икки йил яшади. Бу ерда хам хак сўзлари, танкидий асарлари учун таъкиб остига олинган маърифатпарпар ва тараккийпарвар шоир Фуркат хаёти тахлика ва хавф остида колган эди. Академик шоир Гофур Гулом Фуркатнинг Тошкентдаги хаёти тўгрисида ўз мулохазаларини шундай изохлаган эди: “Тарихдан шуниси аникдирки, Фуркат отилмоклиги ёки камалмоклиги турган гап эди. Ўз мудхиш такдирини англаган шоир кочишга мажбур бўлди”.  Халкни ўйготишга, тараккиётига ундовчи хак сўзни ва инсоф – адолат  химоячиси бўлган шоирни мустамлакачилар мухити хам, унда лаганбардорлик билан кун кечираётган махаллий хокимлар мухити хам сигдирмайди. Натижада 1891 йилнинг май ойида Тошкентдан чикиб Самаркандга боради. У вактлар (1891 йилда) хали Ўрта Осиё темирйўли Тошкентга келиб етмагани учун Фуркат Самаркандгача от – аравада боришга мажбур бўлган. У ердан Закаспий темирйўли оркали Бухоро, Чоржўй, Ашхабоддан ўтиб, денгиз оркали Бокуга борган. Бокудаги маданий мухитлар билан танишгандан кейин Тифлис (хозирги Тбилиси) оркали Ботум (хозирги Ботуми)га жўнаган (Боку – Тифлис – Ботум темирйўли 1883 йилда курилиб бўлган эди). Ботумда пароходга тушган Фуркат Туркиянинг Кора денгиз бўйиларини ва бу сохиллардаги шахарларни (Трабзун, Самсун, Синопни) сайр этган. Босфор бўгозидан кириб Истамбулга тушган. У узок вакт Истамбулда турганини бир

мактубида ўзи айтади:
Дегилким: - Эй Арастун замона,
Билурда набз ташхиси ягона:
Келибман олдидан мехмонингизни,
Хўкандий, яъни Зокиржонингизни.
Юрубдур ўйнаб Истамбулда хушнуд,
Эрур ахволи кундан кунга бехбуд.
... Мижозига мувофик Рум хавоси,
Анингчун турмак ўлмиш истизоси.
Фуркат Истамбулда турган махалларида якин атрофдаги бирканча шахарларга ва ўлкаларга хам сафар килган. Унинг Булгористонда (хозирги Болгария) ва Юнонистонда (хозирги Грецияда) бўлганлиги асарларидан аник кўринади.

Фуркат шеърларига, асосан унинг жахонгашталик такдирини кўз олдига келтирсак, тахминан унинг саёхат маршрути куйидаги нукталардан иборат бўлган, деб ўйлаш мумкин.

Шоирнинг Юнонистон ва Булгориянинг кайси шахарларида бўлганлиги аник белгилаш кийин. Лекин унинг кейинги сафар манзилларини тахминлаш, умумий маршрутнинг асосий йўналишига караб чамалаш мумкин. У Истамбулда Мармара денгизида вопур (пороходга) тушиб Дарданель (Чонок – калъадан) ўтиб Оталар (Эгей) денгизига чикади ва Шаркка караб юрувчи пароходларнинг одатда тўхтайдиган манзилларини сайру томоша килади. У Ўртаер денгизига чикиб, Онатулининг Измир, Анталия, Мерсин шахарларини кўради, Искандарун (хозирги Искандрия)да тўхтайди. Ливан (Лубнон)нинг Байрут шахрида бир оз дам олади. У ердан Мисрга якинлашиб Порт – Саидда тушади. Исмоилия, Кохира, Искандария, Ал – Мансураларни зиёрат килиб кайтади. Сувайиш каналидан кечиб Кизил денгизда жанубга караб юради. Йўлда Арабистон ярим оролининг, аникроги Хижоз (хозирги Арабистон) ўлкасининг Жадда портига тушиб карвон билан Маккага боради (1892 йилнинг бахорида). Кейин кайтиб яна пароход билан Кизил денгиздан Бобил – Мандаб бўгозидан Бахри Уммон (хозирги Арабистон) денгизига чикади(1892 йилнинг кузида), Аданни томоша килади. Бу ердан тўгридан – тўгри Хиндистоннинг Бомбай шахрига келади.

Мен тарафдин сўрсангиз кайфияти холат агар,
Колмасин махфи кўнгулда айлайин нахорлар.
Икки ойдурким, келибман Маккадан Бомбайдаман ,
Шодмен алхамдулиллох, кўрмадим озорлар. (“Бомбайдан хат”)

Фуркатнинг Хиндистонда канча муддат турганини катъий айтиш анча кийиндир. Аммо хар холда унинг турли шахарларида бир канча муддат туриб, кўп ходисаларнинг гувохи бўлганини унинг маколаларидан биламиз. Жумладан, Кўхисандиб (хозирги Цейлон ороли), Кашмир вилоятларида бўлади.
Масалан: “Бомбайдан хат”нинг (“Фуркат шоир Бомбай шахридан Махмудхўжага юборган назми ушбудир” деган сарлавха остида) “Туркистон вилоятининг газети”да 1893 йил 30 апрелда босилганини, инглиз мустамлакачи кўшинлари билан афгон кабилалари ўртасида бўлиб турган урушлар хакидаги хабари эса, ўша газетада 1897 йил 23 ноябрда эълон килинганини ва бу хабар Ёркентдан юборилганлигини эътиборга олсак, Фуркат Хиндистонда тўрт йилдан ошик турганини айтишга тўгри келади. Шундан чикдики, Фуркат Хиндистонга бормасдан олдин икки йилни (1891 – 1893 йиллар) Туркия ва Араб мамлакатларида ўтказган.

Фуркат Бомбайдан Дехли, Мирут, Лохур, Гужранвало, Кашмир (Сринагар), Жамма оркали Чин (хозирги Хитой, 1893 йилнинг бошлари) тупрогига ўтиб Хўтанга ва у ердан Ёркентга борган. Фуркат Ёркентда Русия фукароси сифатида хаёт кечирди. Ёркентда хам ўз маърифатпарварлик фаолиятини давом эттириб, Уйгур халки ўртасида хам илм – маърифат таркатиш борасида сохасида кизгин кураш олиб борган. У бутун умри бўйи эзгу ниятлар билан яшаб, ўз орзуларига ета олмай 1909 йил Ёркент шахрида мухожирликда вафот этди.
Хулоса килиб айтадиган бўлсак, Фуркатнинг ўз ватанида, Фаргона водийсида яшаган даври 1870 йилларнинг ўрталаридан 1889 йилгача бўлган даврларни ўз ичига олади. Бу даврда Фуркат асосан, лирик шоир сифатида ижод этади. Фуркатнинг Тошкентда яшаган даври 1889 – 1891 йилларни ўз ичига олади. Фуркатнинг ижодида бу давр маърифатпарварлик гоялари билан характерлидир. 1891 – 1909 йиллар Фуркатнинг чет элларда яшаган давридаги ижодидир. Бу йиллар орасида Фуркат лирик ва маърифатпарвар шоир сифатида асарлар ёзишни давом эттиради. Унинг ижодида ватанпарварлик гоялари асосий ўрин тутади.
Фуркат узок муддат чет элларда яшаган бўлса хам, хеч качон ўз ватанини унутмади. У умрининг охиригача Кўкон, Тошкент, Андижон, Маргилон ва бошка шахарлардаги дўстлари билан хат оркали алока килиб туради; у “Туркистон вилоятининг газети” билан хам ўз алокасини узмади. Унинг шеърлари, маколалари, хабарлари бу газета сахифаларида босилиб турди.

---

**Фуркат хаёти ва ижодини мулокот дарси усулида ўрганиш** (М.Саидахмедова)

Мулокот дарсини ўкитишдан бир хафта аввал ўкувчиларга бир неча топширик берилади. Улар дарс ўтиладиган кунгача топширикларни бажариб деворий газета ва бошка кўргазмали куролларни тайёрлашади. Дарс бошлангунга кадар мавзу ва режани доскага ёзиб кўйилади. Хонанинг бир бурчагига синф деворий газетаси – “Истиклол”нинг Фуркат ижодига багишланган сонини, ўкувчиларнинг шоир ижоди юзасидан ёзган ишларини Фуркатнинг хаёт йўлини ифодаловчи хронологик жадвал, Фуркат портрети, шоирнинг асарлари, у хакида рўзнома ва ойномаларда чиккан маколаларни кўргазма сифатида осиб кўйилди. Дарс куйидаги режа асосида ташкил этилади:
1. Мусикали дакика.
2. Кириш сўзи.
3. Фуркатнинг ёшлик йиллари.
4. Фуркат янги Маргилонда.
5. Фуркат Тошкентда.
6. Фуркат чет элларда.
7. Фуркат ва унинг кўконлик замондошлари Мукимий, Завкий ва Дилшод Барнолар билан мушоираси.
8. Мустакиллик мушоираси.
Мусикали дакикада Фуркатнинг “Сайдинг кўя Бер, сайёд” кўшиги ёзилган пластинка

эшиттирилади. Кейин Фуркатнинг ўзбек демократик адабиётида тутган ўрин хаида сўзлаб, фикр куйидагича якунланади.
Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат ижодининг Айни гуллаган даврида рус генерал губернатори ва махаллий амалдорларнинг тазйики остида Ватанни тарк этишга мажбур бўлди. У киндик кони тўкилган она тупроги мехрига зор бўлиб, ўзга элларда армон билан кўз юмди. Энди сизлар билан Фуркатнинг хаёт йўли хакида фикрлашиб олайлик, деб куйидаги саволларни ўртага ташланади.
1. Фуркатнинг ёшлик йиллари хакида нималарни биласиз?
2. Шоирнинг мактабда ёзган биринчи шеърини ёд айта оласизми?
3. Фуркат ёшлигида кимларнинг асарларини мутолаа килди ва нималарга кизикди?
4. Шоир кайси мадрасада ўкиди?
5. Фуркатнинг Мукимий билан муносабати кандай эди?
6. Унинг чет мамлакатларга кетишига нима сабаб бўлди?
7. Фуркат Ёркентда кандай хаёт кечирди?
8. Фуркат яшаган чет эллар билан мустакил Узбекистоннинг хозирги кунда алокаси кандай?
Болалар саволларга дарслик ва синфдан ташкари ўкиган асарлари юзасидан жавоб беришади. Шундан сўнг Фуркат ва унга замондош бўлган кўконлик шоирлар Мукимий, Завкий, Дилшод Барнолар киёфасидаги ўкувчиларга навбат берилади. Улар бир-бирларига илтифот кўрсатиб, тахта ёнига чикадилар ва диёдор кўришаётганликларидан шод эканликларини изхор этадилар. Шундан сўнг Фуркат киёфасидаги ўкувчи Абдулла Ориповнинг “Фуркат нидоси” шеърини ифодали ёд айтди.
Мен Ватандан кетмаганман
Айрим тушганман холос,
Ажрагандек сув кечганда
Бир нафас жондин либос.
Юрт у ёнда, мен бу ёнда
Ўртада хижрон сели,
Анча кўприк ташламакка
Байтларим бўлди асос.
Ўксиб-ўксиб йигладим мен
Мисли тил билмас гўдак,
Онаизор кўкрагидан
Айрилиб колган бехос.
Мен Ватанда Холмухаммад
Ўгли Зокиржон эдим,
Фуркатий деб ном козондим,
Бунга хижрон иктибос.
Шоирингни ёд этарда ўзбегим,
Сендан ўтинч:
Бир-бирингга кил мурувват,
Бир-биринг багрингга бос!
Сўнгра ўкувчиларга: “Азиз болажонлар, сиз бугун севимли шоирииз Фуркат ва унинг замондошлари билан юзма-юз мулокотда бўласиз” – дейди ўкитувчи. Мулокот ўкувчиларнинг саволлари билан бошланади.
- Фуркат бобо, сиз хорижда яшаганингизда нима ишлар билан шугулландингиз?

- Хиндистоннинг Бомбей шахрига борганимда Мавлавий Икромиддин деган бир саёх билан танишиб дўстлашдим ва иккаламиз Хиндистон вилоятларини кезиб чикдик. Кашмирда бўлганимда Туркистон вилоятининг газетасига хат ёздим ва ватандошларимга шеърий мактуб йўлладим. Кашкар халклари ўртасида маданият, маънавият, маърифат гулшанини барпо этишга интилдим.
- Нима учун шеърларингизда айрилик ва хижрон туйгулари катта хажмни эгаллайди?
- Мен 18 йил Ватанимдан жудо бўлиб, гарибона хаёт кечирдим. Минг афсуски, Ватанимга кайта олмадим. Мусофирчиликнинг изтиробларини гурбатнинг аччик захматини, дарбадарлик ва ёлгизликнинг огир мусибатларини тортдим: Ичим кон бўлди, равон гуссасидин. Бу даврон ичра хижрон гуссасидин. – Нима учун Фуркат тахаллусини танландингиз?
- Бу тахаллусда менинг хаётим, юрак дардларим мужассамлашган. Фуркат – айрилик, фирок демакдир, азиз набираларим.
- Сизнинг бизга кандай тилакларингиз бор?
- Ушбу дамда менинг гариб рухимни шод айлаб турган азиз набираларим сизга ягона тилагим шуки, сиз Ватандан айри тушманг, гарблик кулфатларини кўрманг Ватанни шунчали кўзимизга тўтиё айланг. Бахтингизга Ўзбекистон мустакил бўлди. Бу сизга худонинг инояти Мустакилликни абадий асранг, азизларим. Хоки-пойи узокларда колган мендек гариб бобонгизни холин йўклаб туринг.
- Мавлоно Мукимий, сиз Фуркат билан мулокотда бўлганмисиз?
- Ха, албатта. Фуркат менинг энг якин дўстим эди. Зокиржон дўстларининг кадрини баланд тутар эди. Тошкентдан, чет эллардан кўп мактублар ёзган эди.
- Мавлоно Мукимий, шу мактублардан бирортасини эслай оласизми?
- Ха, у мактубларни эсдан чикариб бўлмайди.
Салом. Эй менга ёру ошонлар,
Кадронлар замин нурзиёлар...
Бихамдиллохки, мандин сўрасангиз хол
Юрубдурман килиб завки сафолар
Салом ибогидин тўртта Мукимо,
Мени сўргонларга айтинг дуолар.
- Завкий бобо! Фуркат бобомиз билан сиз хам якин дўст бўлган экансиз.
-Ха, якин эдик. Зокиржан чет элга кетганида мактублар ёзиб, бир-биримизни йўклар Эдик. Ёркент шахридан ёзган мактуби хамон эсимда:
Тилар эрдим сахар тавфн чаман эсган саболардин.
Саломим еткуриб келтур хабар деб ошонлардин.
Олиб ёдига, сўрмас кимса Зокиржон Фуркатни
Агарчи айтадур доим дуо боди саболардин.
- Мухтарам Дилшод Барно! Сиз шоир Фуркат хакида нималарни биласиз?
- Мен Фуркатни гойибона таниганман, афсуски уни кўриш бахтига муяссар бўла олмадим, бунинг иложи йўк эди. Лекин унинг газалларини жону дилим билан севиб ўкиганман.
Фасли навбахор ўлди кетибсан зимистонлар,
Дўстлар ганиматдир сайр этинг гулистонлар.
Фуркат ва унинг замондошлари билан бўлган мулокотдан сўнг дарс якунида мустакиллик мушоираси ўтказилади.
Шундан сўнг дарс якунланиб, ўкувчилар билими бахоланади.

**Фуркат маънавияти** ( Мукаддас Тожибоева)

Зокиржон Фуркат (1859-1909) киска умри давомида кўп жихатдан ибратли, мукаммал ва марокли хаёт йўлини босиб ўтди, унинг хаёти узун ёки кискалиги билан эмас, балки мазмуни, мохият-эътибори билан кадрли. Фуркат ёшлигидан бошлаб килган тинимсиз мутолааси ва юксак тугма истеъдоди, адабиётга, шеъриятга мухаббати ва садокати билан давр адабий харакатчанлигининг энг фаол иштирокчисига айланди. У ўзбекларнинг илгор маърифатпарвар шоири ва биринчи журналисти бўлди, юкори савиядаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий маколалари билан жамият хаётига фаол аралашди. Бир сўз билан айтганда, Фуркат оташин лирик шоир ва журналист, улкан сайёх ва тарихчи сифатида бой маънавий мерос колдирган йирик сиймо сифатида донг таратди.
Шоир лирик меросининг асосий кисмини газаллар ташкил килади. Мутахассисларнинг белгилашича, газалларининг умумий адади 200 атрофида. Фуркатнинг хар бир латиф газалида соф мухаббат мадхи, бекарорлик ва бевафоликка нафрати, табиатнинг гўзал тасвири ифодаланар экан, ундаги тагмаъно жамият ва хаётнинг кўп масалаларига бориб такалади. Шоир газалларида ички кечинмалар, фикр ва хислар, киши рухининг энг нозик туйгулари ифода этилади, фалсафий- ахлокий йўналиш кўзга яккол ташланади.
Фуркат ўз асарларида комил инсонийликни ва кишининг кадр-кимматини улуглади, миллий гурур ва миллатнинг юксак шаънини химоя килди. “Бормасмиз” радифли газали айнан шу масалада. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур газал мусалсал газалнинг гўзал намунасидир. Яъни тубанда биз тахлилга тортган шеър мусалсал газал талабларига кўра, газал таркибидаги лирик вокеа, манзара, фикр ва кечинмалар сатрлар силсиласида даражама-даража ривожланиб, ўсиб боради. Газалнинг бошланмаси шундай:

Биз истигно эли, кичкирмагон маъвога бормасмиз,
Агар чандики хирман айласа дунёга бормасмиз.

Газалнинг матлаъсиданок шоирнинг мулохазакорликка даъвати сезилади, бутун асар учун етакчи бўлган инсон кадр-кимматини поймол килинишига карши кескин норозилик кайфияти ўз ифодасини топади. Байт мазмунидан, чакирилмаган жойга бормаймиз деган маънони англаймиз. Бирок бу шунчаки гап эмас, ўзига ишонган, ўз гурури ва шаънини баланд тутган, иззати нафс туйгуси юкори бўлган назари тўк “ахли истигно”нинг таклиф килинмаган жойга мол-дунёдан хирмон йигилса-да бормаслик хакидаги катъий карори эди. Факат мол-дунёгина эмас:

Агар лаб ташна колсак, филмасал сахройи оламда,
Малолат зохир этса, мавж уран дарёга бормасмиз.

Яъни: олам сахросида ташналикдан, сувсизликдан лаблар куриб колса-ю олдимиздан

мавж уриб турган дарё чикса, дарёга заррача малол келганимизни билиб колсак, шу дарёга бормаймиз.

Шоир кейинги байтларда матлаъдаги васф этилган "истигно эли" даражадаги камолатга эришган кишиларнинг етуклигини шундай далиллайди:

Умид этгонимиз, аксар саодат бӯтаи хакдин,
Агарчи мис эрурмиз киммати тиллога бормасмиз.

Хамиша лоф урармиз халк аро Фаргона мулкида,
Багоят табъимиз озода деб, хар жога бормасмиз.

Кӯринадики, газалнинг барча байтлари бир-бири билан чамбарчарс боглик, мазмунан бир-бирини тӯлдиради, чукурлаштиради ва далиллайди. Келтирилан байтда хам етакчи гоянинг янги кирралари очилади: асар кахрамонлари харна саодатга эришишда Хакдан ўзгага умидвор эмас, ўзлари "мис" бӯлса-да, "тилла"нинг орзуманди бӯлмайдилар, уларнинг таъби нозик, хар жойга-да боравермайдилар. Айникса, шеърдаги "мис", "тилло" истиоралари лирик кахрамоннинг максадини янада ойдинлаштиради.

Навбатдаги байтда шоир зукко мушохада килади, шоир наздида инсонни маънавий камолати учун тузок бӯлгувчи манманлик ва худбинлик иллати хар кандай инсоний муносабатларга хамиша рахна солиб келган. Улар лойга ботган кибрлилар. Кибрлиларнинг турар жойи эса "маскани аъдо", яъни ёвлар, душманлар маскани. Ва, албатта, бундай масканда "зарофат" – зарифлик, хуштаъблик кай ахволда бӯлиши тайин. Шундай экан:

Хаво лойига ботган манманлик дӯсти худбинким,
Ўшандог кам зарофат маскани аъдога бормасмиз.

Алохида таъкидлаб айтиш керакки, ана шундай маърифий-тарбиявий, фалсафий-ахлокий мавзуни кескин кирраларда жуда таъсирчан ифодалашда Фуркатнинг бадиий махорати ва санъаткорлиги яккол намоён бӯлади. Яъни иккала мисрадаги тасвир ва тавсиф бир-бирига эш ва чамбарчарс боглик. Шоир бунда таносиб санъатининг нодир имкониятларидан фойдаланиб, сабаб ва окибатнинг диалектик таносубига эришади. Биринчи мисра байт мазмунидаги сабабни ифодаласа, иккинчи мисра окибатини англатади.

Шоир мазкур байтдаги зукко мушохадани куйида теран хаётий ўгит билан давом эттиради. Байтда шоирнинг ўзига ва ўзи кабиларга таскин – панд-насихат аралаш мурожаати, хитоби тарзида битилган. Маълумки, тарихда Искандар бекиёс бойлик ва давлат эгаси бӯлган, аммо рихлат килар чогида бу дунёдан хеч нарса олиб кетолмаган. Демак, киссадан хисса шуки, кӯлдаги "гараз дунё", бойлик - булар бари ўткинчи, аммо калб бойлиги инсонни абадий рохатга элтгувчидир. Тубандаги байтда шу панднома таъкид янада катъийлаштирилиб, бӯрттириб ифодаланади, кадрсизланиш холати билан асло келиша олмаслик туйгуси яккол намоён бӯлади, норозилик охангги баралла эшитилади:

Биз эллар – факир элимиз, парча нонга сабр айлармиз,
Гараз дунё учун Искандар-у Дорога бормасмиз.

Байтдаги кўлланган мусажжаъ – ички кофиялар, талмих (машхур тарихий вокеалар, тарихий шахслар, афсоналар, абадий асарлар ва уларнинг кахрамонларига ишора) ва сифатлашлар аник холатда жиддий маънавий вазифани бажаради, гояни таъкидлаб, вокеликнинг мохиятини аник кўрсатади, ўкувчи шоирнинг максадини, фикрини, туйгусини ёркинрок тасаввур килади, шунингдек, шеър оханггига шиддат ва суръат бахш этиб, уни хитоб, даъват даражасига кўтаради.

Нихоят, сўнгги байт, сўнгги нидо. Матлаъда бошланган хитоб, хал килинган карор мактаъгача изчил ривожланди, гоянинг тадрижи якун топди, шоир ўз хукмида катъий колди:

Эмасдур ончи асбоби жахонга фикримиз, Фуркат,
Вале кетгунча жуз андишаи фардога бормасмиз.

Газал мумтоз адабиётимизнинг энг ёкимли ўлчови бўлган "хазажи мусаммани солим" (V - - - / V - - - / V - - - / V - - -) да ёзилган.

Фуркатнинг мазкур газали мохиятан инсон кадр-киммати ва шаънини поймол этилишига кескин норозиликни лирик воситаларда ифодалайди. Ўзбек халкининг миллий рухияти ва миллий гурур-шарафини куйловчи шеър сифатида шоир ижодида мухим ўрин эгаллайди.

---

**Шоир ижодида Ватан ва Ватан согинчи тасвири** (Хошимова М. М.)

Фуркат ўз Ватанини жуда севар эди. Лекин уни айрим шароит Ватанини ташлаб чет элларга кетишга мажбур килади. У ўз ватанида шодлик кўрмагандай, ўзга юртларда хам яхши хаёт кўрмади. Шоир Ватан мухаббатини ва халк кудратини, ўз Ватани табиатини тараннум этувчи шеърлар ёзди.

Адабиётшунос Хомид Расул: "Ўз ватанини эхтирос билан севган буюк шоир ўзининг тугилиб ўсган ерини – Ўзбекистонни согинади, ички кечинмалар, гам, изтироблар ичида яшади" - деб ёзади.

Фуркат лирикасининг мавзу мундарижалари билан танишар эканмиз, уни чин ватанпарвар, ватанни севувчи, ватан мадхини мохирона куйлаган шоир сифатида гавдаланади. Хакикатан хам шоир ватан мухаббатини ва халк кудратини тараннум этувчи, ўз озодлиги учун курашган халкка юракдан кўнгли ачиди ва мадх этди. Ватанпарварлик мавзуси ёнида дўстлик, халкпарварлик каби мавзуларни хам юксак махорат билан куйлади. Шоир ёзади:

Ватаннинг иштиёкин тортарам гурбат гами билан,
Туруб эрдим кутулмай гуссау ранжу иनолардан.
Олиб ёдига, сўнмас кимса Зокиржон Фуркатни,
Агарчи айтадур доим дуо боди саболардин.

Кўринадики, Фуркат ватандан айро яшагани учунми, ўз ватанини бир умр кўмсаб ватан васфини куйлаб ўтди.

У ўз ватани Туркистонни – Ўзбекистонни барча мамлакатлардан устун кўяди, унинг

бетакрор манзараларини шеъриятга мохирлик билан олиб киради. Севимли Ватани табиати тасвирига багишланган кўпгина шеърларида бахор мавсумининг тароватини куйлайди.

Фуркатнинг навбахор, бахор айёми хакидаги жўшкин, эхтиросли газаллари халкнинг аллакачон маънавий мулкига айланган. Шоирнинг “Бахор айёмида”, “Фасли навбахор ўлди” номли газаллари севган юртидаги бахор гўзаллиги, унинг инсон калбида уйготган бой кечинмаларининг тасвиридан иборат. Шоир она юрт табиатини куйлар экан, бахор фаслига алохида тўхталади.

Фасли навбахор ўлди, кетибон зимистонлар,
Дўстлар ганиматдир, сайр этиб гулистонлар.
Субхидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,
Гул уза томиб кам-кам ёгди абри найсонлар.
Настарин ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзни,
Наргис очибон кўзни интизор ёронлар (161-бет)

Фуркат бу шеърида хам табиат гўзаллигининг сехрли куйчиси сифатида кўзга ташланади. Гулистонлар сайри ганимат. Навбахор чехра очди. Эрта тонгда тушган шабнамдан сабзалар яйраб-яшнадилар. Сахар пайти табиат чиройига дил берган кахрамон настарин, ёсуман, наргис гулларининг юз кўрсатишини завк билан кузатади. Момокалдирок гуриллайди. Яшин чакнайди, тоглар ларзага келгандай бўлади. Кумри ва булбуллар нола чекадилар. Гуллар, сарвлар, уларга нозу ишва килиб, улар фигонини янада кучайтирадилар. Хаёт ўзининг рангбаранг чиройи ва сермазмун мохиятини намоён этади. Бу мисоллардан кўринадики, Фуркатнинг хассос калби табиат гўзаллигини чукур сезар, хусусан навбахор навжувонлигидан жуда илхомланар эди. Шоир таъсирли сайрларда мазкур фусункор чирой тасвирини яратди, уни улуглади. Табиат манзараларини куйлаш шоир ижодининг турли даврларига тўгри келади. Шоир ўз газалларида табиат гўзаллигини нозик дид ва рухий кўтаринкилик билан ифодалайди. Ўзининг илгор дунёкарашларига мувофик холда одамийлик, гўзалликни юкори даражага кўтаради.

Ёвузликка карши курашдаги ожизлик ва яккалик шоир калбида чукур гамгинликни вужудга келтиради. Шу гамгинлик Фуркатнинг хар бир шеърида, жумладан, Ватан чиройини куйловчи шеърларида хам ўз аксини топган.

Фуркат лирик шеърларининг каттагина кисмини чет элларда ёзган эди. Она юртдан чикиб кетишга мажбур бўлган ватанпарвар шоир ижодида бу шахсий фожиа чукур из колдирди. Шеърларида Ватан, ватандошларини кўмсаш уларга интилиш, гурбат азобларидан нолиш, ўзини гариблигидан нолиш, ёлгизлик ўз ифодасини топади. Ватан ва гурбат мавзуси шоирнинг “Кашмирда”, “Рўмолли киз хикояти” шеърларида, чет элдан ёзган мактубларида кенгрок тасвирини топган. Айникса “Адашганман” радифли газал ва мухаммасларида ватандан адашганлик ва гурбат мавзуи чукур ишланганини гувохи бўламиз.

Шоир “Адашганман” радифли газалига богланган иккинчи мухаммасда гурбат мотивларини кўпрок лирик либосда ишлашга харакат килиб, анъанавий лирик образларга мурожаат килади, Ватан диёр тушунчасини ёр, маъшука образларида тасвирлайди. Гурбат, гарибликни хижрон, хажр ўти билан алмаштиради.

Килиб ёд ўтган умримни чаман оби равонидин,
Мухаббатномаларни ёд этиб савсан забонидин.
Тикан захмини англаб гунчани конлиг дехконидин,

Ўкуб гул дафтарини бир варак фасли хазонидин.
Жахон богида булбулдек фигонидин адашганман.
(243-бет)

Шоир нихоятда чукур, сермазмун ва таъсирли образ яратади.

Шоир мухаммасларда ўз хис-туйгуларини, ватандан жудоликдаги ички фигонини, гариблик азоб-укубатларини согинч-интилишларини хаяжон ва таъсирчан ифодалайди. “Адашганман” радифли газалини, мухаммасларини бир томондан автобиографик дейиш мумкин.

Киши холини билмас мехрибонидин адашганман,
Ватан оворадурман, бўстонидин адашганман.
Ватансиз бенаводурман, маконидин адашганман,
Гариби куйи гурбат-хонумонидин адашганман.
Ва ё бир мурги вахший-ошёнидин адашганман.
(241-бет)

Ўз ватанини хаддан ошик согинган, ошёнидан айрилган, ватансиз бенаво, гурбатда колган гарибликни бошидан кечирган, айриликдаги рухиятини батафсил ифодалайди. Шеърлари ўкувчилар калбидан чукур ўрин олган. “Ватан овораси”, “Гурбат кўчасида колган гариб”, “Ватансиз бенаво” шоир Ватандан жудоликни ўзига хос образли ифодалайди. Мухаммасларнинг асосий мавзуси ватандан айрилишнинг азоб-укубатларини атрофлича ёритишдир.

Хуллас, маърифатпарвар шоир ўз Ватанининг гуллаб-яшнашини бутун вужуди билан истаган, лекин бу Ватандан абадий жудо бўлган ватанпарвар сифатида халкимиз калбида яшаб колади.

---

**Шоир мухаммасларининг мавзу доираси**. (Муродова У.)

Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат XIX асрнинг иккинчи ярмидаги адабиёт тараккиётида мухим роль ўйнади. Унинг ижодида лирик шеърлар катта кисмни ташкил килади. Шоир лириканинг турли жанрларида ижод килди. Мухаммас жанрида яратган асарлари бир кисмни ташкил килади. “Фуркат лирикасида табиат манзараларини мухаббат, хаётий ишк билан богланган холда тасвирлаш Фуркат лирикасининг энг яхши хусусиятларидан биридир”,1- деб ёзган эди фуркатшунос Холид Расул.

Фуркат ўз шеърларида мехнаткаш халкнинг фикр-хисларини, орзуларини интилишларини акс эттирган лирик шоир эди.

Фуркат шеъриятида хасрат нолиш мотивлари хам мавжуд. Бу мотивлар эса шоир билан ижтимоий мухитнинг ўзаро келишмовчиликлари натижасида тугилган. Маълумки, Фуркат яшаган тарихий даврдаги мустамлака куллиги, ижтимоий адолатсизликлар, шоир мухаммасларида ўз ифодасини топади. Шоир хар кадамда унинг умидлари зарбага учраб турганини кўради. Натижада, шоир поэзиясида жумладан мухаммасларида хам нолиш, хасрат ва шикоят мотивлари ўрин олади.

Унинг “Бири”,“Этмадим”,“Бу нечук савдо”, “Истар кўнгул”,“Киши холини билмас”, “Адашганман”, “Ўзингсан”, “Кўруб”, “Дўст”, “Васл орзуси”, “Садкаси”, “Кавлама” каби мухаммаслари шулар жумласидандир.

Бу асарларда шоир билан уни ўраб турган ижтимоий мухит ўртасидаги келишмовчиликлар натижасида тугилган рухий кечинмалар ўз ифодасини топган.

Фуркатнинг кўп шеърлари ўз замонининг реалистик, хакконий асарларидир. Шоир ўз шеърларида вокеликни хакконий акс эттиради. Шоир мухаммаслари ичида унинг устозлари Алишер Навоий, Фузулий ва Машраб газалларига хам мухаммас боглагани кўзга ташланади. Улуг устоз Навоий газаллари Фуркат учун бадиий махорат мактаби эди. Кўринадики, Фуркат шеърияти Навоий ижодининг таъсири билан сугорилган. Фузулий услуби, тилида шеър ёзиш ўзбек шеъриятида анъанага айланиб кетган. Ушбу анъана Фуркат ижодида ўз аксини топган. Унинг ижодида катта ўрин тутган хасрат ва шикоят мотивлари “Бири” сарлавхали машхур мухаммасида хам яккол кўзга ташланади.

Шоирнинг “Бири” номли мухаммасида одамлар ўртасида мехр-окибат йуколганини акс эттиради. У мухаммасда хаксизлик ва адолатсизликдан шикоят килади:

Дахр аро мен чекмаган жабру жафолардан бири,
Колдиму хам кўрмаган дарду балолардан бири,
Айласам зохир агар, ул ибтидолардан бири.
Токат этмас дарди ишкка мубталолардан бири,
Шархи гам килса, кани багри адолардин бири…
… Бир сари бечоралигдин кечалар бедор эдим,
Бир сари эл таънасидин сийнаси афгор эдим,
Чора топмай бу иковга зохир хам ночор эдим,
Алгараз доим бу кайгулар ила бемор эдим,
Хамдамим эрди… кахраболардин бири.

Кўринадики, Фуркат поэзиясидаги нолиш, хасрат, гурбат килиш холатлари унинг мухаммасларида хам акс этган.

Шоир мухаммасларида лирик кахрамон жамиятнинг эзилган таъкиб остига олинган табакасининг типик намояндаси сифатида гавдаланади. Шоир ўзини хам шу табаканинг вакили деб санаб, ўзини мехнаткаш халкка якин тутади, уни ўзига дўст деб билади.

Мунисим – толе забунлар, ёр-бахти каролар,
Хамдамим – тиги аламдин сийнаси садпоралар,
Гамгусаримдур – балийят даштида оворалар,
Махрами розим ўлуб мотамсаролардин бири (248 - бет)

Мазкур мисралар мухим ижтимоий мазмунни бадиий ифодасидир ва етуклик намунасидир.

У чет элда юрганда хам ватанини, ўз халкини унутмади. Ёркент иккинчи ватанига айланиб колган бўлса хам, Фуркат ўзини гурбатда хис этди. Ўз ватанини эхтирос билан севган буюк шоир ўзининг тугилиб ўсган ерини – Ўзбекистонни согинади, ички кечинмалар, гам, изтироблар ичида яшади. Хоким гурухлар уни ватанига

кайтиш йўлларини хам тўсиб кўйган эди. Чунки у бир неча бор хукмдорга Ўзбекистонга кайтишга рухсат сўраб мурожаат килган эди, лекин хар гал унинг илтимоси жавобсиз колган эди. Шунинг учун хам гурбат мавзуси шоир ижодида кўпрок куйланган. Бу жихатдан унинг “Адашганман” мухаммаси характерлидир. Мухаммасда шоирнинг ўз ватани хакидаги чукур хис-туйгулари махорат билан ифода этилади.

Манам шўрида булбул бўстонимдин адашганман,
Юзигул, комати сарви равонидин адашганман,
Дилим хажри-ла кондур дилистонидин адашганман
Ваё бир мурги вахший ошёнидин адашганман.
Кадимни хам кўронлар ишк бори мехнати дерлар,
Танимда нотавонлик боиси гам хасрати дерлар.
Каёнда бўлса бир гурбаткашида улфати дерлар,
Замона ахли мухлис, бу сабабдин Фуркатий дерлар,
Неча йилдур бир ошуби замонидин адашганман. (243-244-бетлар)

Фуркат гурбат мотивида ва ватан мухаббатига багишланган асарлари билан адабиётимизни бойитди. Шоирнинг мухаммасларида ижтимоий мазмун устунлик килади.

Шоир ўзи яратган “Адашганман” радифли газали асосида мухаммаслар яратди. -Киши холимни билмас, мехрибонимдин адашганман,- мисраси билан бошланувчи мухаммас яратилади. Фуркат адабий меросида га-
риблик оханглари шу кофия шу радиф, шу вазндаги
-Менам шўрида булбул бўстонидин адашганман,- мисраси билан бошланувчи яна бир мухаммас яратилади ва унда аввалги мухаммасдаги фикр давом эттирилади. Шоир Ватанни кумсаш мавзусида ёзган бу мухаммасларига “Адашганман” радифи муваффакиятли чиккан.

-Киши холимни билмас, мехрибонимдин адашганман,- мисраси билан бошланган мухаммас гоявий бадиий етуклиги билан алохида ажралиб туради. Ушбу мухаммасда Ватанни улуглайди, уни мукаддас деб билади. Фуркат она юртни “мехрибон, дўстон, макон, хонумон, ошён” деб атайди.

Ушбу мухаммасларда шоирнинг лирик кахрамоннинг калб сўзлари ифодаланади. Шоир айриликнинг рухий азоб-укубатини ишонарли тасвирлайди. Лирик кахрамон кўринишда тирик бўлса хам аслида сuврат каби жонидан адашган шахс сифатида гавдаланади:

Кезиб дашти биёбон бахру барлар йигласам, тонг йўк,
Тўкуб ёш ўрнига кўздин гухарлар йигласам, тонг йўк,
Маломатзохир этманг, хамсафарлар, йигласам, тонг йўк.
Чекиб булбул каби афгон сахарлар йигласам, тонг йўк.
Ки, келди фасли гул, мен гулистонидин адашганман.

Фуркат ўзбек шеърияти тарихида ватанпарварлик туйгусини чукур самимият билан куйлаган шоирлардан эди.

Шоир мухаммасларида мухаббат мавзусига хам мурожаат килади ва оригинал мисралар яратади. Фуркатнинг “Ўйнабтулар”, “Бу нечук савдо”, “Ўзингсан”, “Кўруб”, “Васл орзуси”, “Садкаси” каби мухаммасларида ёр васли, унинг малохати, ибоси гўзал мисраларда ифода этилади:

Кўнгулда орзуйи васли ул олийжаноб айлаб

Ётиб эрдим фирок андухи жонимга азоб айлаб,
Баногох гул юзига, сунбули зулфин никоб айлаб,
Тун окшом келди кулбам саригул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин юз уза тердин гулоб айлаб. (254-бет)

Шоирнинг "Бу нечук савдо" мухаммаси калбидаги аламли туйгулар изхори билан тўлиб-тошган. Мазкур мухаммасда бахтсиз севги азоблари ва аччик кисматдан нолиш оханглари коришиб кетган. Аммо замон ва такдирдан норозилик овози, шоирнинг бахтсиз мухаббат ва бевафо ёрдангина эмас, балки зулм, нохаклик, ёвузлик тўла даврдан шикояти тўла эшитилиб туради.

Биродарлар, мени бошимга тушган бу нечук савдо,
Карорим йўк, куюн янглиг на менда манзилу маъво,
Биёбони такай юртда колибмен волау танхо,
На ёру хамдамим бордур, на кўлда хосилу дунё,
Замона пурхатар, душман ададсиз, дўст бепарво.

Ушбу мисраларда Ватан, она ердан махрум бўлиб, куюн сингари тентираган, хеч кими йўк, танхо, сахрода адашган бир бенавонинг образи кўзга ташланади:

Унинг на ёру хамдами, на бирор якин хамдами бор
Унинг учун замона хавфу хатарга тўла, душманлари кўп,
дўстлари эса бепарво.

Шоир мухаммаслари оркали нигор чиройи, унинг фазилатлари ва хаётдан бахраманд бўлмокка чакиради, замонанинг жафоларидан шикоят килади.

Хуллас, Фуркат мухаммасларида хаёт ва ёр гўзаллиги, ватанпарварлик, юртни согиниш мавзулари ўз ифодасини топди.

---

**ШОИР ФУРКАТ ЗИЁРАТГОХИ** (Нодирбек Абдулахатов)

Фаргона водийсидаги мавжуд мукаддас зиёратгохлар Марказий Осиёдаги ислом дини тарихини ўрганишда хам мухим тадкикот объекти бўлиб хизмат килади. Шу боис мукаддас зиёратгохлар тўгрисидаги тадкикотлар ўзбек халкининг анъанавий маданиятининг тарихий асослари, тараккиёт йўллари хамда тенденцияларини ойдинлаштириш билан биргаликда ўша халкнинг турмуш тарзини якиндан ёритишга хам кўмак беради . Кейинги йилларда тарихшунослик фанида халкларнинг анъанавий маданияти, урф-одатлари хамда маросимларини ўрганишга эътибор кучайганлигининг сабаби хам шунда. Жумладан, 2002–2007 йилларда Япониянинг "Нара Ипак йўли Тадкикот Маркази" ва "Тойота" фондининг хомийлигида "Марказий Осиёдаги исломий мукаддас жойларни ўрганиш" (Фаргона водийси мисолида) номидаги илмий лойихаси бўйича Фаргона водийсида олиб борилган тадкикотлар фикримизнинг яккол далилидир.

Бу ўринда М. Савада (Тойама университети), Ш. Ясуши (Чуо университеи), Я. Кавахара (Япония илмий тариккиёти жамияти) ва Ж. Сугавара (Токио университети) сингари бир гурух япон олимларининг Ўш, Жалалобод (Киргизистон), Сўгд (Тожикистон) Фаргона,

Андижон, Наманган (Ўзбекистон), Кашкар (Хитой) сингари вилоятлардаги юздан ортик мукаддас зиёратгохлар ва улар билан боглик мозор хужжатларига доир тадкикотларини кўрсатиш мумкин.
Япониялик тадкикотчиларнинг мазкур сохада Фаргона вилоят ўлкашунослик музейи билан олиб борган тадкикотлари натижасида “Ўрта Осиёдаги ислом оид мукаддас жойларни тадкик килиш: Фаргона ва Кашгар” номли Фаргона водийсидаги зиёратгохларга доир маколалар тўплами, хамда уч жилдик “Синьцзян ва Фаргонада топилган мозор хужжатлари (факсимеле)” нашри чоп этилди .
Фаргона водийсидаги мукаддас зиёратгохларни тадкик этиш чогида уларни айримларининг тарихи бевосита Шаркий Туркистон билан боглик эканлиги бизни Кашкар вилоятидаги мукадддас мозорларни хам тадкик этиш зарурлигини кўрсатди. Шу сабабдан 2006 йилнинг август ойида Тойота фондининг хамкорлигида япониялик бир гурух олимлар билан Хитой Халк Республикасининг Синьцзян (Шингжон) Уйгур автоном районининг Кашкар вилоятига халкаро илмий экспедиция ташкил этилди.
Тарихий жихатдан дини ва турмуш тарзи азалдан жуда якин бўлган Фаргона ва Кашкар халкларининг мукаддас зиёрагохларида хам умумий ўхшашликларни кўрамиз. Масалан, Етти азизлар, Корасокол ота, Кўчкор ота, Терак мозор, Ок мозор, Кўктўнлик ота, Лангар мозор, Шахид мозор сингари зиёратгохлар шулар жумласидандир. Чунки Фаргона водийси ва Кашкар вилоятида хам айнан худди шундай ном билан аталувчи зиёратгохлар бизнинг давримизга кадар сакланиб колган. Хозирги кунда Кашкар вилоятида марказий Кашкар шахридан ташкари 11 та нохиялар бўлиб уларда 100 дан ортик зиёратгохлар мавжуд. Кашкар шахрининг ўзида Султон Кутлук Хасан Юсуф Буграхон, Арслонхон, Юсуф Хос Хожиб, Килич Буграхон, Офокхўжам, Зулайхобегим, Шом Пошшо, Имом Раббоним, Динг кулок мозор, Кора сокал ота сингари машхур зиёратгохлар жойлашган. Улар ичида албатта Офокхўжам зиёратгохи хакида тўхтаб ўтиш лозим. Бинобарин, ўтмишда Кашкар ва Фаргона водийси халкларини Офокхожага нисбатан юксак эхтиромлари туфайли унинг мозорини хаж зиёрати олдидан зиёрат килиш аънавий одатлардан бири бўлиб колган эди. Алалхусус ўша давр ёзма манбаларида хам бу хол ўз ифодасини топган . Жумладан, Ёркент Кашкарнинг кўхна зиёратгохларга бой шахарларидан бири хисобланади. Бу ерда Абдурахмон вонг, Мирзо Мухаммад Хусайн Хакимбек, Етти Мухаммад, Мухаммад Шарип, Юсуф вонг, Бузрукворим, Мирзо Хайдар Кўрагон, Олтинхон сингари зиёратгохлар мавжуд бўлиб, улар ичида биз албатта хамюртимиз шоир Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркатнинг зиёратгохи тўгрисида тўхталиб ўтамиз.

Ўзбек халкнинг севимли шоири Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркатнинг зиёратгохи Ёркент(Ёрканд)нднинг Гулбог кишлогини Терибог махалласидаги “Ўзбеклар мозори” деб аталувчи кабристонида жойлашган. Бу хакда уйгур олими Одил Мухаммад Туроннинг “Кашкардаги кадимги излар” номли китобида куйидаги маълумотлар келтирилган: “Фуркат кабргохи. Бу кабргох Ёркандning Гулбог кишлоги Тийрабог махалласида жойлашган бўлуб жугрофий жихатдан ўрни шаркий мердиан билан 77015/31// билан шимолий параллел 38025/2// га тўгри келади. Кабргох жойлашган ўрнинг теварак атрофида жамоат кабристони бор. Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат – ўзбек ва уйгур халклари орасида таъсири улуг бўлган классик шоирлардан бири. У 1858 йили Кўкон шахрида тугилган. 1896 йили Ёркандга келиб ўтроклашиб колган. Кейинги кунларини мана шу ерда ўтказиб 1909 йили Ёркандда вафот бўлган” . Албатта бу маълумотлар

ўкувчига етарли эмас деб ўйлаймиз ва шу ўринда Фуркатнинг Ёркентдаги фаолияти тўгрисида мухтасар маъулумот бериб ўтсак.

Маълумотларга кўра, Фуркат Ёркентда 16 йил яшаган. Унинг айнан Ёркентда яшаб колганлиги сабабини Кўкондаги дўстларига ёзган мактубларининг бирида ўз ифодасини топган. Мактубда айтилишича, Ёркентнинг табиати, унинг об-хавоси хам Кўкон ўхшаган бўлиб, ёркентликларнинг хушчакчак ва мехмондўстлиги Фуркатни ўзига ром этган. У Ёркандда яшаган кезлар умрини кишиларни саломатлиги йўлига бахшида килган. Фуркат бу ерда илми нужум ва табобат илми билан шугулланиб одамларни бепул даволайди. Маълумотларга кўра, Ёркентнинг йирик бир амалдори хам Фуркат берган доридан шифо топганлиги учун унга махсус мулк хам ажратиб берган экан. Унинг хур доим озода ва тоза кийингалиги учун ёркентликлар орасида “Кўгирчок афандим” номи билан хам танилганлиги хакида маълумотлар учрайди. Кейинчалик Фуркат1909 йили куз фаслида касаллик туфайли 51 ёшида вафот этган. Фуркатнинг кабри дастлаб Ёркентнинг эски шахридаги Донгдор деган махаллада бўлган.
1957 йили Фуркатнинг кабри шахарнинг шимол тарафидаги бохаво яхши жойга, хозирги “Ўзбеклар мозори” кабристонига кўчирилган. Шундан сўнг шоир кабрига гумбазли макбара барпо килинган. Зиёратгох битказилгач Ёркент ахолиси иштирокида катта йигилиш хам ўтказилган. Тез орада унинг кабри зиёратгох сифатида машхур бўлиб кетган.
Афсуски кўркам ва баланд килиб барпо килинган ушбу макбара 1963 йилда юз берган “маданий инколиб” пайтида бузиб ташланган. Ачинарлиси шундаки, нафакат шоир макбараси бузилибгина колмай, унинг ўгиллари ва набиралари хам таъкиб остига олинган. Фуркатнинг кўлёзма асарлари эса ёкиб юборилган. Шундан сўнг Фуркат ижодини ихлосмандлари шоир кабрини бошкалардан ажралиб туриши учун алохида бир тахтачага Фуркатнинг каерда тугилганлиги ва исмини ёзиб кўйишган.
Ёркент ахли Фуркатга нисбатан бўлган юксак эхтиромлари сифатида 1991 йили Фуркат кабрини яна кайта тикланганлар. Орадан хеч канча ўтмай Фуркатнинг янги макбарасининг зиёратига мустакил Ўзбекистонимиздан зиёратчилар кела бошлаганлар. Чунки макбара ичига кирган чогимиз бир гурух ўзбекистонликлар номидан кўйилган гулларни кўриб кўнглимиз тогдек кўтарилди. Макбара ичидаги деворларга шоирнинг газалари, жумладан:

Олиб ёдига, сўрмас кимса Зокиржон Фуркатни,
Агарчи айтадур доим дуо боди сaболардин,

деган мисралар билан тугалланган “Ёрканд шахридан Тошболтуга хат” номли мактуби хам туширилган. Афсуски экспедициямизнинг вакти чегараланганлиги туфайли Фуркатнинг Ёркентдаги авлодлари тўгрисида маълумотлар олиш имконияти бўлмади. Бинобарин, хар бир зиёратгохни атрофлича ўрганиш учун бир неча ой эмас балки йиллар керак бўлади. Шундай бир неча кун мобайнида ўнлаб зиёратгохлар тўгрисида факатгина айрим маълумотларни тўплаш мумкин холос. Ушбу холатни назарда тутган холда Кашкар зиёратгохларини ўрганиш бўйича уюштирилган халкаро экспедиция аъзолари сафар натижалари ўтказилган йигилишда келгусида Ўзбекистон ва Хитой олимларининг ўзаро хамкорликда мукаддас зиёратгохлар бўйича мунтазам равишда олиб борилажак тадкикотлари тарихимизнинг бизга номаълум сахифаларини очишда

катта ахамият касб этади деган якуний хулосага келдилар. Зеро, мазкур мавзу билан боглик тадкикотлар давом этиши шубхасиз. Чунки Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат сингари улуг аждодларимиз номи билан боглик мукаддас жойлар, уларнинг хаёти ва ижодига бўлган эътибор халкларимиз ўртасида сўнмас экан, келажакда бундан-да камровли макола ва кизикарли рисолалар ёзилаверади, албатта.

---

**Фуркатнинг “Туркистон вилояти газети”да  босилган мактуб ва маколаларида ўзлашма сўзлар** (Н. Соатхўжаев)

Мумтоз адабиётимизнинг йирик вакилларидан бири Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат (1858-1909) ўзининг ижоди билан ўзбек адабиёти ривожига муносиб хисса кўшган маърифатпарвар шоирлардан биридир.

Фуркат яшаб ижод килган даврда ўзбек халки хаётида кўплаб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар рўй берган эди. Бу давр ўзбек адабий тили хам муайян ўзгаришларни бошидан кечирди. Бунда ўзбек шоирлари Фуркат, Мукимий, Аваз Ўтар, Завкий кабиларнинг улуши каттадир. Улар ўзбек адабий тилини форс-тожик, араб хамда рус тилларининг грамматик шакллари ва лексик унсурлари билан бойитдилар.

Маърифатпарварлик, илмга интилиш, Ватанга, хаётга мухаббат гояларини улуглаш каби шеърлари билан шухрат топган шоир Фуркат хам ўз ижодида чет тиллари унсурларидан унумли фойдаланганини кўриш мумкин. Бу холни унинг турли мавзулардаги шеърларида, “Туркистон вилояти газети”да босилган публицистик маколаларида яккол кўриш мумкин. Фуркат ўзбек шоирлари орасидан чиккан биринчи публицист адиблардан бири хам хисобланади.

Фуркат ўзга халклар хаёти билан танишиш, дунё кезиб уни билиш ва саёхат килиш максадида чет эл сафарларида бўлди. 1891 йилдан бошлаб шоир Туркия, Болгария, Юнонистон, Миср ва Арабистон каби Оврўпа ва Шарк мамлакатларида бўлди. Бомбай(Хиндистон)дан Кошгарга ўтади ва ундан сўнг Ёркент шахрига келиб, такдир такозоси билан умрининг охиригача шу ерда тургун бўлиб колади.

Чет элларда юрганида у дўстлари, шеърият ахли вакиллари билан хамиша мактублари оркали мулокотда бўлди. Шоир “Туркистон вилояти газети”га Истанбул, Самарканд, Ёркент, Бомбайдан макола ва хабарлар юбориб турган ва улар газетада чоп этиб борилган.

Фуркатнинг мактуб ва маколалари турли мавзуларда бўлиб, улар ўзига хосдир. Уларда ўша давр учун янги бўлган сўзлар, иборалар кўп ишлатилган. Масалан, Истанбулдан юборилган мактубида станция, вокзал, старшина, конверт, телеграм, почтахона, газет каби русча байналмилал сўзларни ишлатди. Поездни “Оташ ароба” деб атаган. Шоирнинг ижодида рус тили ва у оркали ўзлаштирилган сўзлар микдори анчагина. Россия томонидан ўлкамизнинг босиб олиниши натижасида турмушнинг турли сохаларида янгиликлар пайдо бўла бошлади. Бу хам ўзбек тили лексикасининг турли янги сўзлар билан бойишига сабаб бўлган. Гимназия, закун, акт, виставка, зал, театр, билет, мошина, бал, зовут, рапорт, генерал губернатор, военний губернатор, подполковник, градус,

редакция, саёз(русча “Съезд” сўзининг бузилган шакли) сўзларини шоир ўз ижодида ишлатган.

Макола ва мактубларнинг барчасида форс-тожик, араб тилларидан ўзлаштирилган сўзлар жуда кўплаб учрайди. Ёшлик пайтларидан форс-тожик шоирларининг ижоди билан яхши таниш бўлган шоир ўзининг асарларида бу тиллардан ўзлашган сўзларни, ибораларни турли максадларда кўллаган. Форс-тожик тилидаги феъл ўзакларидан ташкил топган сўзлар катламига куйидагиларни мисол килиб келтириш мумкин: рафт-омад – борди-келди, хариду-фўрухт – олди-сотди, жўстужу – кидириш, гўфтўгу – гаплашиш, сухбат, гузориш – ўтиш, сипориш - топширик кабилар. Форс-тожик тилига хос изофий бирикмали сўз ва ибораларга мисоллар: махрами асрор – сирдош, каломи мухтасар – гапнинг кискаси, андалиби хуш илхон – хушовоз булбул, боди сабо – тонг шамоли, ахбори дохилия ва хорижия – ички ва ташки хабарлар, ахли ислом – мусулмонлар; оддий сўзлар: чобукдаст – чаккон, эпчил, нахустин – аввал, биринчи, душвор – кийин, мураккаб, кўшиш – интилиш, паём – хат, нома кабиларни келтириш мумкин.

“Туркистон вилояти газети”да босилган мактаб ва маколаларда арабча сўз ва араб изофали бирикмаларидан хам шоир унумли фойдаланган. Унда сойир ун-нос – бошка киши, ўзга, кадим ул-айём – кадим замонлар, байт ул-макар – тўхташ жойи, кароргох, вожиб ул-катл – ўлимга махкум, толиб ул-илм – илм талаб килувчи, фил жумла – жумладан, алассабох – эрталаб каби “ал” аниклик артикли билан келган сўзлар учрайди. Шунингдек, араб тилига хос бўлган кўплик шакли “синик” кўплик шаклидаги сўзлардан хам кўплаб мисоллар келтириш мумкин: тужжор – савдогарлар, хужжож – хожилар, авкот – вактлар, агниё – бой кишилар, акноф, атроф – томонлар, тарафлар ва бошкалар. Форсча, арабча сўзлар катлами мумтоз адабиётимизнинг ажралмас кисми бўлиб келганлиги боис бу холат Фуркат ижодида хам ўз аксини топган.

Хулоса килиб айтганда, Фуркат ўзининг шеърлари, хабар ва публицистик маколаларида чет тиллардан кириб келган сўзлардан кенг фойдаланган. Унинг асарларида туркий халклар учун умумий бўлган сўзлар ва бошка тиллардан кирган ва ўзлашиб колган сўзлар кўп. Фуркатни ўзбек адабий тили ривожига ва уни янги сўзлар билан бойитишга катта хисса кўшган адиблардан бири деб хисоблаш мумкин.

---

**Фуркат ижодида ишк мавзуси** (Н. Холматова)

Миллий уйгониш даври ўзбек адабиётида ўзининг ижоди билан катта ўрин тутган ижодкорлардан бири Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркатдир. Шоир ўз ижоди давомида кўплаб лирик шеърлар, газаллар мухаммаслар, мусаддаслар яратди. Хижрон изтироблари барк урган шеърий мактублар хам ахамиятли. Шоир ўзбек адабиётида хаётий лириканинг ривожланишига баракали хисса кўшган ижодкордир.

Фуркат ўзи яратган асарларининг мазмуни ва жанр хусусиятлари хакида сўзлаб: “Ишк тавсифи ва хусн таърифида газал машк айлаб ва гохи кадимий шуаролар девонларидан бир шўх газални топиб анга хар кайсимиз алохида мухаммас “боглар эдик” , - деб ёзади.

Лирика шоир ижодий меросида хажман катта.
Фуркат ижодида газаллар кўп ўрин эгаллайди. Унинг юксак бадиий даражага кўтарилган газаллари маълумки, уларнинг хар бир байти бир бадиий кашфиётдир. У шоирона тафсиллар билан иш кўриш, хар бир байтда, янги фикр ифодаланиши Фуркат газалларининг фазилатидир. Шоирнинг айрим газалларида маъшука ташки сиймосининг сехрли тасвири берилади.
Фуркат лирикасининг табиатини, ундаги етакчи йўналишларни белгилашда ундаги етакчи йўналишларни белгилашда “Касида айгил ўшал дилдорга”   деб бошланадиган газал алохида ўрин тутади. Ушбу газалдаги ишк факат мажозийгина бўлмай, илохий хусусиятга хам эгадир.
“Касида, айгил ўшал дилдорга,
Бир тараххум айласун мен зорга”
Шоир иккинчи байтда у маъшуканинг рахм-шафкатига зор эканини ёзади.
Тушти савдойи жудолиг бошима
Юрмишам расво бўлуб бозорга”
Жуда содда сўзлардан иборат бўлган бу мисраларда теран мазмун яширинган. Чунончи, “савдойи жодолиг” сўзлар Оллохдан айриликни “бозор” эса дунёни англатади. Бу жудоликка ошик расволиги сабабдир.
Яратгандан жудолик ошик “расво”лигига сабабдир, деган хулосага келади. Кейинги байтда шоир ўз холатини ўзгалар назари билан бахолайди. Шоир ўз газалларининг мавзуси, характери ва максади хакида сўз юритар экан, куйида мисраларни ёзишга хакли эди.
Эй мухаббат ахли рамзи ишк фахм айлай десанг,
Ёзилган куни жигардин, Фуркат, ашъоримга бок.
Фуркатнинг лирик шеърларида хаёт ва унга мухаббат жўшкинлик билан сугорилган
У “Ул каро кўз...”, “Сўрмадинг кўзлар каро”, “Юзларингдин шарм этиб”, “Бир камар сиймони кўрдим”, “Фасли гулдур”, “Чиройлик”, “Истар кўнгул” каби шеърларида хароратли ошик, гўзал махбуба образларини яратган.
Шоир лирикасига хос энг яхши жихатлар унинг “Чаман сахнида дерлар сарв бирла ёсуман нозик”  сатри билан бошланган газалида хам кўринади.
Мазкур шеърда маъшуканинг факат бир сифати – нозиклиги тасвирланади. Шоир ташки томонни кўрсатиш лозим бўлган восита ёрдамида маъшуканинг ички дунёсини акс эттиради. У маъшука нозиклигини сарв билан киёслайди.
Кийими юпкалигини гул нозиклигига ўхшатади. Газалнинг тўртинчи байтида бевосита маъшуканинг ўзидаги бир дунё нозикликларини кўрсатишга багишланади.
“Камолингдин халоват топмоги жонларни ондинким,
Дахон нозик, забон нозик, ки лаб нозик, сухан нозик”
(101-бет)
Шоир кейинги байтларда кашу кўзнинг бир-бирига монандлигини гўзал воситалар оркали ифода этади.
Шоирнинг “Кошки” газали мухаббат мавзусидаги бошка шеърларига караганда анча умидбахш асарлардан. Бу асарда ёрдан нолимок эмас, у берган азобларни санамокчи хам эмас, балки хаёлан бўлса хам, ёр билан хаёт кечириш мумкин бўлган фарахбахш лахзаларни акс эттиради,
“Кошки бир ерда бўлсак эрди жонон иккимиз
Кўзи шум агёрлардин анда пинхон иккимиз”

(82-бет)
Шоирнинг бу шеъри олдинги шеърларидан фарки бўлиб, даврон маъшукага хам вафо килмайди. Шунинг учун хам давр келтирган жафолардан кутилиш хар иккови учун хам заруриятдир.
“Хар замон даврон жафосидин килибон бода нўш
Мастликдин айласак кайгуни яксон иккимиз” (82-бет)
Шоир тасвирни маромида беради, унинг хаётийлигига кўпрок эътибор бергани кўринади. Фуркат мазкур шеъри билан сўз санъаткори эканини яккол кўрсатди.
Фуркат “Ул каро кўз...”деб бошланадиган газали тасвир махорати жихатидан шоирнинг энг сара асарлари каторидан ўрин олган. Газалда шоир севги билан боглик холда ижтимоий масалаларни хам куйлайди. Газалнинг дастлабки бандларида гўзал ёр суврати, унинг кора кўзлари тавсифи билан бошланади. Бу гўзалнинг кора кўзларига сурма тортмоклик не хожат. Улар шундай хам коп-кора. Гўзалнинг кўзлари тасвири кейинги байтда хам давом эттирилади. Шу ўринда шоир кам кўллайдиган истиорадан фойдаланганлигини кўриш мумкин.
Иккала кўзнинг коралиги туфайли шоир уларни кора хинду болага ўхшатади. Сўнг кайрилма кошлар тасвири берилади. Гўёки, икки хинду болалар ёнма-ён туриб ёй тортмокдалар.
Ул каро кўз кўзларига сурма бежо тортадур.
Балки ундин дахр эли ортикча гавго тортадур,
Кошлари остида гўё икки фатан кўзлари
Икки кошу баччадурким, ёндошиб ё тортадур
Шеърдаги образлар тизимининг бир-биридан келиб чикиши ва бир-бирини такозо этиши ажойиб бадиийлик хосил килган.
Шоир тажниси сўз имкониятларидан усталик билан фойдаланади.
Фуркат анъаналарни янги боскичга кўтара олди ва шу билан хам лирик истеъдодини юкори боскичга кўтара олди. Мазкур шеърда маъшуканинг факат бир сифати-нозиклиги тасвир этилади.
Фуркат ўз ватанини гох мўъжизали санамга, гох каердадир топталган мехрибон ёрга ўхшатади.
Шоир мохир рассом сингари ранглар уйгунлигига алохида эътибор беради. Кўз кош тасвиридан сўнг кора зулфингни таърифини беради. Шеърга Юсуф ва Зулайхо образларини киритади.
Не билур Юсуфни, нозу хусн ила магрурдур,
Ул кадарким ишк дардини Зулайхо тортадур.
Келтирилган байтда, шоир гўзалнинг хусну жамолини, кошу кўзларини таърифлашдан севги, ноз, дард мавзуларини ифодалайди.
Куйидаги байт бутун газалнининг авж нуктаси хисобланади. Бундай нукта Фуркат асарлари ичида алохида ўрин тутади.
Кўринадики, шоирнинг кўп газалларида севги-ишк мавзуси мухим ижтимоий мавзулар билан коришик холда келади.
Фуркатнинг “Сурмадин кўзлар каро” газалида хам маъшука гўзаллиги таъриф тавсиф этилади. Ёрнинг ташки киёфасини кўтаринки рухда тасвир этиб, газални шундай якунлайди:
Жаврларким, Фуркат, ул шўхи жафожу айлади.
Мунча бедоду ситам килмас мусулмонга фаранг.

Эй Фуркат, у жофокор сенга килган жабру зулмларини фаранг хам мусулмонга килмайди, - демокчи шоир.
Шоирнинг “Кашмирда” газалида хам ишк, ёр тўгрисида сўз боради. Шоир томонидан тасвирланаётган кизнинг сехргар кўзларида юз хил жоду усуллари борлигини ифодалайди:
“Бир камар сиймони кўрдум балдаи Кашмирда,
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда”
Шоир ўз шеърларида бадиий санъатлардан хам унумли ва ўринли фойдалангани кўзга ташланади.
Хуллас, шоир ижоди маъшука ва ошик севгисига багишланган газаллар кўп учрайди ва улар ўзбек мумтоз адабиётининг бир кисми хисобланади.

---

**Навоийни устоз билиб...** (Х.Отажонов)

Адабиётимиз тарихидан маълумки устоз Алишер Навоий газалларига мухаммас боглаш, назиралар битиш анъана бўлиб келган. Хамшахар шоиримиз Фуркат хам замондошлари Мукимий, Завкий, Мухсиний каби бу борада муваффакиятли калам тебратган. Бу бежиз эмас албатта. Шоир ўзининг “Фуркатнома” асарида Навоий асарларини ёшлигида кизикиш билан ўкигани, хатто тушида устоз билан учрашганини айтади: “Яъни бир кечаким – ул жумъа кечаси эрди – туш кўрдим. Бир чорбог эмишдурким эрам гулшани андин нишон бўлгай. Сабзалар ва хуб тоза гуллар хавз якосида суфаи дилнишин гуногун бисотлар бирла ороста эрди. Ман ул жаннатсаро гулистонда хар тарафга танхо кезар эмишман...
Ногох, бир зебосурат йигит... пайдо бўлиб пайгом еткурди. Дедиким: “Бир жамоат уламолар сизни сухбатларига таклиф килурлар... Ул азиз ишорати бирла бир киши мени олдимга бир китоб ёзиб кўйди. Ул китоб Амир Алишер Навоийнинг “Чордевон”лари эрмиш. Андин менинг кўлимга калам ва когоз бериб хар кайсилари бир мисрадин байт айтдилар, мен ёзиб тамом килдим, эрса хаммалари кўл очиб хакимда дуо килдилар ва шеър машкига рухсат бердилар”.
Фуркатшунос олимлардар Х.Расул, А.Абдугафуров ва бошкаларнинг махсус илмий тадкикотларида хам Фуркат бадиий махорати шаклланишида, юксалишида хазрат Навоий асарлари таъсири катта бўлгани, Фуркат устоз асарларига хамоханг ижод килгани алохида таъкидланган.
Ўзбек адабиётида эски ўзбек ёзуви харфлари маълум маънода маъшукани тасвирлашда хизмат килган. Харф кўринишлари маъшукага киёс килинганда “алиф” унинг тик коматини, “ёй” кошини, “син” унинг тишини, “лом” сочини таърифлашга хизмат килган. Бу борада Навоий алохида устунликка эга бўлган. Шоир нафакат харф кўринишларини, балки ёзилган сўзлар хакида хам мохирлик билан байтлар битган: “Бармоги хайрат била ким лаъли хандон ичрадур, Ул алиф янглиг дурурким фил масал жон ичрадур”. Бунда шоир жон сўзини акс эттирмокда.
Музейимиз намойишгохида Фуркат хаёти ижодига оид кўплаб экспонатлар кўйилган.

Бўлимдаги кўлёзма, турли тошбосма экспонатлар билан бирга шоирнинг газалига ишланган “Кашмир гўзали” хам бор. У шоирнинг ватандан узокда эканлигини таргиб этади деб тушунтириш берилар эди:
Айди: “Эй бечора килдинг на учун тарки ватан?”,
Ман дедим: “ Гурбатда Фуркат бор экан такдирда.”
Бу суратда лаби устида холи бор киз тасвир этилган. Хазрат Алишер Навоий лаб хакида шундай ёзганлар:
“Нукта чун остин бўлур хар кайдаким ёзилса лаб,
Нуктаи холинг нечун болдин ширин лабинг устидадур”.
Байтдан маълумки ёр холи лабнинг устида.
Фуркат хам Навоийдан илхомланиб лаб хакида ажойиб сўз ўйини килган:
“Нукта лаб устида бежодур” дедим. Айди кулиб:
“Сахв килмиш котиби кудрат магар тахрирда.”
Бу байтни ўкувчиларга етмай колишига байтдаги “котиби кудрат” сабаб килиб кўрсатилиши мумкин. Мустакиллигимиз туфайли биз энди музей томошабинларига ёр лабига нукта кўйган “котиби кудрат” ким эканлигини тушунтириб беряпмиз.
Келгусида Фуркатнинг ана шундай халкдан пинхон тутилган асарлари ўкувчилар кўлига етиб боришида изланишлар давом эттирилади. Зероки, 2010-йил БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ биздан шуни талаб килади.

---

**ФУРКАТНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ УЙГОНИШ ДАВРИ АДАБИЁТИ ТАРАККИЁТИДАГИ ЎРНИ** (Нурбой Жабборов)

Ўзбек миллий уйгониш адабиётини Зокиржон Фуркат ижодий меросидан айри тасаввур этиш мохол. Бинобарин, XIX аср иккинчи ярмида миллий ўзликни англаш, истибдодга исён, эрк ва озодлик гоялари дастлаб унинг асарларида бўй кўрсатди. Шоир юртнинг “куффор банди ичра сонсиз тугунда колган”идан, “охиру-л-амр хукумат гулшани хазон бўлиб, булбуллар ўрнини зоглар эгаллаган”идан изтироб чекди, бунинг боиси “сиёсати Рус” эканини баралла айтишга жасорат топди. Ватан ва миллат бошига келган бу огир мусибатга муолажа излади. “Хамани эмди кўз тутгони бир Сохибкирон бўлди”, дея умид ва нажотни истибдод гирдобидан олиб чикишга кодир йўлбошчининг тарих сахнасига чикишида кўрди. Миллатнинг бошига давлат хумоси кайтажагига ишонди.Факат бугина эмас. Шоир ўзи мансуб халкнинг замона ахволидан огох бўлмогини, жахолат уйкусидан уйгонмогини, маърифатдан бахра олмогини орзулади. Русия гимназияси хакида шеър ёзар экан, миллат болаларининг шу сингари замонавий таълим масканларида ўкишини истади. Виставкани, театрни васф этар экан, шундай маданий ходисаларсиз тараккий этиш имконсиз эканини англади ва англатмокка уринди. Русиянинг ўша даврдаги фан-техника сохасидаги ютукларини таргиб этар экан, уларга “ўз нафъимиз учун мулохаза килсок лозим”лигига ургу берди. Аникрок айтганда, хар бир ишда Ватан ва миллат манфаатини устувор билди.Фуркат миллий уйгониш даври ўзбек адабиётининг “кўп ва хўб” ижод килгани билан алохида ажралиб турувчи сиймоларидан. Мумтоз

шеъриятнинг деярли барча жанрларига мансуб карийб ўн икки минг мисралик назмий мероси, “Ахволот”, “Кавоиди Чин ва умуроти сиёсий” сингари салмокли насрий, “Тўй хусусида”,“Аза хусусида”, “Гап хусусида” каби этнографик, арузга оид “Илми шеърнинг коидаи авзонини баёни” асарлари, ижтимоий-сиёсий мавзудаги публицистик маколалари бунинг далилидир. Бундан ташкари, Ўзбекистон Марказий давлат архивида сакланаётган дастхатлари Фуркатнинг могир хаттот бўлганини кўрсатса, “Зубдату-л-хукамо” (“Хакимларнинг сараси”) дея шухрат козонгани унинг фаолияти нечоглик серкирра эканини, табобатда хам камолга эришганини тасдиклайди.Шоирнинг хорижга кетиш ва юртга кайта олмаслик сабаблари шу пайтгача турлича талкин этилган. Бу хакда хеч кандай асоссиз, хужжат-далилсиз хар хил тахмину гумонлар хам билдирилган. Архив хужжатлари ва мавжуд манбалар тадкики Фуркатнинг чет элларга кетишининг икки сабаби бўлганини кўрсатади: 1) шоирнинг чор Россияси мустамлака сиёсатини очикдан-очик коралаб асарлар ёзгани; 2) Фуркат маърифатпарварлик фаолиятининг Ватан ва миллат манфаатларига асослангани. Русия мустабид сиёсати Туркистон халклари хаётининг барча сиёсий, иктисодий ва маънавий жабхаларини бирдай исканжага олгани маълум. Табиийки, миллатпарвар зиёлилар, жумладан Фуркат хам бунга бефарк караган эмас. Гафур Гулом номидаги Кўкон Адабиёт музейи фондида 7050-раками билан сакланаётган “Шархи рисолату-ш-шамсия ва аййана фийхи-л-мантикия” асари кўлёзмасининг хошиясига битилган “Муножоти мусаддас” асари бунинг ёркин далилидир. 108 мисрадан иборат мазкур мусаддаснинг жорий имлодаги тўлик матни манбашунос А. Мадаминов томонидан тайёрланиб, доцент Р.Тожибоев сўзбошиси билан эълон килинган. Яратганга илтижо, муножот рухида битилган мусаддасда шоир бундай ёзади:

Зулматни гирдбоди тегди, хуюнда колдук,
Тўфони хайрат, эйки, гарки жунунда колдук,
Гафлат ила ўтуб умр, кулгу- ўйунда колдук,
Куффор банди ичра сонсиз тугунда колдук,
Рахм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору махзун, кўнгли шикасталарга.

Фуркат “Зулмат гирдбоди, куюн, тўфони хайрат, гарки жунун” каби тимсоллар, “Куффор банди ичра сонсиз тугунда колдук” образли тасвири воситасида рус мустамлака сиёсатининг мохиятини бутунлай фош этади. Зеро, бу истибдод сиёсати миллат хаётининг барча жабхаларини бирдай асоратга олгани, миллий истиклолга, нурли истикболга элтадиган барча йўлларнинг батамом тўсиб кўйилгани бугун хеч кимга сир эмас. Бинобарин, “...рус маъмурияти конунларни ўзи истаганча ўзгартириб, махаллий ахолининг иктисодий, ижтимоий, диний ва сиёсий эркинликларини нак 50 йил давомида поймол этиб келган”и хам бунинг далилидир. Мусаддаснинг куйидаги мисралари хам истибдод исканжасида колган юрт такдирига куйиниш хисси билан йўгрилган:

Козию муфти, аълам доим хазину маъюс,
Дин посини тутай деб зиндони хамда махбус,
Бечоралар на килсун бўлса сиёсати Рус,
Кўймайди бир тарафдин халк ичра нангу номус,
Рахм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору махзун, кўнгли шикасталарга.

Ушбу мисраларда мустамлака сиёсатининг адолатсизликка, зулмга асослангани, хатто кози, муфти, аълам каби хукук посбонларининг ўзлари хам хаксизлик гирдобида колгани

ифодаланган. Уларнинг “Дин посини тутай деб хам зиндонида махбус” бўлиши сабабини Фуркат очик-ойдин кўрсатиб ўтади: “Бечоралар на килсун бўлса сиёсати Рус?!” Хўш, ўша пайтдаги Рус сиёсати нимага асосланган эди? Манбаларда бу хакда куйидагича маълумот берилади: “...чор хукуматининг золим генераллари Туркистон ўлкасига кўйилгон “миссионер”, яъни дин бузувчи Остроумовларнинг таклифлари бўйича, Туркистон ўлкасининг халкини кўр каби истибдод коронгусида колдирмокнинг маслахатида “русский-туземний” мактаблар очмокка киришдилар. Мадраса вакфларини боний, вакф килгувчиларнинг авлодларига буюриб бериб, сотиб емокларига фармойиш килиб, мусулмонларнинг жума намозларида подшонинг номини (хутбага) кўйиб ўкимок, “Куръон”нинг “ва-л-мушрикин” деган жойларидан “мушрик” иборатларини чикармок каби бехуда ишларни амр килдилар. Шахар хокимлари, кози ва амалдорлар хам мактабдорларни чакириб, ох подшонинг номини жами одамларга билдириб, масжидларда, намозларда дуо килдириш, хатто мактаблардаги ёш болалар ўкийдиган Эшон Сўфи (Сўфи Оллоёр)нинг “Чахор китоб”и деган савод китобларидаги “азоби кабр кофирларгадир, чун кўрар гўрнинг азобин баъзи мўмин”дек бўлгон байтларини ва “кофир”, “мушрик” деган иборатларини йўкотиб, янги босиладиргон китоб ва “Куръон”лардан юкорида айтилган калималарни чикаришдек фармойишлар килдилар. Мусулмонларни нигоят эзиб, кисиб, хатто кўчадан пристуф ўтиб холса, ё беихтиёр кўрмай колгон ва ўрнидан турмаган мусулмонлар бўлса, кайтиб келиб уриб, камар эдилар”. Шоир мусаддаснинг бошка бир бандида истибдод исканжасида колган юрт иктисодиёти хам инкирозга юз тутганини, ахли бозор накбатга колиб, тижоратнинг касодга учраганини чукур изтироб билан тасвирлайди:

Уч йил бўлурки колмиш накбатга ахли бозор,
Кўрмас тижоратидин кўп нафъ хайли тужжор,
Ахли хунарда хам йўк чандоне равнаки кор,
Йўкдур Ўзунгдин ўзга бир мехрибону хамхор,
Рахм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору махзун, кўнгли шикасталарга.

“Уч йил бўлурки холмиш накбатга ахли бозор” мисраси асарнинг Кўкон хонлиги рус кўшинлари томонидан босиб олинганига уч йил бўлган пайтда, яъни 1879 йили ёзилганини кўрсатади. Факат бугина эмас. Шоирнинг фикрича, маънавият бобида хам таназзул жараёни бошланган: “Заифалардин шарму хаё, агниёлардин жуду сахо, бир-бирга ошнодин мехру вафо йўколган. Факр ахлидан каноат, шайхдан риёзат, сўфидан ибодат тобора бархам ўлган. Доно залилу нодон азиз бўлган. Элнинг феълу хўйи кетиб, гуфтугўйи факат шикоят бўлиб колган. Шунинг учун хам эл куффор ахли ичра хайрон бўлиб колган, на хукм килса дархол буйругини олган, олик-солик бериб толган”. Манбаларнинг гувохлик беришича, мустамлака маъмурияти узокни кўзлаб иш тутган. Ўлкадаги энг эътиборли лавозимларга лаёкатсиз, жокил, Фуркат таъбири билан айтганда, “На хукм килса дархол буйругини оладиган”лар кўйилган. “Рус мустамлакачилари ўзлари ишлаб чиккан “Туркистон ўлкасини бошкариш хакида Низом”да шариат козиларини сайлаш масаласига алохида эътибор бердилар, – дейилади “Ўзбекистоннинг янги тарихи”да, – Хонлар замонида саводхон ва нигоят билимдон одамлар козиликка тайинланган бўлса, рус маъмурларининг конунига кўра, саводсиз кишилар хам бу лавозимга сайланиши мумкин бўлди”. Фуркат мазкур асарида бу холни мана бундай образли тасвирлайди:

Хар кайда сарфаёклар козишинос бўлди,

Барпо килурга фитна бекаму кост бўлди,
Эл ичра кадр топти ким хушлибос бўлди,
Зоти бек ўтмаганлар сохибасос бўлди,
Рахм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору махзун, кўнгли шикасталарга.

Шоир бу ахволдан каттик изтиробга тушади. Ёлгиз панохи – Оллохга муножот килади, ундангина нажот кутади:

Биз Одам ўгли бўлсак, инсон иши хатодур,
Хар шайъ аслисига рожиъ бўлуб кетодур,
Лутфу карамни сандин банда умид этодур,
Фуркат кулинг – гунахкор, сан сохиби атодур,
Рахм айлагил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору махзун, кўнгли шикасталарга.

Фуркат муножотида эса ўзи мансуб бўлган миллат дарди каламга олинади. Шоир муножотларини, таъбир жоиз бўлса, ўз кечмишидан узоклашаётган, шу боис сиёсий, моддий ва маънавий инкирозга юз тутган миллатга ўз килмишлари окибатини кўриши, хулоса чикариши учун тутилган кўзгу деб аташ мумкин. Чор хукуматининг манфур боскинчилик сиёсатини бутун мохияти билан фош килиш, миллатни огох этишга бўлган интилиш, мустабид сиёсатга, жабру зулмга, адолатсизликка бўлган нафрат Фуркатнинг бошка асарларида хам акс этган. Жумладан, “Бўлди” радифли мухаммасида шоир бундай ёзади:

Бахор айёми ўтти, на гулу сарву суман колди–
Ки, булбул бирла кумри ўрнига зогу заган колди,
На жоми марг ичмай лолаи хунинг, кафан колди,
Чаманлардин нишон хеч колмади, илло тикан колди,
Зимистони ажални бодидин бори хазон бўлди.

Бахор — тараккиёт рамзи. Шоирнинг ёзишича, у ўтиб бўлган. Шунинг учун хам булбул бирла кумри ўрнини зогу заган эгаллаган. Бу – юртни Русия забт этганига ишора. Ажал зимистони – истибдод тимсоли. У бор мавжудликни хазонга айлантирган. Бинобарин, истибдод боис миллий анъаналар topталиб, миллат бошига кора кунлар тушган, унинг хукуки, эрки поймол этилган. Шоир бу ахвол сабабини аждодларнинг асрий анъаналари унутилгани, “Мусулмон халкимизнинг тўгри йўлдан адашиб, маъсият сори равон бўлгани, ато бирла ўгул ўртасида мехру шафкат, ано бирла киз орасида зарра хурмат, агниёларда хайру саховат, факиру бенаволарда сабру каноат колмагани” билан изохлайди. Кейинги изланишлар натижасида аниклаганимиз – шоирнинг шу пайтгача маълум бўлмаган “Бегим” радифли дастхат шеъри хам бу жихатдан алохида ахамиятга эга. Газал матни бир варак фабрика когозига бинафшаранг сиёхда шикаста аралаш настаълих хатида кўчирилган. Варакнинг ўнг томонида матнни ўкишга халал бермайдиган дог бор. Ушбу 17 байтли шеър 1889–1891 йилларда Фуркат Тошкентда яшаган даврда ёзилган. Дастхат X1X аср хаттотлик санъатининг нодир намунаси сифатида хам ахамиятлидир. Унда байтлар муайян мутаносиблик асосида жойлашган. Яъни, байтлар сони юкоридан куйига хамда ўнгдан чапга бир, икки, уч, тўрт, уч, икки, бир тартибида квадрат (мураббаъ) шаклида битилган. Мураббаънинг кайси тарафидан караманг, айни тартиб амал килади. Демак, факат мазмундагина эмас, шаклда хам мукаммалликка эришилган. Шаклдаги ушбу мукаммалликни саклаш учун шеърнинг сўнгги 17-байти хошияга кўчирилган. Кўлёзма Фуркатнинг юксак хаттотлик махорати намунаси

сифатида хам алохида ахамиятга эга. Газалдан олинган куйидаги мисралар шоирнинг мустамлака сиёсатига бўлган муросасиз муносабатига далил бўла олади:

Шўъбада изхор этиб ногох чархи хийласоз,
Бошлади афсун ила макру дахосидин, бегим.
Гунчаи давлатни гул янглиг паришон айлади,
Тундбоди ходисоти можаросидин, бегим.
Охируламр хукумат гулшани бўлди хазон,
Келди зогу колди булбуллар навосидин, бегим.

Мазкур байтларда юртнинг тараккиёт куёши сўниб, таназзул шоми бошлангани сўнгсиз хасрат билан ифодаланган. Зогнинг макони эса – вайрона. Мустамлакадаги Туркистоннинг аянчли ахволини Фуркатгача хеч кайси шоир бунчалик таъсирчан ифодалай олган эмас. Дастхат хошиясида “Камина Фуркат ва хожи Аъзам тарафидин чўх дуо ва саломлар вусулингиз ўлсун” сўзлари битилган. Савол тугилади: шеър кимга багишланган? Фуркат ва хожи Аъзамнинг “чўх дуо ва саломлар”и йўлланган шахс ким? Хошиядаги кайддан буни аниклаш имконсиз. Хўш, у холда “бегим” дея ким улугланмокда? Унинг Фуркат ва хожи Аъзамга кандай алокаси бор? Шоир мустамлака сиёсати билан боглик изтиробларини ким билан бу кадар чин дилдан дардлашиши мумкин? Бу саволларга жавоб бериш учун, аввало, ушбу дастхат шеър матнига мурожаат этиш зарур. Хусусан, куйидаги байт бу масалага ойдинлик киритиши мумкин:

Шах хаёти дуржида бир дур эдинг, бўлдунг ятим,
Кадринг ошди дахр атаб кўйгон бахосидин, бегим.

Бу сўзлар унинг шох фарзанди эканини кўрсатади. Фуркат кайси шох зурёди билан якин муносабатда бўлгани, кимга “бегим” дея мурожаат этиши мумкинлиги тахкик этилса, унинг Худоёрхон фарзанди Фансуруллобек экани маълум бўлади. Зеро, шоир “Сабога хитоб” дея номланган шеърий мактубида хам Фансуруллобекка “бегим” дея мурожаат этган:

Бегим, жоним, афандим Фансуруллох,
Зихи шахзодаи зу-л-иззау-л-жох.
На ман танхо, улус шахзодасидур,
Хама шахзодалар озодасидур.

Колаверса, Фуркат Тошкентда яшаган даврида Фансуруллобек билан жуда якин муносабатда бўлган. Бу хакда профессор Ш. Юсуповнинг куйидаги фикрлари, айникса, диккатга сазовор: “Шеъриятга, шоирларга ихлоси баланд Фансурулло Фуркат Тошкентда яшаган йилларда 20-22 ёшлар орасидаги йигит эди. Ўзининг хамшахри бўлмиш забардаст шоир Тошкентда эканини билгач, табиийки, у билан танишиш, дўстлашиш, айникса шеърият хакида сухбатлашиш, ўз шеърий машкларини кўрсатиб, ундан маслахатлар олиш истаги тез орада Фансуруллобекни Фуркат билан якинлаштиради. Фуркат Истанбулга бориши биланок энг якин дўстлари каторида Фансуруллобекни согиниб, “Сабога хитоб”нинг салмокли бир кисмини унга багишлайди. Иккинчи томондан, Фансуруллобекнинг кайнотаси Жўрабек додхох хам Фуркат билан гоят якин муносабатларда эдики, кайнотасининг корасувдаги катта богида бўлган сухбатларда хам у Фуркат билан бир неча бор учрашган бўлиши эхтимолдан узок эмас”. Дастхат шеърнинг куйидаги мисралари Фансуруллобекка отаси Худоёрхон вафоти, “Чархи хийласоз”нинг шундан кейинги “Макру дахо”лари, зулму ситамлари муносабати билан хамдардлик йўсинида ёзилган:

Одам ўгли йўк эрурким, арсаи олам аро,

Бўлмаса озурдадил даврон жафосидин, бегим.
Кимса мехр, ушбу жахондин, кўрдиким,
Кўз туткомиз – Бу жахон ичра жахон ахли вафосидин, бегим?
Манго килгон зулмини кўргилки, уйла бор эдим,
Сен киби шахзодани хайли гадосидин, бегим.
Ушбу 17 байтли шеър шахсан Фансуруллобекка багишланган бўлса-да, унинг теран мазмуни умуммиллий ахамиятга эга. Шеър дуо мазмунида битилган куйидаги байтлар билан якунланади:
Жонсипору кадрдонлигдин бежуз бир тухфа йўк,
Хазратингга Фуркатий холис дуосидин, бегим:
Сояи Тангри насиб этгай санинг бошингга хам,
Зойил ўлмас бобако давлат хумосидин, бегим.
Кўринганидек, газалда шоир тахаллусидан кейин хам бир байт келган. Шайх Ахмад Тарозий фикрича: “..Ул байтеким, тахаллусдин сўнгра айтурлар, икки навъ бўлур. Бириси улким, тахаллус байти маънода нотамом колур. Бир байт бирла они тамом килурлар, они мутаммиму-л-анхос ўкурлар. Ва бир навъи улким, бовужудким, тахаллуси тамомдур, бир байт масал тарики бирла келтурурлар, андин тахаллус байтига рабт хосил бўлур, они робита дерлар”. Маълум бўладики, мазкур газалда тахаллусдан кейин келган байт биринчи турга мансуб. Бинобарин, тахаллус байтида маъно тугалланмаган. Кейинги байт (“Мутаммиму-л-анхос”) газал мазмунига якун ясаган. Фуркат яшаган тарихий вазиятда, ўша ижтимоий мухитда мазкур сўзларни битиш чинакам жасорат эди, Ватан ва миллатга фидойилик намунаси эди. Фуркат мураккаб ва зиддиятли даврда яшаб ижод килди. Ўз асарлари оркали илмнинг, маърифатнинг бекиёс ахамиятини алохида таъкидлади, илму маърифатга миллатни мукаррар таназзулдан куткарувчи ягона восита, “Кўнгулларни сурури, кўрар кўзларни нури” деб каради. Шоир чор истибдодининг фожеий окибатларини фош этиш баробарида миллат фарзандларини ўша пайтда нисбатан илгор бўлган рус маданиятини ўрганишга, ундан ўз манфаатимиз йўлида фойдаланишга чакирди. Шоирнинг Ватан ва миллат манфаатига асосланган маърифатпарварлик фаолияти мустамлака маъмуриятига маъкул келмагани аник, иккинчи сабаби шу. Зокиржон Фуркатнинг юртга кайта олмаслиги хам, бизнингча, икки сабаб билан изохланиши мумкин: 1) шоирнинг чет элларда яратилган асарлари мохият эътибори билан чор хукуматининг мустамлака сиёсатига зид экани; 2) Фуркатнинг шахс сифатидаги фазилатлари. Фуркат хаёти ва ижодининг энг самарали ўн саккиз йили хорижда кечди. Унинг чет элларга сафари саналарини энг сўнгги илмий изланишлар асосида куйидагича белгилаш мумкин: Туркия-Юнонистон сафари 1891 йил сентябрь – 1892 йил 24 февралгача, Араб мамлакатларига сафари 1892 йил 24 февралидан шу йил августигача, Хиндистон-Тибет сафари 1892 йил августидан 1893 йил сентябрига кадар давом этган. 1893 йил сентябрида у Ёркентга боради ва умрининг охирига кадар бу шахарда тургун бўлиб колади. Шоирнинг “Касида” асари хам мутахассислар ўртасида бахсу мунозарага сабаб бўлган. Асар хатто Фуркатнинг чор мустамлака сиёсати мохиятини тушунмаганига далил этилган. Аслида хам шундайми? Асар матни устида олиб борилган изланишлар бунинг зиддини исботлайди. Яъни, Фуркат бу асарининг хам тагматнига чор истибдодининг асл киёфасини фош этувчи мазмунни махорат билан сингдириб юборгани кузатилади. Жумладан, шоирнинг “Касида”га ёзган сўзбоши-изохи унинг мазкур асарни ёзиш вактидаги рухий холатини хис этиш имконини берувчи куйидаги жумлалар билан бошланади: “Зимистони шабистонларким, сиёхбахтлар

рўзгоридек каро ва сохиби афкорлар андишаси янглиг узун ва беинтиходур. Бу лайлату-д-дажода уйку дурроржлари кўзлар ошёнасидин рамида килиб, хаёл насойими хар тарафга варзида килур эрди...”. карангки, “окподшох”га багишланган касиданинг дебочаси кандай тасвир билан бошланмокда: “Сиёхбахтлар рўзгоридек коп-кора, зимистон тун”. Бу тасвир мазкур дебоча давомида “Жўши бахори рашки гулистони Эрам” дея таъриф этилган Фаргона мамлакати, “Бу рохими тасвидотнинг асл шажараи вужуди... обу хавоси обёрлиги бирла тарбият топмиш бўлгон” Хўканд гулшанининг истибдод зулматида колганига ишора эмасми? Ушбу сўзлар замирига худди шу мохият сингдирилган, назаримизда. Акс холда подшох мактовига оид касида бундай дард-алам ифодаси бўлган сўзлар билан бошланмас эди. Колаверса, ушбу изох-сўзбошининг давоми янада чукуррок мулохаза юритишни такозо этади: “Арбоби назардин умид улким, ушбу жаридага мунсифона кўнгул бирла мутолаа ва мулохаза айлагайлар. Мабодо хотирларига хутур килмагойким, ушбу сўзлар хушомадгўйлик юзидин адо топкон бўлгай деб. Чунки максудимиз асли бошка ерга реша чекмаклиги кўнглумиз ганжинасида мактум ва музмардур. Вассалом”. Шоирнинг бу асарга инсоф юзасидан бахо беришни сўраб ёзган ушбу сўзларидан кейин хам у хакда юзаки мулохаза юритиш арбоби назар – олимлар учун муносиб бўлмаган хол. Бевосита асар матнига мурожаат этамиз. Маснавий Яратганга хамду сано билан бошланади:

Жахонда хар наким этти — Худованди жахон этти,
Килиб кудратнамолик замину осмон этти .
Камоли жуди ўн саккиз минг олам айлабон мавжуд,
Мукаррам халк этиб одамни, сунъини аён этти.
Хама махлукни, Борий, мутиъу зирдаст айлаб,
Оларга Одам ўглин чиредасту кахрамон этти.
Хакикий подшохеким, жахонни интизоми-чун
Мажозий подшохларни жахонга хукмрон этти.

Мазкур хамд-байтларнинг сўнггиси, айникса, тагматнда ифода этилган мазмуннинг теранлиги билан ажралиб туради. Яъни шоир “окподшох”га карата: “Сен вактинчалик мажозий подшохсан, сенинг хукмронлигинг хам ўткинчи. Хакикий подшох эса Тангри таолодир. У хохлаган куни худди аввалги подшохлар каби сенинг хукмронлигингга хам чек кўйишга кодир” деган хакикатни образлар воситасида айта олган. Кўриниб турибдики, Фуркат хатто зохиран “окподшох” мадхига багишлангандек таассурот колдирадиган асарида хам йўлини топиб мустамлака сиёсатига бўлган нафратини ифода эта олган. Бу эса, ўз навбатида, асосий фикрларини мисралар тагматнида бериш унинг хориждаги давр ижодида ўзига хос услуб даражасига кўтарилганини кўрсатади. Фуркатнинг Ватанга кайтиш йўллари ёпиб кўйилиши сабабларидан яна бири унинг собит эътиход эгаси бўлгани, деб хисоблаш мумкин. Ўзбекистон Марказий Давлат архиви Н. Остроумов фондида сакланаётган хужжатлардан бирида Фуркат машкур “Гимназия” шеърини ёзган пайтда Тошкент Эрлар гимназиясида таълим олган Степанов деган кимсанинг Ёркентга бориб, шоир хакида мана бундай маълумот юборгани кайд этилган: “Мухтарам Николай Петрович, – деб ёзади Степанов, – мен сизга ушбу хат билан Ёркентда кўришганим Зокиржоннинг шеърларини хам юборяпман. Очигини айтганда, Зокиржоннинг шеърлари менга ёкмади. Мен Фуркатнинг самимийлигига мутлако шубха билан карайман. Тан олиш керакки, у жуда аклли, истеъдодли ва бенихоя ёкимли инсон. У табобат билан шугулланади, ерда ишлашни ёктиради. Менинг ўйлашимча, у Россияни мутлако севмайди. (Таъкид бизники – Н.Ж.) Эътикодда бенихоя собит. Мен унга шеър

ёзишдан ташкари, бизнинг сартларимизни кизиктириши мумкин бўлган махаллий мавзулар:  бу ернинг ахолиси, урф-одатлари, саноати хакида ёзишни тавсия килдим. Бу ердаги аклга сигмайдиган жахолат, шунингдек, рус зулмидан доимий равишда норози бўлган бизнинг Туркистон туземлилари фойдаланаётган кулайликларга алохида ургу беришни сўрадим” (Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, фонд № 1009, 1-рўйхат, 135-иш, 42-43-бетлар). Степанов тўгри таъкидлаганидек, Фуркат мустамлакачиларни мутлако севган эмас. Лекин, бу ерда масаланинг эътибор бериш зарур бўлган бошка бир жихати бор. Мазкур хужжатнинг ўзиёк кўрсатиб турибдики, Фуркат чор хукуматининг доимий назоратида бўлган. Унга хатто нималар хакида ёзиш хам тавсия этиб турилган. Степанов Туркистондаги чор маъмуриятига шоирдаги ўзи ёктирмаган яна уч хусусият хакида ёзиб юборади: 1) унинг Россияга нисбатан самимийлигига шубха билан караши; 2) Фуркат шеърлари унга маъкул келмагани; 3) шоирнинг мустахкам эътикодли шахс экани. Бу сингари фактлар Фуркат хакида мунтазам равишда ана шундай маълумотларни тўплаб борган чор хукумати миллатпарвар шоирнинг она-юртга келишини максадга мувофик эмас деб топгани ва унинг Ватанга кайтиш йўлларини така-так ёпиб кўйгани хакидаги хулосага олиб келади. Шу ўринда мухим бир масалага тўхталиш зарурати сезилади. Бу – Фуркат карашлари миллий уйгониш харакати намояндалари, миллатпарвар жадидлар томонидан давом эттирилгани масаласи. Бинобарин, Фуркат ва жадидлар карашларида муайян изчиллик, давомийлик мавжудки, бу кўпдан тадкикотчилар эътиборини тортмокда. Бизнингча, Фуркат ва жадидлар карашларидаги муштараклик куйидаги масалаларда нисбатан аникрок кўзга ташланади:

1. Мустамлака сиёсатига нисбатан муросасизлик. Фуркатнинг юкорида тахлил этилган “Муножоти мусаддас”и, “Бўлди” радифли мухаммаси, “Бегим” газали ва хорижда ёзган бир канча асарлари, жадидларнинг эса бу борада наинки ижодий, хатто амалий фаолият билан шугуллангани ушбу фикрни кувватлайди.
2. Замонавий илмларни эгаллашга таргиб этиш, Оврупо таълим тизимини жорий килиш оркали  ривожланган миллатлар даражасига кўтарилиш орзуси. Бу хакда юкорида мухтасар тўхталинди.
3. Матбуот, театр каби ходисалардан миллатни уйготишда минбар сифатида фойдаланиш. Фуркатнинг “Туркистон вилоятининг газети”да босилган асарлари, “Таржимон”, “Шўро” каби жадид матбуотининг нуфузли нашрларида шоир асарларининг эълон килиниши, кейинчалик жадидлар томонидан  нашр этилган миллий матбуот нашрлари бунинг ёркин далилидир.
4. Миллатнинг тараккий этишига тўсик бўлаётган иллатларни кескин танкид этиш. Бундай иллатлар – ўзаро нифок ва низолар, илм-маърифатга эътиборсизлик, жахолат, илм-фан тараккиётидан ортда колиш ва х.к. Бу мулохазалар Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркатнинг миллий уйгониш даври ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, ўзидан кейинги авлод ижодкорларга хам кучли таъсир кўрсата олган улуг ижодкор, бутун салохиятини, иктидорини Ватан ва миллат равнаки йўлига тиккан буюк сиймо экани хакидаги хакконий илмий хулоса учун асос бўла олади.

Фуркат изидан Ёркентга саёхат

Олимжон Ёкубов

“Завкий жамгармаси”

Маккаи Мукаррама, Бухорои Шариф, Хўканди Латиф... Исми жисмига мос шахарлар каторидан ўрин олишига сабабчи бўлган Хўканди Латифнинг шоирлари, ёзувчилари,

алломалари билан ўзбек халки хар канча фахрланса арзийди. Улар меросини ўрганиш, авлодларини излаб янги маълумотлар топиб кейинги авлодларга етказиш эзгу, саховатли ишлардандир.

Зокиржон Фуркат Ёркентда яшаб турганида хамшахри Мухаммад Солих ўгли Убайдулла Завкий (1853 – 1921) билан ўзаро согинч билан хол – ахвол сўраб шеърий мактублар ёзишгани шоирларнинг танланган асарларида тўла ёритилган. Завкийнинг суюкли кизларидан Зебунисонинг ўгли бўлмиш Ёкубжон – рахматли дадамизнинг хотиралари буйича, катта дадалари Завкий вафот этар чогларида катта бувилари Тожинисо аяга ховли – жойларни, кашкарлик хотинлари Хайруннисо хожи аяга эса бир шохи кийикка тугилган китобларни мерос килиб колдиришни васият килган эканлар. Хайруннисо хожи ая 1932 йилда ўгиллари Мухаммад Амин ва кизлари Ханифахон билан она юрти бўлмиш Кашкарга ўтиб кетганлар. Завкий ўз фарзандлари, невара – чевараларига бундай меросдан ташкари шеър ва газалларида ифода этганидек ёру – дўстларига, кариндош – уругларига бўлган мехр – мухаббатни хам мерос килиб колдирганиданми ёки бир донишманд айтганидай дўстлик хам, душманлик хам мерос колади деганиданми – ана шу мехр – мухаббат, кариндошлик, биродарлик туйгуси мени кўпдан бери Кашкарга, Ёркентга боришга, Завкий ва Фуркатнинг авлодларини топиш ва у ердаги кадамжоларни зиёрат килишга ундар эди. Вакти – соати келиб, насиб экан ўтган йил Фаргона вилоят Завкий жамгармасиниг йўлланмаси ва кўмагида бу орзуим амалга ошди. Кашкарга бориш осон кечди. Шахар сайил ва сайёхат маркази рахбари Азимжон Абдужабборов киска муддатда ХХР га боришга алохида виза очдириб бердилар. Ўзбекистон чегара пункти Андижон вилояти Дўстлик постидан декларацияни тўлдириб ёзиб Давлат чегарасидан ўтгач, Киргизистоннинг Ўш шахри автошохбекатидан кеч соат 8:00 да автобусда йўлга чикдим. Хамсафарлар кўплари машхур Корасув бозорида савдо килувчи хитойлик ва уйгур савдогарлар  экан. Автобусимиз узок йўл учун жихозланган, дам олиб кетишга кўрпа – ёстик, телевизор билан таъминланган эди. Ха, бу йўллар кадимда, яъни, эрамиздан аввалги йиллардаёк карор топган бўлиб, Шаркни Гарб билан боглаган асосий савдо йўли хисобланиб Кашкар, Фаргона водийси билан Сўгднинг маркази Самаркандгача борган, ундан Марвга караб йўналган, ораси 750 км бўлган Андижон – Кашкар йўли бўлганлиги тарихдан маълум. Денгиз сатхидан 7000 метр баландликда бўлган, туркий номи Тангри тог – Тян Шан тизма тогларидан ошиб ўтишнинг ўз машаккати бор Довон ошиб ўтилса, Хитой чегараси бошланади. Ёзнинг жазирама август ойи иссигида бу довонда совук – изгирин бўлганидан довондагилар калпок кийиб, фуфайкада юришибди. Кечаси билан автобусимиз тинмай юрди. Бу ерда булутлар осмонда эмас, атрофимизда сузиб ўтишмокда. Кечаси юлдузлар шундай якин ва ёркинки атроф юлдузлар ёругидан ойдин кечада юргандай бўласиз. Йўлнинг Киргизистондаги Эргаштомгача бўлган кисмини хитойлик йўлсозлар таъмирламокдалар. Эргаштом икки мамлакат: Киргизистон ва Хитой чегара харбий кисмлари жойлашган  водий – овул экан. Эргаштомга эрталаб соат саккизда кириб бордик. Иккала чегара ходимлари барча

расмиятчиликларини ўтказишгач, соатларимизни Кашкар вактига тўгрилаб, биз нихоят Хитой тупрогига кириб бордик. Тян – Шан тизма тоглари этагидан пастга тушгач, соат 10 ларда бир кишлок марказида овкатланиш учун тўхтадик. Муъжазгина, камтарона хусусий ошхонада овкатландик. Уйгурлар туркий халк бўлгани учун уйгур тили ўзбек тилига жуда якин, бир – бирини таржимонсиз тушуниш мумкин. Уйгурларнинг энг тансик овкати – лагмонни тановул килиб турганимизда бирдан хамма хўрандалар телевизор ахборотига кулок солиб жим бўлиб колдилар. Уйгур телевидениеси бошловчиси кеча 5 август куни Урумчида нохуш вокеалар бўлгани учун барчани осойишталикка, эхтиёткорликка, огох бўлишга чакирмокда эди.     Кашкарга автобусимиз кечки пайт кириб келди. Мехмонхонага жойлашиб дам олгач, эрталаб Ёркентга бориш учун автошохбекатга келдим. Бу ерда йўловчилар тирбанд, шахар ташкарисига автобуслар катнови чекланган. Ноилож, хитойлик ва эру хотин уйгурлар бўлиб таксига ўтирдик. Шахардан чикишдаёк бизни текширув постларида тўхтатишди. Йўловчилардан мен чет эл сайёхи бўлганим учун шахар сокчилар бўлимига кайтаришди. У ерда хужжатларимни компютерга белгилаб обдан суриштиргач, узр сўраб бизга кетишга рухсат беришди. Кашкар – Ёркент ораси 220 кмли йўл бўлиб, Такла – макон чўлини кесиб ўтиб Хиндистон чегарасигача борар экан. Кадимда бу йўл Ўрта Осиёдан Шаркий Туркистонинг бошка шахарларига бориладиган асосий карвон йўли бўлган. Ёркентдарёнинг ўнг сохилида жойлашган Ёркентга кириб бордик. Замонавий, кўп каватли, бир – бирига ўхшамайдиган бинолар, шаркона услубда курилган мухташам иморатлар, бозорлари гавжум бир диёрга кириб келдик. Кўконда газалнавис шоир Чархий (Аскарали Хамроалиев 1900 – 1979  йил) нинг кизлари Азизахон опа ёркентлик кариндошлари манзилини бергандилар Чархийнинг жиянлари бўлмиш Мухаммад Собиржон хожи ота Ёркентда мени очик чехра, кариндошларча багриларига босиб кутиб олдилар. Мехмонхонада колишимга куймай хонадонларига таклиф килдилар. Ёзнинг ноз – неъмати билан тўла  дастурхон устида кариндошлари, кадрдонларини сўрадилар.    Эрталаб нонуштадан сўнг зиёратга отландик. Етмишга бориб колган  Мухаммад Собиржон хожи ака билан махаллалар ичидан айланиб шахар кабристонига кириб келдик. Хожи аканинг оналари Мархаматхон ая – Чархийнинг синглиси шу кабристонга куйилган эканлар. Кабристонга киришдаёк бизнинг Шохимардон тоги тепасидаги Хазрат Али макбарасига ўхшатиб курилган салобатли макбара кўзга ташланиб турибди. Шу онда кўзим макбарадаю, хайратланганимдан бир зум тўхтаб колдим. Бу ердаги кабристонлар бизникидан фаркли ўларок гишт, бетон, мармар копланмаган. Кабрлар асосан оддий тупрок уюмидан, колаверса хом гиштдан курилган бешик – саганалардан иборат. Фуркатнинг хоки кабристондан олиниб макбара ичига куйилган. Макбара 1993 йилда куриб битказилган бўлиб. кираверишда мустахкам лавхага араб имлосида Фуркатга уйгур халкининг юксак эхтироми билдирилган. Зиёратдан сўнг Куръон тиловати килиб, бокий дунёга кетганлар рухига дуолар килдик.    Нихоят Фуркат авлодлари билан кўришиш насиб этди. Собиржон хожи ака айтганларидек, Фуркатнинг ўгли Нодирхон ота 1983 йилда оламдан ўтган эканлар. Нодирхон отанинг кизлари Тўпинисохон 50 – 60 ёшларда бўлиб, мени самимий, кариндошларча кўтиб олдилар. Ўзбекона уйларига таклиф килдилар. Дастурхон устида ўзимни таништирдим. Кўкондан келганимни, боболари Зокиржон Фуркатнинг Ўзбекистонимизда багоят кадрлашимизни, факатгина шахримизнинг ўзида эса марказий кўчалардан бири, сайлгох богимиз унинг номи билан аталишини, Сохибзода Хазрат мадрасаси хужрасида унга багишланган музей мавжудлигини, якин орада кенг микёсида унинг таваллудига аталган катта анжуман ва тантаналар ўтказилишини, хамда

эртага Кашкарда Завкий авлодларини хам топиб зиёрат килишим зарурлигини сўзлаб бердим. Тўпинисохон кизлари, ўгиллари: Нуригул, Мехригул, Паттигул, Тургунжон, Мухаммаджонлар билан таништирдилар. Бу оила Ёркентнинг Саройкўл махалласида истикомат килар эканлар. Фуркат хам шу махаллада яшаб ўтган экан. Ёркентда умргузаронлик килаётган 90 ёшли асли наманганлик Юсупхон хожи ота хонадонларида мехмонда бўлдик. Таникли адабиётшунос олим Пўлатжон Каюмов ўз китоблари “Тазкираи Каюмий” да ёзганларидек Фуркатнинг Ёркентга келиб колиш сабабчиларидан бири ёркентлик шоир Тажаллий (1918 йилда вафот килган, асл исми Набираи Хусайнхон хазрат) бўлишлигини Юсупхон хожи ота хам гапириб бердилар. Тажаллий кўконлик хазратлар билан, жумладан Кўкон фозилларидан Мавлавий Йўлдош билан алокалари бўлгани учун хам Маккада хаж сафарида бўлганида Зокиржон Фуркатни учратиб, хаж маросимлари тугагач, Хиндистон ва Кашмир оркали Ёркентга бирга олиб келган экан. Фуркатнинг эвараси Тургунжон мактабда ўкитувчилик касби билан машгул эканлар. Сухбат давомида Тургунжоннинг шеъриятга хаваслари баландлиги маълум бўлди. Илтимосимга кўра ўзлари ёзган шеър машкларидан хам ўкиб бердилар. Тургунжоннинг укалари Мухаммаджон тижоратчи эканлар. Мухаммаджон билан савдо – сотик, тижорат ишларида ўзаро кўмаклашишни келишиб олдик. Телефон оркали хабарлашиб туришни, иложи бўлса Кўконга – Ўзбекистонимизга ташриф буюришларини, бизнинг азиз мехмонимиз бўлиб кетишларини сўрадим. Собиржон хожи ота ва Мухаммаджон мен билан огаларча хайрлашиб Кашкарга кузатиб куйдилар.     Кашкар хам Ёркент каби Хитойнинг гарбий кисмдаги катта шахар бўлиб Шинжонг – Уйгур мухтор туманида, Кашкар дарёси сохилида жойлашган. Шахар марказидаги мехмонхонага жойлашгач, кашкарлик кариндошларни излашга тушдим. Бизга маълум манзилда бўлдим. Махалла кўмитасида, кексалар билан сухбатда бўлдим. Масжидда намоздан сўнг ёши катталардан суриштирдим. Бу манзилда Завкий авлодлари яшамаганлиги маълум бўлди. Хукумат идоралари, махалла кўмиталари шу кунларда фавкулодда холат бўлгани учун кидирув натижали бўлмади. Биргина умид шу бўлдики, Кашкар шахри, Ёрбог райони, Заргарлик кўчасида яшаётган адабиёт ўкитувчиси Абдурахим Собит ака мухим гапни айтдилар: Завкийнинг ўгли Мухаммад Амин (тахаллуси Тўлкин) нинг шеър ва газаллари Урумчида нашр килинган “Шинжонг ўзбек адиблари” уйгур тилидаги китобида босилиб чиккан экан. Бу китобга Фуркатнинг “Дилрабо”, “Кўрдимки, бир париваш”, “Бу хаёл эркан галат” ва “Хайрият” каби газаллари киритилган. Китоб муаллифи урумчилик адабиётшунос олим Кодир Ахмад балки Мухаммад Аминнинг яшаб ўтган манзилини билиши мумкин экан. Буюк суфийлар, тасаввуф пирлари, азиз – авлиёлар олиму фузалолар кабрини зиёрат килиш улуг савоб ишлардандир. Шундай ният билан Хайитгох масжиди майдонидан автобусга тушиб Офокхожа макбараси зиёратига бордим. Кашкарда архитектура ёдгорликларидан Хайитгох масжиди, XVIII асрга оид Офокхожа макбараси яхши сакланиб колган ва улар давлат мухофазасига олинган. Макбарага етиб келганимда, шу ердаги Офокхожа масжиди жума куни бўлгани учун гавжум эди. Макбара Амир Темур Хожа Ахмад Яссавий хотирасини улуглаб курдирган макбара каби салобатли, мовий ранг безаклар билан кошинланган, олд томони гулзор килинган. Макбарага кираверишда ўша вактлардан колган гиштин дарвоза олдида каттагина ховуз бўлиб дарахтлар соясида атрофни салкин килиб турибди. Ривоят килишларича Машраб наманганлик устози йўлланмаси билан Кашкарга келиб, ўша ховуз олдида ўтирганини кўрган хазратнинг муридларидан бири Офокхожага, бир мусофир йигит юпун кийимда ховуз лабида ўтирганини айтади.  Офокхожа: “У йигит узокдан келган мехмон. Исми

Машраб. Олиб киринг” – деб буюради. Машхур шоиримиз Бобораҳим Машраб (1657 – 1711 йил) ўшанда 17 ёшда бўлиб, бир неча йил мурид бўлиб хазрат хизматида бўлган Мулло Хидоятулло хожам номи билан машхур бўлган Офокхожа 1695 йилда вафот килиб шу макбарага дафн килинганлар. Макбара ичига кирганимизда Офокхожанинг 5 авлоди: ўгил – кизлари, невара – чевaралари бу ерга дафн килинганини айтишди. Ўртадаги кизил алвон ёпинчикли сагана Офокхожа кабрлари экан. У зоти шарифнинг оталари асли Самаркандли бўлиб, Шаркий Туркистонга келиб колган эканлар. Офокхожанинг хозирги авлоди кўпрок шу Офокхўжа махалласида истикомат килар эканлар. Зиёратларни тугатиб Кўконга эсон – омон етиб келганимдан сўнг, шоир Чархийнинг якин шогирдларидан бири кўконлик таникли хонанда, адабиётшунос, филология фанлари номзоди Назиржон ака Назаров бу изланишга яна бир янгилик киритдилар. 1970 йилларда Чархийга кариндошларидан – Гулжа шахридан хат келган. Хатда ёзилишича Завкий авлодлари Гулжа шахрида яшаётганлари, Завкийнинг кизи Ханифахон ўзбеклар махалласида шоира бўлиб танилиб колганлиги айтилган. Ха, энди насиб килса, аждодларни излашни Урумчи ва Гулжада давом эттириш ниятимиз бор.

---

**ФУРКАТНИНГ «ИЛМ ХОСИЯТИ» ШЕЪРИНИ ЎРГАНИШ** (Р.Саидова)

«Илм хосияти» шеъри куйидаги режа асосида ўрганилади:
1. Кирши (ўкитувчининг кискача сўзи).
2. Шеърни ифодали ўкиш.
3. Шеърда учраган кийин сўз ва ибораларга изох бериш.
4. Шеърни сухбат методи билан ўрганиш.
5. Темани мустахкамлаш ва якунлаш.

Ўкитувчи «Илм хосияти» шеърини ўтмасдан илгари юкоридаги режа асосида мазкур асар хакида кириш машгулоти ўтказади. Бу машгулот маъруза методи билан олиб борилади.

Дастлаб ўкитувчи «Илм хосияти» шеъри юзасидан кириш машгулоти олиб борганда шоирнинг таржимаи холига мурожаат килади, яъни Фуркатнинг Тошкент шахрида бўлгани, Тошкентдаги янги илм ўчоклари, техника ва маданият билан танишгани, натижада шоирда янги-янги илгор фикрлар тугилгани хакида, бу таассуротни «Гимназия», «Илм хосияти», «Суворов хакида», «Виставка хусусида» каби шеърларида ифода этгани хакида маълумот беради. Бу маълумот «Илм хосияти» шеърини ўрганиш ва пухта тушуниш учун замин хозирлайди, кейин ўкитувчи шеърни ифодали ўкийди. Бунинг учун ўкитувчи шеърнинг вазнига алохида диккат килади. Шеърнинг вазни куйидагича:

Мафоилун—мафоилун—фаулун

Дейин сўз ил—м нинг хоси—ятидин.
Баён айлаб—анинг мохи—ятидин.
Ўкитувчи олдин бахрни (мафоилун—мафоилун—фаулун) ўкишни, кейин шу бахрнинг ўкилишига мослаб шеърни ўкишни ўргатади. Шундай метод билан иш олиб борилганда, шеърни ўкиш осонлашади. Бир неча ўкувчи шеърни ифодали ўкийди ва мазмунини сўзлаб беради. Шундан сўнг шеърдаги тушунилмаган сўзлар ўрганилади. Ўкитувчи тушунилмаган сўзларни уч группага бўлиб тушунча беради: 1) айрим шахслар, олимларнинг номлари, 2)илм-фан терминлари, 3) изох талаб киладиган сўзлар. Бу сўзларнинг ўзи ва изохини алохида картонга ёзиб, синфга илиб кўйилади.

Фуркатнинг "Илм хосияти" шеъридаги тушунилмаган сўзлар изохи
Айрим шахслар-нинг исмлари Изохи Илм-фан термин-Лари Изохи Аирим сўзларнинг изохи Айрим сўзларнинг изохи (давоми)
Фалотун ёки Афлотун
Арасму (Аристотель)
Лукмон Эрамиздан илгари 427 йилда тугилиб, 343 йилда вафот этган юнон олими.
Буюк юнон олими, эрамиздан илгари 384 йилда тугилди, 322 йилда вафот этди. Александр Македонскийнинг устози
Араб афсоналари-даги машхур олим (табиб) хикмат
анжуман
дониш
донишманд
улум
сохиби хунар
фунун билимдонлик, фал-сафа, физика
мажлис, йигин
билим, маълумот
билимдон, ўкимишли
илмлар
хунар эгаси
билимлар, илмлар, хунарлар зихи — яхши
гўш — кулок
фархунда — бахтли, кувончли фатонат — зий-раклик
адад — сон, санок
акмал — етук, етишган
магриб — гарб сокин — тинч, бир жойда турувчи сипохийлик иши — амалдорлик, ху-кумат иши
махз — бутунлай
басту кушод — богликни очиш (хал бўлмаган масалаларни ечиш)
сурур — шодлик дариго — афсус, аттанг хосият — махсус си-фат
мохият — хакикат, хар нарсагшнг асли
сипехр — осмон, ос-мон гумбази
хиргох — чодир
офок — дунё (уфк-нинг кўплиги)
бахр — денгиз

бар — куруклик
мусаххар — забт ки-линган
заковат — нозик-фахмлик
хирад — акл, хуш
афзун — ортик, зиёда
ойин — расм, одат, килик
жахонбин — жахонии кўрсатувчи
таманно — тилак, ис-так, орзу
назора — караш, назар ташлаш
нафъ — фойда
суд — фойда

Бундай машгулотдан кейин ўкувчилар «Илм хосияти» шеърининг мазмунини яхши тушуниб оладилар, сўнгра ўкитувчи рахбарлигида асар тахлил килинади. Бу ўринда ўкитувчи мусохаба методидан фойдаланади. Куйида ушбу сухбатнинг мазмунини келтирамиз:
Ўкитувчи. Шоир «Илм хосияти» шеърида Искандар замонасидаги илм-маърифатни кандай тасвирлайди?
Ўкувчи. Фуркат Искандарни жахон подшоси, бутун дунёни — куруклик ва денгизни эгаллаган шахс деб тасвирлайди. Шоир Искандарнинг карамогида 4000 олим бўлиб, улар илм сохасида Арастудан юкори туради деб кўрсатади. Хусусан, Фалотун хамма илмни эгаллаган, хатто ажалга хам чора топган эди, у канча илмларни ижод килди ва шу билан оламни обод килди. Фалотун Искандарнинг буйруги билан шундай ойна ясадики, бу ойнага караган киши бутун дунёни кўрарди. Аммо ойнада кўринган одамлар билан сўзлашиш мумкин эмасди. Искандарнинг олимлари уларни сўзлатиш чораларини топа олмадилар. Ўша вактдаги олимлар одамларнинг хатларини бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга тезрок етказиш ва тезрок жавоб олиш йўлларини хам кашф кила олмадилар.
Ўкитувчи. Фуркат фан ва техникани ривожлантиришда Россиянинг ролини кандай ифода этади?
Ўкувчи. Фан ва техникани тараккий эттиришда Россия шоирнинг диккат марказида турди. Фуркат илм-фанни тараккий эттиришда Россия олимлари зўр гайрат кўрсатганлигини, уларнинг Афлотундан хам устун эканлигини эхтирос билан тасвирлади. Сўнгра шоир рус олимларининг почта-телеграф ихтиро этганларини, техниканинг бу шахобчаси халк ва хукумат ишини енгиллаштирганини бирма-бир баён килади.
Ўкитувчи. Шоир ўз шеърини нима билан тугатади?
Ўкувчи. Шоир ўз шеърини халкни илм-фан ва техникани эгаллашга чакириш билан якунлайди.
Ўкувчилар билан ўтказилган юкоридаги сухбат охирида ўкитувчи уларнинг берган жавобларини тўлдиради, якунлайди, хар кайси илмнинг заминида мехнат ётишини ўкувчиларга ўктиради, замонамизнинг маданиятли ва ўкимишли кишиси бўлиб етишиш учун мехнат ва илмга мухаббат билан караш лозимлигини айтади. Шундан сўнг ўкитувчи ўкувчиларни икки группага бўлади, биринчи группага шеърни яна бир марта кўриб чикиб, шеърда келишик кўшимчалари кандай ишлатилганини кузатишни, иккинчи группага эса бор дурур, бирла, олгайлар, аларга, туруб, бўлсун каби сўзларнинг хозир кандай ёзилишини айтиб беришни топширади.

Уйга куйидаги маколлардан хохлаганини танлаб иншо ёзиб келиш вазифа килиб топширилади:

1. Билим — бахт келтирар.
2. Билим—давлатдан киммат.
3. Билим — кучда, куч — билимда.
4. Илм—акл чироги.
5. Илм, билим—ерга эмас, элга.

---

**ФУРКАТ ШЕЪРЛАРИНИНГ ВАЗН ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ** (Р. Тожибоев)

Кўкон адабий мухитининг энг таникли намояндаларидан бўлган машхур шоир Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат (1859-1909)нинг ижодини кенг ва чукур ўрганиш хар бир ўкувчининг вазифаси бўлмоги лозим деб ўйлаймиз. Чунки Фуркат ўткир истеъдоди билан халкимиз орасида кенг шухрат козонган атокли ўзбек шоирларидан биридир.
Мустакиллик йилларида шоир ижодини умумий ўрта таълим мактабларида ўрганишга катта эътибор берилмокда. “Умумий ўрта таълим мактаблари учун адабиёт фанидан Дастур”да Фуркат ижодини IX синфда ўрганиш кўрсатилган. Дастурга асосан 9-синф учун чикарилган дарслик-мажмуа(Тошкент, 2006; муаллифлар: К.Йўлдошев, В.Кодиров, Ж.Йўлдошбеков)да Фуркатнинг бешта газали, биттадан мухаммас ва мусаддаси берилган. Мазкур шеърларнинг гоявий-бадиий хусусиятларини тўлаконли ўрганишда уларнинг вазнларига хос бўлган жихатларни хам эътиборга олиш зарур. Чунки адабиёт фанидан Давлат таълим стандартларига шархларда уктирилишича, “Умумий ўрта мактаб битирувчиси ... мумтоз бадиий асарлардаги шеър санъатлари, бадиий усуллар, кофия, радиф, вазн ўлчовлари сингари шаклий хусусиятларни фарклай олиши ва шу асосда бадиий матнни тахлил кила олиши; аруз вазни ва уларнинг ўлчовларини фарклаши хамда бадиий асар талкинида кўллай олиши лозим“(Каранг: “Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўкув дастури. Она тили. Адабиёт. Ўзбек тили (таълим бошка тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)”. 1999 йил, I-махсус сон, 148-154-бетлар).
Куйида шоирнинг 9-синфда ўрганилиши кўзда тутилган шеърларининг вазн хусусиятларини кўриб чикамиз:

I. Фас-ли нав/-ба-хор ўл-ди/ ке-ти-бон/ зи-мис-тон-лар,
– V – / V – – – / – V – / V – – –
Дўс-т-лар/ га-ни-мат-дир/ сай-рэ-тинг/ гу-лис-тон-лар.
– V – / V – – – / – V – / V – – –
Фо-и-лун / ма-фо-ий-лун / фо-и-лун / ма-фо-ий-лун

Демак, ушбу газал хазажи мусаммани аштар вазнида ёзилган.

II. Ул ка-ро кўз кўз-ла-ри-га сур-ма бе-жо тор-та-дур,
– V – – /– V – – /– V – – /– V ~
Бал-ки ан-дин дах-рэ-ли ор-тик-ча гав-го тор-та-дур.

– V – – /– V – – / – V – –/ – V ~
Фо-и-ло-тун / фо-и-ло-тун / фо-и-ло-тун / фо-и-лон

Газал рамали мусаммани максур вазнида ёзилган. Аммо газалнинг 3-, 5-, 7-, 15-, 17-, 19-мисралари, яъни кофияланмайдиган айрим сатрлари рамали мусаммани махзуф вазнида яратилган бўлиб, рукнлари “фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилун” шаклидадир:

Вазн талабига кўра, 2-мисрадаги “дахр эли” бирикмасида васл коидаси кўлланилади, яъни бу бирикмадаги икки сўз бири-бирига кушиб ўкилади. 6-байтдаги “хусн ила” бирикмасини ўкишда хам мазкур коидани кўллаш керак бўлади. 5-байтдаги “бўй”, “богнинг”, “богбон” сўзлари “бў-ўй”, “бо-г-нинг”, “бо-г-бон” тарзида, яъни бир бўгин орттириб ўкиш талаб этилади. 6-байтдаги “ишк” сўзи “иш-к”, 7-байтдаги “ишкни”, “мушк” сўзлари “иш-к-ни”, “муш-к”, 8-байтдаги “кажрафторнинг”, “айшни” сўзлари “каж-раф-то-р-нинг”, “ай-ш-ни” тарзида ўкилиши лозим.

III. Сур-ма-дин кўз- / лар ка-ро кўл- / лар хи-но-дин / ло-ла-ранг,
– V – – / – V – – / – V – – / – V –
Го-за-дин юз- / лар-да то-бу / ўс-ма-дин кош- / лар та-ранг.
– V – – / – V – – / – V – – / – V –
Фо-и-ло-тун / фо-и-ло-тун / фо-и-ло-тун / фо-и-лун

Демак, ушбу газал рамали мусаммани махзуф вазнида ёзилган. Аммо газалнинг 5-, 7-, 9- , 15- мисралари, яъни кофияланмайдиган айрим сатрлари рамали мусаммани максур вазнида яратилган бўлиб, рукнлари “фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилон” шаклидадир:

Бо-ри но-зик пан-жа-лар ол-тун у-зук-дин зе-б-нок...
– V – – / – V – – / – V – – / – V ~
Гав-хар ос-кон хал-ка-лар сий-мин та-но-гу-ши-да банд...
– V – – / – V – – / – V – – / – V ~
Гам-за бир-ла ўл-ту-рур гах жил-ва-лар бир-ла ю-рур...
– V – –/– V – – / – V – – / –V ~
Ул па-ри-ваш иш-ки-дин-ки тел-ба-дур-мен го-х сог...
– V – – / – V – –/– V – – / – V ~

Аруз вазнида ёзилган деярли барча шеърларда мана шу каби ходиса учрашини таъкидлашни истардик. Чунки кўрсатилган мисралардаги охирги хижолар ўта чузик бўлиб, бу эса “фоилон” рукнини хосил киляпти. Натижада вазннинг номида ўзгариш бўлмокда. Аслида бу икки вазн – рамали мусаммани махзуф ва рамали мусаммани максур ўртасидаги фарк деярли сезилмайди, чунки мисра охиридаги бўгин чўзик хижо бўлса хам, ўта чўзик хижо бўлса хам, барибир бошка чўзик хижоларга караганда чўзикрок талаффуз этилади. Лекин вазнни номлашда махзуф рукни билан максур рукнини бир-биридан фарклаш лозим.

Вазн талабига кўра 2-байтдаги “рўймол” сўзини “рў-йи-мол”, 3-байтдаги “зебнок” сўзини “зе-б-нок”, 6-байтдаги “шўх-шанг” сўзини “шў-хи-шанг”, 7-байтдаги “менга” сўзини “ме-нга”, 8-байтдаги “гох” сўзини “го-хи”, 9-байтдаги “жаврларким” сўзини “жав-ри-лар-ким” тарзида ўкиш керак бўлади. 2-байтдаги “кўйлак узра” бирикмасини эса “кўй-ла-куз-ра” шаклида ўкиш лозим. Шунингдек, 3-байтдаги “гавхар оскон”, 9-байтдаги “Фуркат ул” бирикмаларини ўкишда хам “васл” коидасини кўллаш лозим.

IV. Биз ис-тиг-но э - ли кич - кир-ма-гон маъ-во - га бор-мас-миз,

V – – –/ V – – – / V – – –/V – – – А-гар чан-ди-ки хир-ман ай-ла-са дун - ё - га бор-мас-миз.
V – – – /V – – –/ V – – – / V – – – Ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун
Газал хазажи мусаммани солим вазнида ёзилган.
Бу газални ифодали ўкишда хам вазн талабаларига риоя килиш керак бўлади. 1-байтдаги “биз истигно” сўзини “би-зис-тиг-но”, 2-байтдаги “зохир этса” бирикмасини “зо-хи-рэт-са”, “мавж уран” бирикмасини “мав-жу-ран”, 4-байтдаги “халк аро” бирикмасини “хал-ка-ро”, 6-байтдаги “биз эллар”, “факр элимиз” бирикмалари “би-зэл-лар”, “фак-рэ-ли-миз” шаклида ўкиш лозим. Буни васл коидаси талаб этади.

V. Ки-ши хо-лим-/ ни бил-мас мех-/ ри - бо - ни-дин / а-даш-ган-ман,
V – – – / V – – – /V – – – / V – – –
Ва-тан о-во-/ ра – дур-ман дў/-с-то-ни-дин / а-даш-ган-ман.
V – – – / V – – –/ V – – – /V – – – Ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун ма-фо-ий-лун
Мухаммас хазажи мусаммани солим вазнида ёзилган.
Бу мухаммасда хам вазн талабига кўра 1-банддаги “дўстонидин” сўзини “дў-си-то-ни-дин” шаклида, 2-банддаги “гамнок” сўзини “гам-но-ок” шаклида, “чок” сўзини “чо-ок” тарзида ўкиш керак бўлади. Акс холда вазн охангдорлиги талабдагидек чикмайди.
V. Сай-динг кў-/ я-бер сай-ёд / сай-ё-ра / э-кан мен-дек,
– – V / V – – – / – – V / V – – –
Ол до-ми-/ ни бўй-ни-дин / бе-чо-ра / э-кан мен-дек.
– – V / V – – – / – – V / V – – –
Мафъ-ув-лу / ма-фо-ий-лун / мафъ-ув-лу / ма-фо-ий-лун.
Демак, бу мусаддас хазажи мусаммани ахраб вазнида ёзилган. Шеърни ўкишда 7-, 14-, 19-22-, 25-28-, 31-мисраларда “васл” коидасини кўллаш керак бўлади.
Умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт дастуридан ўрин олган мумтоз шеъриятимиз нафосатини кўрсатувчи асосий омиллардан бири бўлган аруз вазнини ўрганиш давр талабидир. Шундай экан, мумтоз шеъриятимиз намуналарини ўкувчиларга ўргатишда уларнинг вазн хусусиятларини эътибордан сокит килмаслик хар бир адабиёт муаллимининг мухим вазифасидир.

---

## **“УЧ ХАРОБОТИЙ”   КИМЛАР ЭДИ?** (Р. ТОЖИБОЕВ)

Халкимизнинг ардокли шоири, айни пайтда таваллудининг 150 йиллиги юртимизда кенг нишонланаётган Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат (1859-1909)нинг бой ва ранг-баранг адабий меросида “Уч хароботий” мусаддаси хам борлиги барчамизга яхши маълум.
Уч хароботий эрурмиз, сокини майхонамиз,
Хум бошидин чарх уруб, монанди парвонамиз,

Маст ўлубмиз, жўшиши майдин ажаб девонамиз,
Холимиз дунё гамидин, фориги кошонамиз,
Ёр бизнинг ёримиз, жонон бизинг жононимиз,
Ушбу даврон бирла ўлсак, йўк эрур армонимиз, -

банди билан бошланувчи мазкур мусаддас мазмун ва бадиий жихатидан юкори даражада бўлгани сабабли 1958 йилда эълон килинганидан буён кўплаб йирик адабиётшунослар эътиборини жалб этган ва ўзининг юкори бахосини олган.

Улуг шоиримиз ва зукко адабиётшунос Максуд Шайхзода мазкур мусаддасни “Фуркат лирикасининг шох асари деб саналишга лойик” деб таърифлайди. Унинг фикрича, “бу мусаддас хакикий дўстликнинг ва хаёт, бахт, севги тантанасининг ўлмас таронасидир” (Каранг: Шайхзода, Максуд. Фуркат хакида кайдлар//Китобда: Фуркат ва Мукимий хакида маколалар. Тошкент, Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1958, 67-68-бетлар.)

Давр адабиётини пухта ўрганиб, йирик тадкикотлар яратган йирик адабиётшунос Г.Каримов унда Фуркат дунёкарашининг мухим томонлари акс этиши билан бирга унинг ижодий-эстетик позицияси хам ифода килинганини таъкидлаган (Каранг: Каримов Г. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. Тошкент, “Ўкитувчи”, 1975, 191-бет).

Таникли фуркатшунос А.Абдугафуров уни “фалсафий-сўфиёна йўналишига эга бўлиб, Фуркат лирикасининг бошка намуналаридан ажралиб туради” деб таърифлайди. (Каранг: Абдугафуров А. Зокиржон Фуркат(хаёти ва ижоди) Тошкент, “Фан”, 1977, 128-бет).

Академик А.Каюмов мазкур мусаддаснинг шоир ижодида алохида ўрин тутишини таъкидлаб, “бу мусаддас Фуркат ва яна ўша доирадаги икки шоир иштирокида мушоира йўли билан ёзилган шеър бўлса керак” деб тахмин килади (Каранг: Каюмов А. Шеърият жилолари. Тошкент, “Ўкитувчи”, 1997, 92-93-бетлар).

Устоз адабиётшуносларимизнинг бу машхур мусаддас хакидаги фикрлари бизни изланишларга чорлади. Айникса, академик А.П.Каюмовнинг мусаддас муаллифлиги масаласида билдирган фикрлари шеърнинг ёзилиш тарихини ва ундаги уч хароботийнинг кимлар эканини аниклашга бўлган иштиёкни оширди.

Маълумки, Фуркат ижодининг дастлабки йилларида унинг Хўканди латиф адабий мухити вакиллари билан ижодий хамкорлиги самарали бўлган. Унинг кўплаб газал ва мухаммаслари шу ижодий хамкорлик натижасида яратилгани шубхасиз. Бу хакда унинг ўзи 1891 йилда ёзилган “Хўкандлик шоир Зокиржон Фуркатнинг ахволоти, ўзи ёзгони” номли асарида куйидагиларни кайд этган: “Чун ёшим соати умр шабру рўзида йигирма тўрт шуморига етти. Ул вакт Хўканд вилоятидаги фозил ва расо табъ кишилар бирла иттиход айлаб, аларнинг сухбатидин кўб бахралар топдим ва аср шуаролариким, чунончи, мавлоно Мухйи ва мавлоно Мукимий ва мавлоно Завкий ва мавлоно Нисбатдурлар, хамиша мажлис бунёд айлаб, зодаи табъларимиздин мушоара килур эрдук ва бир газалда татаббуъ кўргузуб, бир мазмун хар навъ ифода топар эрди. Гохо хамд гулшанидин гул узуб, гохо наът нахлистонидин самарчин бўлур эрдук ва баъзи вакт ишк тавсифи ва хусн таърифида газал машк айлаб ва гохи кадимий шуаролар девонларидан бир шўх газални топиб, анга хар кайсимиз алохида мухаммас боглар эрдук”. (Каранг: Фуркат. Танланган асарлар. Икки томлик, иккинчи том. Тошкент, 1959, 139-140-бетлар.)

Фуркатнинг мазкур сўзларидан илхомланиб, “Уч хароботий” мусаддасига вазни ва кофияланиши жихатидан якин бўлган уч газал диккатимизни ўзига тортди. Улар

кўконлик олимлар – захматкаш адабиётшунос, зукко матншунос, мархум Ахмаджон Мадаминов ва А.Турдиалиевлар томонидан нашрга тайёрланиб, 2003 йилда чоп этилган шоир Завкийнинг “Ажаб замона” шеърлар тўпламидан ўрин олган. Бу газалларни куйида келтиришни лозим топдик:

Биринчи газал
Бодаи васлинг качон нўш этибон конамиз?
Онгача хижронда бўлгайму бизи майхонамиз?
Шамъи оламсўз хуснингни кўруб, парвонаваш
Умрлардур оташи ишкинг аро ўртонамиз.
Бир мурувват кўргузуб, хуршиди оламтобдек,
Партави хуснинг билан килгил мунаввар хонамиз.
Лутф этиб гар хотири махзунимиз шод этмасанг,
Биз хам этган ваъдаи рўзи аластдин тонамиз.
Отма кўнгул шишасига санги бежо, синмасун,
Табъимиз озода деб, Фаргонада махтонамиз.
“Рух”ни голиб айлагил “шох” хам махалли кишту мот,
Ишк базми ичра сатранж ўйнагон уч донамиз.
Кўнглумиз айлаб паришон, хар тарафга таркатиб,
Неча муддатдурки, ул новаки мужгон шонамиз.
Анбарин зулфингни боглаб жонлара таъвиз учун,
Ёдинг ила кечалар гохо чўчуб уйгонамиз.
Завкий ила Фуркатий, кулбангга дўстинг келмаса,
Айлаб истигно бизам мундок ёрдин тонамиз (Мазкур китоб, 20-бет).

Иккинчи газал
Муддатедур, бодаи ишкинг ичиб мастонамиз,
Масти лояъкил бўлуб, эл ичра кўп афсонамиз.
Истама дур айламак шамъи жамолингдин бизи,
Рахм килким, жону дил килган фидо парвонамиз.
Колмади таннинг мадори, жавру озоринг чекиб,
Жона еттук, лутф кил, бўлсанг агар жононамиз.
Телба кўрсанг, эй пари, хар лахза тут маъзурким,
Биз жунун сахросидин келгон ики девонамиз.
Холу абрў ёдида бўлдук каронгу рўзгор,
Нур ила нетгай ёрук этсанг келиб кошонамиз.
Ўзгалардин сонмаким, биз ошнолигда хасан,
Ихтироз этма, арода йўк эрур бегонамиз.
Эй, малохат мулкининг султони, этма ноумид.
Кулларингнинг куллари хайлида ўзни сонамиз.
Тушмаса гар арзимиз васлинг кулогига кабул,
То тирикмиз, Завкий, Фуркат хажр ўтига ёнамиз. (21-бет)

Учинчи газал
Ой жамолинг шамъига хар кеча ўртаб ёнамиз.
Жон нисор этмокда гўёким, пари, парвонамиз.
Неча кундур, айладинг базми висолингдин йирок,

Эй пари, бўйла хаёлинг истаюб девонамиз.
Боглаюб ахли мухаббат, санга бўлдук ошно,
Гарчи бўлса сарвкад жилвагахи бегонамиз.
Жоми ишкингдин мухаббат бодасин ул дам ичиб,
Фориг эл ташвишидин, то ушбу дам мастонамиз.
Мунча гавгодин, ракиби рўсиях, недур мурод?
Табъи нозукдур, кўтармас фитнани жононамиз.
Хохи рад килгил бизи, хохи кабул эт, шахриёр,
Даст "алиф-лом" хизматингда тургучи мардонамиз.
Ой жамолингдин кўтар етти хижоб, тўккиз никоб,
Чун харими васлинга махрам бўлолмай ёнамиз.
Колмади токат тагофулдин, нигоро, хам чу тифл,
Ваъдаи халвога токай талпиниб алдонамиз.
Аксарини Нисбатий, кам Завкию Фуркат деди,
Биз хам истигно этиб мундог жавондин тонамиз. (22-бет)

Биринчи газал адабиёт ахлига устоз адабиётшунос, мархум Г.Каримовнинг олий ўкув юртлари талабалари учун ёзилган "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслиги оркали маълум эди. Тўгри, Г.Каримов асли 9 байтли бу газалнинг 6 байтини келтирган, холос. Адабиётшунос нима сабабдан бундай килгани бизга маълум эмас. Газалнинг 2-, 3-, 4-байтлари тушириб колдирилган. Натижада у олти байтли газал сифатида ўкувчилар диккатига хавола килинган. Г.Каримов ёзишича, "Мазмунан характерли бўлган бу газал ўзининг умумий рухи ва услуби билан Фуркатнинг машхур "Уч хароботий" мусаддас-таржиъбандини эслатади. Бу газалда хам "Уч хароботий" мусаддас-таржиъбанддаги каби самимий мухаббатга эга бўлган, лекин ёрнинг бевафолигидан алам ва изтироб чеккан "уч ошик" хакида фикр юритилади. Бу газалда хам истигно билан ўз ёридан кечиб, фалсафий мулохазалар оламига отилган "нозик табиатли" ошиклар образи гавдаланиб туради. Газал гоявий йўналиши жихатидан "Уч хароботий" мусаддасидаги мазмунни давом эттириши билан бирга, кофия, вазн ва бадиий образлар системасида хам унга ўхшаб кетади" (Каранг: Каримов Г. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб. Тошкент, "Ўкитувчи", 1975, 191-бет).

Иккинчи газал хам адабиёт ахлларига маълум. Унинг матнини дастлаб таникли адабиётшунос, мархум А.Абдугафуров ўзининг "Зокиржон Фуркат" рисоласида келтирган (Каранг: Абдугафуров А. Зокиржон Фуркат(хаёти ва ижоди). Тошкент, "Фан", 1977, 129-бет). Мазкур нашрда ушбу газал тўккиз байтли бўлиб, куйидаги байт унда еттинчи бўлиб келган:

Айладук таклифи вайрона, Сулаймон деб сани,
Гарчи мўри ланг янглиг кодири бир донамиз.

"Ажаб замона" китобида мазкур газалнинг саккиз байтли бўлиб келгани ноширларнинг бошка кўлёзма баёзга асосланганларидан бўлса керак. А.Абдугафуров мазкур газални "шу вазн ва кофияларда хамда етакчи рух жихатидан мусаддасга хамоханг" дея таърифлайди . Муаллиф газални Фуркат каламига мансуб деб хисоблайди ва юкорида келтирилган биринчи газални "Завкий хам бу мавзуда калам тебратиб, Фуркат газалига хар жихатдан монанд назира яратади, у хам лутф билан Фуркат тахаллусини ўз газалида келтиради. Аммо Фуркат газалидан фаркли ўларок, Завкий назираси уч шахс номидан ёзилганки, бу уни юкорида сўз юритилган мусаддас ("Уч хароботий" - Р.Т.)га

янада якинлаштиради” (Абдугафуров А. Ўша манба).
Иккинчи ва учинчи газаллар 1990 йилда А.Мадаминов томонидан эълон килинган эди (Каранг: Мадаминов А. Фуркатнинг янги топилган шеърлари // Китобда: Фуркат ижодиёти. Тошкент, “ФАН”, 1990, 120-122-бетлар). Бирок улар Фуркат ижоди намуналари сифатида китобхонларга такдим этилган эди.
Бизнингча, ушбу биринчи ва иккинчи газалларни Фуркат ва Завкийнинг, учинчи газални эса Нисбатий, Завкий ва Фуркатларнинг ижодий хамкорлигида яратилган десак, янглишмаган бўламиз. Уларнинг шу тарика яратилгани газаллар мактаъларида хам яккол акс этиб турибди.
Мазку газаллар академик А.П.Каюмовнинг “Уч хароботий” мусаддаси муаллифи масаласидаги тахминларини кўллаб-кувватлайди. Нисбатий, Завкий ва Фуркатлар дастлаб мазкур газалларни битганлар, сўнгра шу газаллар вазни ва кофиясида боўланувчи мазкур мусаддасни яратганлар. Мусаддасда хар уч шоирнинг 1883-1886 йиллардаги кайфиятлари, хаётга карашлари ўз аксини топган. Ўша пайтларда, Фуркат хали Кўконда яшаб юрганида ушбу шоирлар маънан жуда якин бўлганлари айни хакикат.
Ана энди асл максадимизга келдик. “Уч хароботий” мусаддаси Нисбатий, Завкий ва Фуркатларнинг ижодий хамкорлиги меваси ўларок дунёга  келган дейиш  мумкин. Шеърнинг лирик кахрамонлари – “уч хароботий”, “уч аламкаш”, “уч каландар”, “уч databases”

---

**Фуркат маънавияти ёшларга ўрнак** (Р. Зокиров)

Ўзбек адабиётида маърифатпарварлик гоясини таргиб этган ижодкорлар каторида Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркат хам ўз ўрнига эга. Фуркат ўзидан бой адабий мерос колдирди. Шоир шеърлари, асарлари ўзбек халкининг маънавий бойлиги хисобланади. Мустакиллик шарофати туфайли Фуркат шахсига, унинг ижодига янгича муносабат пайдо бўлди. Шоир фаолиятига бўлган илмий карашлар янгича ёндашув асосида тахлил этила бошланди. Унинг  шеърларидаги миллий рух энди хакикий ўз ифодасини топди, десак муболага бўлмайди. Шоирнинг биргина “Келинчак” газалиннинг ўзидаёк ўзбек халкининг миллий маънавияти ўз аксини топганлиги фикримизнинг ёркин далилидир. Зеро, шоир ўзбек келинчагининг миллатимизга хос бўлган назокатини мохир санъаткорлик билан тасвирлаган. Газалдаги ўзбек келинчагининг хаё ва ибоси, садокат ва вафоси, миллий либос хамда зеб-зийнатлар билан безаниши бугунги кун ўзбек кизлари учун хам намуна бўла олиши шак-шубхасиздир.
Фуркатнинг ижодий мероси, адибнинг хаёт йўли ёшларимизни миллий рухда тарбиялашда, уларга ватанпарварлик туйгуларини сингдиришда дастуриламал бўлиб хизмат килади.
Хукуматимиз томонидан шоир шахсига, унинг ижодига хурмат ва эхтиром кўрсатилмокда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий гоя таргиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўрисида”ги

№451-сонли карорига асосан вилоят хокимлигининг 2009 йил 27 октябрда №201 сонли "Атокли шоир ва ўзбек адабиёти намояндаси Зокиржон Холмухаммад ўгли Фуркатнинг 150 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўгрисида" ги карори хам фикримизга асос бўла олади.

---

**"КАШМИРДА" ГАЗАЛИДА ГЎЗАЛ МАЪШУКА ТАСВИРИ** (С. Каримова)

Ўзбек мумтоз адабиётида портрет яратиш алохида махоратни талаб килади. Шу билан бирга хар бир ижодкор ўзига хос йўлдан бориб, сўзлар оркали портрет чизиш услубини шакллантиради. Ўзбек адабиётида гўзал аёл тасвири поэзияда хам, прозада хам ёзувчи симпатияси билан боглик холда берилади. Ижодкорлар гўзаллик ва гўзал аёлни кандай тасаввур килишларидан келиб чикиб тасвир берадилар. Шунингдек, улар яратган портрет асар гояси, образ характери билан богланган холдагина бадиий кимматга эга бўлади. Портретлар ўзига хос юк олиб, гоявий маъно ташийди ва характерни тўлаконли чикишига хизмат килади.

Таваллудининг 150 йиллиги нишонланаётган мумтоз адабиётнинг лирик шоирларидан бири Фуркатнинг "Кашмирда" (Фуркат. Танланган асарлар. –Т., 1958, 48-бет) деб номланган газали бор. Бу газалда гўзал аёл тасвири ўзига хос услубда чизиб берилади. Газални ўкир экансиз, санъаткорнинг мўйкалам билан чизилгандек, аёлнинг мукаммал киёфаси тасвирлаб берилганлигини кўрамиз. Газалдаги шоирнинг максади гўзал аёл, гўзал аёлга муносабат, гўзалликнинг инсонга таъсири масалаларини ёритишдир. Фуркат шу максад асосида сўзлар ва фикрлар ўйинини беради, чиройли мисраларга фикрини сингдиради.

"Кашмирда" газалида гўзал аёл портретини чизишда шоир муваффакияти сезиларли тарзда китобхонни мафтун килади. Портрет деталлари билан гўзалнинг ички киёфасини, инсоний фазилатларини, шунингдек, гўзалдаги бироз кибрни кўрсатишга хизмат килдирилган. Шоир тасвирга олган гўзал хуснда бебахо ва тенгсиздир. Унинг гўзаллигидан ошикнинг бутун борлигини коплаган туйгу тахлили лирик рухда мисраларга сингдириб юборилади.

Кашмир шахрига борган шоир бир гўзалга рўбарў бўлиб, хусни олдида лол колади:

Бир камар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда,
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда.

Мазмуни:

Кашмир шахрида ойдек кўзни камаштирувчи бир гўзални кўрдим. Кўзлари билан сехрлаб, юзларидаги жоду аклу хушимни йўкотди.

Байтнинг дастлабки мисраларидаёк газалга ой сиймоли аёл кириб келади. Сўнгра аёлнинг гўзал кўринишга сабаб бўлувчи холатларни алохида деталлар оркали асослайди. Аёлнинг юзи-кўзида сехрловчи ифода борлиги бадиий ифодаланади.

Аёлнинг кўзлари табиий гўзаллиги билан эмас, балки ифодаси билан хам жозибали. У кўзлари билан тикилиб караганда сехрловчи нур таркалиб, ошикни жодулайди. Ошик сехр таъсирида гўзалга богланиб, унинг олдидан кетолмай колади. Унинг кўлига тушиб,

факат хуснини васф килиш билан банд бўлади.
Зарра-зарра зар сочар бошига хар кун офтоб,
Субх келгач, кеча ётиб чашмаи эксирда.
Мазмуни:
Офтоб хар куни бошига зарра-зарра нур сочади. Эксир чашмаси (булок)да тун тугаб, тонг отади.
2 байтда офтоб хар куни гўзалнинг бошига ўзининг заррин нурларини сочиши хакида фикр берилади. Гўзалга нур таралиб туриши унинг юзи нурли эканлигидан далолатдир. Юзи, жисми нурга тўлган аёл нихоятда латофатлидир. Бу эса хар бир нарсани олтинга айлантириш хусусиятига эга бўлган афсонавий иксир чашмасида тун тугаб тонг отган пайтдаги олтин нурлар таралгани кабидир. Яъни гўзалнинг ўзи (иксир чашмаси) ва ундан нур тарилиши (гўзалнинг нурли юзи) ошикка жон бахшида этади.
Бир кўриб гохи закан Хорут ила Морут иков
Чохи Бобил ичра колмишлар бўлак тадбирда.
Мазмуни: Хорут ва Морут иккови юзнинг чап кисмидаги чукурчани кўриб, Бобил чохида бошка тадбир излайдилар.
Байтдаги юзи нурга тўлган гўзалнинг кулганда хосил бўладиган юздаги, юзнингияк кисмидаги чукурчаси янада сехрловчилик хусусиятини орттириб юборган. Шоир Фуркат гўзал аёл портретини яратишда навбатдаги деталь – кулдиргичга юк ортади. Гўзалнинг кулдиргичи шу кадар сехрлики, сехргарларнинг мукаддас даргохи бўлган Бобил (Вавилон) чохидаги сехргарликни ўргатувчи Хорут ва Морутлар хам ўйланиб колади. Уларнинг сехр-жодуларидан хам кўра гўзплнинг сехрловчи кучи юкорилигини англашади ва бошка тадбир ахтармокчи бўлишади. Машхур Хорут ва Морут хакидаги афсонага ишора бериш билан фикр бўрттириб кўрсатилади.
Ламъаи кийгоч кўзидин анинг барки нигох,
Тезлик жавхарлари гар бўлса хам шамширда.
Мазмуни: Кийик, кисилган (бодом) кўзидан окаётган шуъла яшинга ўхшайди. Худди шамширнинг тезлигидаги нурлар каби.
Байтда гўзал портретини янада мукаммаллаштириш максадида нигохнинг ўткирлигига эътибор каратилган. Гўзалнинг мафтункорлигини оширувчи яна бир манба нигохининг тезлигидир. Нигох ошикнинг дилини ўртайди ва гўзал бир караб кўйганидаёк, ошикнинг калбида ёндириб юборадиган яшин каби гулу пайдо бўлади. Бу эса шамширнинг (килич) тезлик билан харакатлантирилганда ялт этган нурнинг пайдо бўлишига нисбат килинган.
Яъни килич зарб билан бош кесиши мумкин. Бу эса кишининг калбига кўркинч солади. Кўркинч ва гулу бир-бирига киёс килиниб, гўзалнинг кудрати кучлилигига ишора килинган.
Коши узра холининг асроридин бир нуктадир,
Сураи нун ўкидим пайваста хар тасвирда.
Мазмуни: Кошининг устидаги холи сирларидан хабар берувчи нуктадир. Уни васф килиш учун нур сурасини ўкидим.
Байтда гўзалнинг гўзаллик сирларидан бири коши тепасидаги холи ва холнинг ўрнашган жойи. Шоир яратаётган аёл портретининг мукаммалигини белгиловчи навбатдаги деталь унинг холидир.
Хол бошка миллий адабиётларда аёл гўзаллигини белгиловчи восита сифатида ишлатилиши шарт эмас. Рус ва гарб ижодкорлари гўзаллар тасвирида холга доим хам мурожаат килмайдилар. Масалан, А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” асаридаги Татьяна,

Л.Н.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романидаги Наташа Ростова образларини яратишда уларнинг холларига эътибор берилмаган. Лекин ўзбек адабиётида аёлнинг юзидаги холи гўзаллигини белгиловчи асослардан бири бўлиб хизмат килади. Масалан, А.Кодирийнинг “Ўткан кунлар” романида Кумуш холининг  чиройли тасвири бор. Фуркатнинг ушбу газалида гўзалнинг коши устидаги холи тавсифи портретдаги аёл гўзаллигини таъминловчи деталь сифатида далилланади.  Хол маъшука гўзаллигини таъминловчи восита. Унинг мавжудлиги ва ўрнашган жойи Котиби кудрат – яратувчига боглик. Борликнинг яралиши нун сурасида кайд этилади. Шу сабаб “нун” сурасидаги нун ( ) харфи кош ва холга ўхшатилади. Бу ўхшашлик асослари 2 та. Биринчидан, “нун” сурасида бунёдкорлик хакида фикр юритилиши. Иккинчидан, нун ( ) харфининг мавжудлиги ва унинг чиройли ифодаси. Газал давомида шоир иккинчи маротаба хол деталидан фойдаланган:

“Нукта лаб устида бежодир”, -- дедим. Айтди кулиб:
“Сахв килмиш котиби кудрат магар тахрирда”.

Мазмуни: Лабинг устидаги холинг бежо турибди десам, бино килувчи котиб тахрир килаётган пайтда хато килган, деди кулиб.

Олдинги байтда гўзалнинг коши устидаги холи юзига мутаносиб тушган бўлса, лаби устдаги холи бежодир. Бу нукта шу кадар мафтункорки, ихтиёрингдан айирмай иложи йўк. Гўзал маъшука сўзлаганда лабининг устидаги холи хам харакатланади. Ошикнинг холи танг (бежо) бўлади. Шунда маъшука ошикнинг ахволидан кулиб, бу яратувчи котибнинг хатосидир, деб жавоб беради.  Бир жойда турмай лаб устидаги холнинг кимирлаб туриши, яъни бежоланишидан.

Кейинги байтда гўзалнинг сочи тахлилга тортилган:

Форуг эрмас хеч ким у дилрабонинг ишкидин,
Зулфига дил басталиг хар бир жувону пирда.

Мазмуни: дилга ором берувчининг ишкига мубтало бўлмаган инсоннинг ўзи йўк. Хар бир ёшу кари унинг зулфига дил боглаган. Бу байтдаги аёл портретини мукаммалаштирувчи соч, одатда, узун бўлади ва кўпинчау арконга, илонга ўхшатилади. Шу сабаб Фуркат газалида хам сочнинг богловчилик хусусиятига суянилган. Хар бир ёшу карини маъшуканинг гўзаллиги сочи оркали чирмаштирган. Ўзбек мумтоз адабиётида соч тавсифи кўплаб учрайди. Фуркат хам салафлари ортидан бориб, сочни хусн орттирувчи деталь  сифатида кўллайди.

Кейинги байтда сочнинг хусусиятлари кўпайтирилади:

Айтдим: “Эй, жон офати, зулфингга бўлмишам асир!”
Айтди: “Бул савдони кўй, умринг ўтар занжирда!”

Мазмуни: Ошик гўзалга, эй жоннинг офати, сочингга асир бўлдим, деса, маъшука ошикка бундай савдога богланмагин, умринг занжирда ўтади, деб жавоб беради.

Урушларда асир тушганлар бўйнига, кўлига, оёгига занжир солинган. Газалда хам рамзий маънода  ошикни боглаган ишк – соч воситасида занжирланган. Яъни зулф – соч занжирга ўхшатилади. Кўл-оёги боглик ошик маъшукага ўз ахволини баён этади. Лекин маъшуканинг жавоби аник. Сочимга бойлана кўрма, умринг богланиб ўтади.  Шоир ишкли кўнгил хамиша занжирланган деган хотимани беради. Савол-жавоб давом эттирилиб, мавзу ўзгаргандай бўлади:

Айди: “Эй бечора, килдинг на учун тарки Ватан?”
Ман дедим: “Гурбатда Фуркат бор экан такдирда!”

Мазмуни: Ватандан узокда бўлишингнинг сабаби нимада, деб сўради. Мен айрилик

такдиримда бор экан деб жавоб бердим.
Газалнинг сўнгги кисмида ошикнинг бечора ахволи гўзални безовта килади. Ўзга юртдан Кашмирга келиб колиш сабабларини сўрайди. Ошик бунга очик жавоб беришдан тортинади. Жудоликнинг пешонага ёзилганлигини таъкидлайди. Гўзал бепарво. Ватандан жудолиг эса унданда ёмон. Газал бошидан охирига кадар тазод санъати асосида курилган. Маъшуканинг гўзаллиги ва бепарволигига ошикнинг гариблиги ва беватанлиги карама-карши кўйилган. Тазод оркали гўзалнинг кибр-хавоси янада бўрттирилади. Ошикнинг ўй ва режалари ачинарли эканлиги, бошка Ватанда бахт туткич бермаслиги ёритилади.
Газалда шоир Фуркат портрет яратиш имкониятларини кенгайтирган. Киёсий ва тазодли тасвир фикр бериш учун кулай вазият яратган. Шоир Фуркат гўзал аёлга бўлган муносабат оркали жамият ва сиёсат хакидаги карашларни маъшука портретига сингдирган. Бу фикр газалнинг сўнгги байтида, айникса, ёркин ифодаланган. Портрет тасвир шоир ўтказмокчи бўлган фикрни усталик билан яширади. Х.Олимжон, шеърда шоир фикрини сўнгги байтдан ахтармок керак, деган эди. Фуркат шоир ўзга Ватанда ошиклик хам гарибликдир, хатто гарибга маъшука хам бепарводир, деган фикрни сингдиради.

---

## **ФУРКАТНИНГ “ФАСЛИ НАВБАХОР ЎЛДИ” ГАЗАЛИ ТАХЛИЛИ** (Т. Абдукаримов)

9 синф ва академик лицейларнинг хозирги адабиёт дастури талабига кўра, Фуркат лирикаси ўрганилади. Шоир лирикасининг гўзал намуналаридан бири “Фасли навбахор ўлди” газали бўлиб, уни ўрганиш учун бир соат ажратиш мумкин. Унинг режаси куйидагича бўлади:
Режа:
1. Фуркатнинг хаёт йўлини киска такрорлаш, лирик шеърларини эслаш.
2. “Фасли навбахор ўлди” газали матни устида ишлаш:
а) газални хофиз Таваккал Кодиров ижросидаги матнини лентадан кўйиб эшиттириш;
б) шеърни ўкувчиларга ифодали ўкитиш, паузаларини изохлаш;
в) шеър матнидаги кийин сўзлар маъносини тушунтириш.
3. Шеърнинг гоявий мазмуни хакида маълумот бериш.
4. Шеърнинг бадиий хусусиятлари (кофия, жонлантириш ва вазн) юзасидан сухбат.
5. Сухбатни якунлаш ва хулосалаш.
Режага кўра, дарс аввал ўтилган мавзу Фуркат ижоди ва унинг ўзбек мумтоз адабиётида тутган ўрни бўйича фикрлашдан бошланади. Бунда 1Х синф дарслигидаги савол ва топшириклардан фойдаланилади. Ўкувчилар жавоби хулосаланади.
Шундан кейин янги мавзу эълон килинади. Кейин эса “Фасли навбахор ўлди” газали асосида Т.Кодиров ижро этган ашулани лентадан кўйиб эшиттирилади, кейин матнни 2-3 ўкувчига ўкитиб кўрилади, сўнгра матндаги тарихий сўзлар лугати устида иш олиб борилади. Бу жараёнда хуррам-шод, яшнаган; абри найсон-бахордаги булут, настаран – ок гул, ёсуман - ёйсуман, эгилган; савсан - гулсафсар, зимистон - киш, субх

– тонг пайти, гирибон – кийим ёкаси каби сўзлар ўкувчилар томонидан аникланади, ўкитувчи томонидан изохланади.
Шундан сўнг, шеърнинг ўкилиши хамда паузалари устида иш олиб борилади. Бу жабхада ўкитувчи куйидагиларни таъкидлайди:
Аруз вазнида ёзилган шеърларни ўкишда паузага алохида эътибор берилади. Масалан:

Фасли навбахор ўлди,// кечибон зимистонлар,//
Дўстлар,//ганиматдур,//сайр этинг гулистонлар//.
Субхидам тушиб шабнам,// бўлди сабзалар хуррам//,
Гул уза томиб кам-кам,// ёгди абри найсонлар//.

Биринчи, учинчи, тўртинчи мисралар икки паузадан, иккинчи мисра эса уч паузадан иборат, яъни 1, 3, 4-мисралардаги 1, 2-паузалар 7 бўгиндан (2=7+7), иккинчи мисра уч паузадан иборат бўлиб, биринчи пауза 2, иккинчи пауза 4, учинчи пауза 7 (3=2+4+7) бўгин ёки хижодан иборат.
Ўкитувчи ифодали ўкишдаги бу коидаларни ўкувчиларга тушунтиргач, шеърни коидага риоя килиб ўзи ўкийди, бир неча ўкувчига ўкитади. Натижада асарнинг мазмуни ўкувчиларга ўзлашиб боради.
Ана шундан сўнг, ўкитувчи ушбу асарнинг гоявий мазмуни билан куйидагича таништиради:
Мукимий ва Фуркат хассос шоир бўлганлар, улар ватан табиатини, хусусан, бахор фаслини севганлар; табиатнинг гўзал манзараси бу икки шоирга илхом, завк-шавк багишлайди.
Бу фаслда Фаргона водийси гул бокка айланади, Ўзбекистон чаманларга кўмилади, лекин бу ўлканинг ажнабийлар кўлида эканидан шоирлар афсусланадилар. Ўлкада тенгсизлик хукм суради. Уларнинг кўз ўнгида аввало бахор гўзаллиги гавдаланса, иккинчи томондан халкнинг оху фарёди, алам-дарди намоён бўлади. Дейиш мумкинки, улар Туркистонни мустакил кўриш орзуси билан яшайдилар. Бундай карама-каршилик Фуркат ижодига кучли таъсир этади ва бу зиддиятни ўз ижодида акс эттиради:
Фасли навбахор ўлди, кечибон зимистонлар,
Дўстлар, ганиматдур, сайр этинг гулистонлар.
Субхидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,
Гул уза томиб кам-кам, ёгди абри найсонлар.
Шоир бахор гўзаллигидан мамнун бўлади, халкни бу гўзалликдан бахраманд бўлишга чакиради:
Куймасун бу водийда не учун димогимким,
Ранжу гуссада доно, кечса шод нодонлар.
Бу сатрларда нодонларнинг шодлиги, доноларнинг ўша даврдаги кайгу аламга дучорлигидан шоир кайгурмокда.
Ўкитувчи мазкур шеърни тахлил килаётганда, унинг кофиясига хам эътибор бери ши, газал мисралари охирида келган кофиялар билан бирга, ички кофиялар хам мавжудлигини тушунтириши лозим. Байтдаги “зимистонлар” билан “гулистонлар”, “найсонлар” билан “сронлар” сўзлари кофиядошдир. Лекин юкоридаги байтда ички кофия хам бор. Масалан, шабнам кам-кам, юзни-кўзни сўзлари ички кофиядир. Бундай ички кофиялар шеър мазмунининг бўртиб туриши, мисраларнинг охангдор бўлишини таъминлайди.

Шоир шеърнинг гўзаллигини, таъсирчанлигини ошириш учун ажойиб бадиий воситалардан фойдаланади. У дастлаб гўзал жонлантириш яратади. Бу жонлантириш шеърга бадиий латофат, мусикийлик багишлайди. Шеър мисраларидаги “сабзалар”, “настаран”, “наргис”, “хуррам”, “ювиб юзни”, “очибон кўзни интизори ёронлар” сингари сўз ва бирикмалар оркали кўкаламзор ва гуллар жонлантирилади.
Шунингдек, шоир булбул, гунча ва гулнинг ажойиб образларини яратади:
Булбул ўкигоч йиглаб субхидам хазон фаслин,
Гунча кон ютуб, юз чок этди гул гирибонлар.
Бундай мажозий маънолар шоирнинг юксак махоратидан дарак беради.
Ўкитувчи шеърнинг вазни хусусида хам маълумот беради. Фуркат бу газални арузнинг хажаз мусамман аштар вазнида ёзганлигини таъкидлайди, вазн схемасини доскага ёзиб кўрсатади: – v – v – – –
– v – v – – –
Фоилун мафоилун, фоилун мафоилун эканлигини уктирди. Шундан сўнг, ўкитувчи шеърнинг бир-икки мисрасини вазнга уйгунлаштириб тахлил намунасини кўрсатади. Уйга вазифа килиб, шеърнинг икки байтини вазнга мувофик тахлил килишни топширади.
Шуни таъкидлаш жоизки, шеър матни устида ишлаш жараёнида ўкитувчи ўкувчиларни кўпрок жалб этмоги лозим. Бу эса янги педагогик технологиянинг бугунги кундаги талабларидан биридир.